O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI

УСТОЗНИ ЭЪЗОЗЛАГАН АЗИЗДИР!

Kuch – bilim va tafakkurda

Ma'rifat

МАЪРИФАТ * ХАЛҚ ЗИЁЛИЛАРИ ГАЗЕТАСИ * معرفت

1931 йилдан чиқа бошлаган 2002 йил 28 сентябрь, шанба Баҳоси сотувда эркин нархда № 76-77 (7480)

ЎҚИТУВЧИ ДЕГАНДА, ҲАР ҚАЙСИ ИНСОН БИРИНЧИ ГАЛДА МУҲТАРАМ МУАЛЛИМЛАРИНИ, ҚАДРДОН МАКТАБИНИ, ДУНЁНИ ТАНИШ, ЎҚИШ-ЎРГАНИШ ЗАВҚИ БИЛАН ЎТГАН БЕҒУБОР БОЛАЛИК ЙИЛЛАРИНИ ЭСЛАЙДИ, ЎЗ УСТОЗЛАРИНИ ЭҲТИРОМ ВА МИННАТДОРЛИК БИЛАН ЁДГА ОЛАДИ.

Ислом КАРИМОВ

МАҚСАД ВА ИНТИЛИШЛАРИМИЗ МУШТАРАК

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 23-25 сентябрь кунлари расмий ташриф билан Литва Республикасида бўлди.

Литвада табиатнинг эҳсонлари кўп. Мамлакатнинг баланд тоғлари йўқ, қуюқ ўрмонлар ҳам кам. Яшил майса билан кўмилган ясси текисликлар, мовий кўллару сокин дарёлар, дарахтзорлар Литвага кўрк бахш этади.

Мамлакат пойтахти — Вильнюс. Нарис ва Вилня дарёлари туташган жойдаги бу қадим шаҳар (у 1323 йилда барпо этилган) Рим, Византия, Европа ва Осиё маданиятларини туташтирувчи шимолий нуқта бўлган. Вильнюснинг тарихига қизиққан одам шаҳардаги обидаларни кўздан кечирса кифоя. Черковлар, ибодатхоналар, миноралар, ҳарбий истеҳкомлар, жинкўчалар, ўрта асрларга хос ташқи оламдан яширин ҳовлилар, бошқа иншоотларда Европа цивилизацияси тарихида учрайдиган қурилиш, маданият, илми ҳарб анъаналарининг кўп қисми намоён. Европанинг кўп анъаналари шу ерда мужассам бўлиб, бир-бирини тўлдириб турибди. Вильнюснинг "эски шаҳари" минтақада энг катта ҳисобланиб, ЮНЕСКО томонидан жаҳон маданий мероси дурдоналари рўйхатига киритилган.

Президент Ислом Каримовнинг ушбу гўзал диёрга қадами қутлуғ келгани самолёт Вильнюс аэропортига қўнгандаёқ маълум бўлди. Литвалик ҳамкасбларимизнинг айтишича, 23 сентябрга қадар уч кун тинимсиз ёмғир ёққан. Шу куни эса эрталабдан қуёш чарақлабди (одатда анчайин серёғин кечадиган бу мавсумда ташриф давомида қуёш чарақлаб турди).

Ўзбекистон — Литва муносабатлари музокараларнинг бош мавзуи бўлди, албатта. Президентимиз таъбири билан айтганда, давлатлараро муносабатлар асосида аввало иқтисодий ҳамкорлик ётади. Бошқа соҳалар, хусусан, сиёсий жабҳадаги ҳамкорликни истисно қилмаган ҳолда, таъкидлаш жоизки, манфаат, фойда бўлмаса, ҳақиқатан ҳам, алоқадан, борди-келдидан наф йўқ. Демак, дастлабки мавзу иқтисодий муносабатлар ҳақида.

Ўтган йили Ўзбекистон билан Литва ўртасидаги савдо-сотиқ ҳажми 1994 йилдагига нисбатан уч баробар кўп бўлди. Лекин мамлакатимиз раҳбари Ислом Каримовнинг Президент Валдас Адамкус билан учрашувида ҳам, Бош вазир Алгирдас Бразаускас билан музокарасида ҳам ҳозирги кўрсаткичга қониқарсизлик билдирилди. Негаки, ҳар қанча катта бўлмасин, ҳозирги рақамлар, ўсиш суръати салоҳияту имкониятларимиз даражасида эмас.

Ислом Каримов ташрифдан кўзланган мақсад ҳамкорликка янги суръат ва шиддат бахш этиш эканлигини таъкидлади ва муносабатлар ривожига тўсиқ бўлаётган омиллар, янги ва яхши имкониятлар ҳақида сўзлади. Мамлакатимиз раҳбарининг сўзларига кўра, озиқ-овқат, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш, кимё, тўқимачилик ва электротехника саноатида, шунингдек, қурилиш материаллари, мебел, халқ истеъмоли моллари, дори-дармон ишлаб чиқаришда янги-янги лойиҳаларни ишга солиб, икки томон учун ҳам манфаатли дастурларни амалга ошириш мумкин.

Сармоя соҳасига келсак, Ўзбекистон ўзининг қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари, хусусан, пахтани сўнгги паллагача қайта ишлашдан манфаатдор. Демак, Литва тўқимачилик саноати юксак даражада тараққий этганидан фойдаланмоқ мақсадга мувофиқдир. Бунинг энг осон, содда ва кенг тарқалган йўли — қўшма корхоналар тузиш. Мисол тариқасида Ҳиндистондаги вазиятни олайлик. Бу мамлакатда тўқимачилик саноати маҳсулотлари экспортидан келадиган даромад ялпи миллий экспортдан келадиган даромаднинг 35 фоизини ташкил этади. Ўтган йили у 17 миллиард АҚШ долларига етган. 2010 йилда бу рақамни 50 миллиардга етказиш режалаштирилмоқда. Ваҳоланки, бизда Ҳиндистондагидан кўпроқ пахта етиштирилади. Демак, Ўзбекистон ундан ҳам юқорироқ марраларни кўзлаши мумкин. Бунинг учун ишончли шерик, замонавий техника ва технологиялар керак.

(Давоми 2-бетда)

МАЪРИФАТ МАНЗИЛИ СОҲИБИ

Бола — беғуборлик тимсоли, муаллим — меҳрнинг. Фарзанд — келажак рамзи, мураббий — муҳаббатнинг. Боладай беғубор муаллиму мураббийнинг меҳру муҳаббати тафтида сабоқ олаётган фарзанд — келажак соҳиби. Демак, миллат тақдири, Ватан келажаги ўқитувчи зиммасида.

Дунёни англаш ҳайратдан бошланади. Ўзликни англаш — тафаккур боис. Ҳайратни тафаккур ҳаракатлантиради. Тафаккур мутолаадан куч олади. Мутолаа — китоб демак. Китоб — сўз уммони. Сўзнинг қоғозга кўчиши қалам боис. Қўлингга қалам тутқазиб, илк ҳайратларингни қоғозга кўчиришга ўргатган ўқитувчингдир. Китоб мутолаа қилиб тафаккур айлашга, ўзингни, дунёни англашга ўргатган муаллимингдир.

Кеча Бугунга, Бугун эса Эртага туташадиган йўллар маърифат деб аталмиш манзилдан ўтади. Бу манзил соҳиби — муаллим.

Ҳар қандай ривожланган давлатлардан-да кам бўлмаймиз, деган мақсад устувор бўлган Ўзбекистонда энг улуғ, энг азиз байрамимиздан кейин нишонланадиган биринчи шодиёнамиз — "Ўқитувчилар ва мураббийлар куни". Бундай эъзозу эътироф яна қайда бор!..

Нўъмонжон МУҲАММАДЖОНОВ олган сурат.

Президент Валдас Адамкус илк учрашувдаёқ Ислом Каримовга Ўзбекистон бутун дунё нигоҳи қадалган Марказий Осиё минтақасида кечаётган жараёнларда муҳим ўрин тутишини таъкидлади.

Ma'rifat

МАҚСАД ВА ИНТИЛИШЛАРИМИЗ МУШТАРАК

(Давоми. Боши 1-бетда)

Ўзаро муносабатларда энг аҳамиятли бўлган транспорт соҳасига алоҳида тўхталиш жоиз. Яна пахтага келайлик. Илгари Кавказдаги бандаргоҳлардан четга чиқарилган пахта, мустақиллик йилларида Болтиқбўйи орқали хориждаги мижозларга борадиган бўлди. Сабаби оддий — Болтиқбўйида юк ташиш хизмати Ғарбий Европа даражасида. Юк омборда узоқ қолиб кетмайди, белгиланган муддатда, белгиланган манзилга юборилади. Демак, биз учун фойдали. Лекин, очиқ айтиш керак, сўнгги вақтларда Ўзбекистон маҳсулотини Болтиқбўйи бандаргоҳларига етказиш қийинлашиб қолди. Қишда музламайдиган Клайпеда бандаргоҳларидан фойдаланиш Ўзбекистон учун ҳам, Литва учун ҳам муҳим ва фойдали. Аммо, турли сабабларга кўра, бу борадаги кўрсаткичлар сўнгги вақтларда пасайиб кетди.

Тадбиркорлар билан учрашувда Ислом Каримов Ўзбекистоннинг шакарга йиллик эҳтиёжи 400 минг тонна эканини айтди. Бу мисол тариқасида айтилган гап. Ўзбекистон бу эҳтиёжнинг учдан бир қисмини ўз имкониятлари ҳисобига қоплайди. Қолганини четдан келтириши керак. Бунда анъанавий шериклар қўл келиши турган гап. Ислом Каримов Литва томонини шундай жабҳаларда фаоллик кўрсатишга, ўзгаларнинг рақобатидан кўз юммасликка чақирди.

Вильнюс музокараларида бир неча таклиф ўртага ташланди. Бош вазир Алгирдас Бразаускас билан учрашувдан кейин Ислом Каримов Литва телевидениеси мухбирига интервью берар экан, ўзаро савдо уйлари очиш мақсадга мувофиқ эканлигини таъкидлади. Бу муассасалар аввало конъюнктурани ўрганади. Талаб ва таклиф ҳақида аниқ маълумот бўлса, савдо-сотиқни ривожлантириш, қўшма корхоналар сонини ошириш анча енгиллашади.

Ишбилармонлар билан учрашувда литваликлар Клайпедада шундай муассаса очиш учун имконият мавжудлиги, Ўзбекистон томонидан билдирилган барча таклифлар маъқул эканлигини таъкидлади.

Умумий келишувга кўра, иқтисодий алоқаларни тартибга солиш, мувофиқлаштириш ва ривожлантириш, тўсиқларни очиш ва муаммоларга ечим топиш учун савдо-иқтисодий ҳамкорлик бўйича Ўзбекистон-Литва ҳукуматлараро комиссияси тузилади. Унинг илк мажлиси яқин орада Тошкентда ўтказилади.

Вильнюс музокараларининг натижаси ўлароқ бир неча икки томонлама ҳужжатлар қабул қилинди. Президентлар Ўзбекистон билан Литва ўртасида Давлатлараро муносабатларнинг асослари, дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисидаги шартномани имзолади. Шунингдек, ташқи ишлар вазирликлари, мудофаа маҳкамалари, божхона хизматлари ҳамда миллий университетлар ўртасида ҳамкорлик тўғрисидаги ҳужжатлар имзоланди.

Энди бевосита сиёсий соҳага тўхталсак. Ўзбекистон мустақилликка эришган илк пайтдаёқ Болтиқбўйи давлатларининг суверенитетини тан олганди. Жавоб ҳам шунга яраша бўлган. Айни пайтда Литва (унинг икки қўшниси — Латвия ва Эстония ҳам) Европа Иттифоқи ва НАТОга қўшилиш арафасида турибди. Кўҳна дунё ҳамжамияти сармоялар ва иқтисодий юксалишнинг янги суръатини ваъда қилса, Трансатлантика уюшмаси хавфсизлик таъминотини зиммасига олади.

Шуни ҳам эслаш керакки, Президент В.Адамкус Литва мустақилликнинг илк давридаёқ Ғарбга интилишга қарор қилгани, лекин бу дунёнинг бошқа давлатлари билан алоқа ўрнатилмайди, дегани эмаслигини таъкидлади. Бошқача айтганда, Литва ва умуман Болтиқбўйи давлатларининг интилиши Ғарб билан чекланиб қолмайди ва буни мазкур мамлакатлар яхши идрок этади. Дейлик, террор, экстремизм, айирмачилик, наркобизнес, қуроляроғ контрабандаси, уюшган жиноятчилик каби иллатларга қарши курашда Литва учун Ўзбекистон билан ҳамкорлик зарур. Президент Валдас Адамкус илк учрашувдаёқ Ислом Каримовга Ўзбекистон бутун дунё нигоҳи қадалган Марказий Осиё минтақасида кечаётган жараёнларда муҳим ўрин тутишини таъкидлади. Афғонистондаги тикланиш ишларида икки мамлакат қурувчиларининг биргаликда ҳаракат қилиши ҳар томонлама фойдали бўлишини ҳам айтди.

Литванинг ишбилармонлари ҳам Ўзбекистоннинг аксилтеррор операцияси доирасидаги дадил қадамларини таъкидлаб ўтди. Литва тўқимачилик корхоналари уюшмаси президенти, Саноатчилар конфедерацияси вице-президенти, "Аудейас" тўқимачилик корхонаси бош директори Йонас Карчиаускас ҳамкорликни кенгайтириш борасидаги фикр-мулоҳазалари ва таклифларини баён қилар экан, Ислом Каримов анча йил аввал биринчи бўлиб БМТ минбаридан бутун дунёни терроризмга қарши курашга даъват қилганини қайд этди.

Президентимизга Литва давлатининг энг олий мукофоти — Буюк Витаутас ордени берилди. Бу мукофот Литва халқи ва айни пайтда бутун башарият фаровонлигини ошириш йўлида хизмат кўрсатган арбобларга топширилади. Ислом Каримовнинг Ўзбекистон-Литва муносабатларини ривожлантириш борасидаги жонкуярлиги ва халқаро террорчиликка қарши курашдаги қатъияти учун берилган мукофот бу. Қолаверса, ушбу воқеа Литва томонида Ўзбекистон билан алоқаларни ривожлантиришга интилиш кучли эканлигининг яна бир тасдиғидир...

Президентимиз Вильнюс университетига ташриф буюрди. Бу ерда тарихий кутубхона бор. Унинг бунёд этилиш даври университет таъсис этилган вақт — XYI асрга бориб тақалади. Қадимийлиги баробарида бу кутубхона жуда бой. Ислом Каримов қадам ранжида қилган чоғда жавонларда Ибн Синонинг "Тиб қонунлари", Улуғбек тадқиқотлари, Алишер Навоийнинг "Сабъаи сайёр", Бобурнинг "Бобурнома", Қодирийнинг "Меҳробдан чаён" романи, "Алпомиш" достонидан бугунги адабиётимизга оид асарларгача жуда кўп китоб йиғилганини кўрдик. Литванинг энг қадим, энг катта университетида Ойбек, Ғафур Ғулом, Ҳамид Олимжон, Мақсуд Шайхзода, Миртемир, Асқад Мухтор, Ўлмас Умарбеков ва бошқа кўплаб адибларимизнинг асарларини Литва тилида мутолаа қилиш мумкин.

...Президент Валдас Адамкус Ўзбекистон раҳбарининг ташрифи ўтган даврдаги ишларни сарҳисоб этиб, келажакка янада теранроқ боқиш имконини яратганини таъкидлади. Аввал яккамаякка учрашувда, сўнг кенгайтирилган таркибдаги музокарада, ундан кейин эса матбуот анжуманида шу жумла кўп янгради. Бу бежиз эмас. Истиқлол қадрига етган, уни мустаҳкамлашга туну кун ҳаракат қилган халқ буюк келажакка кўз тикиши мумкин. Бу жиҳатдан ўхшашлигимиз кўп ва хўб. Демак, интилишларимиз ҳам муштарак. Ислом Каримовнинг Литва Республикасига расмий ташрифи ана шу ҳақиқатни яна бир карра тасдиқлади.

Анвар БОБОЕВ,
ЎзА махсус мухбири.
Тошкент—Вильнюс—
Тошкент.

Shu songa xabar

ЯНГИ МАКТАБ ИШГА ТУШДИ

Яқинда Шаҳрисабз туманидаги Мирзо Улубек номидаги ширкат хўжалигининг Шакартери қишлоғида жойлашган 78-таянч мактаб ўқитувчилари ва ўқувчи ёшларнинг қалби завқ ва шавққа тўлди. Гап шундаки, саҳоватпеша ҳомийлар ёрдамида 240 ўринли янги мактаб биноси фойдаланишга топширилди.

Мактабнинг очилиш маросимида сўзга чиққанлар 100 млн. сўмлик қурилиш ишларини бажарган Ҳ.Ражабов бошлиқ қурувчиларга ўз миннатдорчиликларини билдирдилар. Асосийси, янги мактабнинг замонавий жиҳозлар билан таъминлангани барчани қувонтирди.

Аҳад МУҚИМОВ

ЯНГИ НОМЛАР КАШФ ҚИЛИНДИ

Сочларини майда ўрган қизалоқ "Майда ўрилган сочни, Булбул ҳам севар эмиш" деб ажойиб шеър ўқиди. Ўзбекистон Президентидан мактуб олган, 20 дан ортиқ ижод намуналари матбуотда ёритилган қизалоқ эса "Ўзимга ўхшагим келар" деб шеърини ўз овозига эга ҳолда якунлади. Катта-катта кўзлари тўла маъно, жиддий, босиқ қизимиз Ўзбекистон Қаҳрамони Озод Шарафиддинов ҳақида битган эссесини ҳаяжон билан ўқиб берди.

Tanlov

Ҳа, яқинда шаҳар армасида ўтказилқаламкашлар танлочида сараларнинг халқ таълими бошқган "Нафосат" ёш вининг учинчи босқисараси ўзаро баҳслашдилар. Ғолибларни аниқлаш ҳайъат аъзолари учун ҳам бир қадар қийин кечди. Уларнинг хулосасига кўра, Зулфизар Содиқова(243-мактаб), Дилобар Мирсоатова(187-мактаб), Замира Аҳророва(272-мактаб)лар юқори ўринларга муносиб, деб топилди. Шунингдек, 3 нафар қиз — Нодира Жуманазарова(256-мактаб), Нормина Гусейнова(160-мактаб) ва Дилноза Умарова(260-мактаб)ларнинг ижод намуналари ҳам совринли ўринларни эгаллади.

Ҳайъат аъзолари барча танлов қатнашчиларини қутлаб, қимматбаҳо совғалар топширар эканлар, бу йилги мушоирада истеъдодли ўқувчилар иштирок этганлигини алоҳида таъкидладилар. Чунки ўқилган ижод намуналари бағишловдан холи, ўзига хос, ранг-баранг мавзуларда бўлиб, оҳори тўкилмаган ибора ва сўзларга бой эди.

Ғолиблар 16—18 октябрда республика ижодкор ўқувчилари ўртасида Тил байрамига атаб ўтказиладиган мушоирада иштирок этадилар.

Нозима ТОЖИБОЕВА,
ТШХТББ мутахассиси,
Орзигул МАТҚУРБОНОВА,
Яккасарой туманидаги 127-мактаб ўқитувчиси

ҲАМКОРЛИКНИНГ ЯНГИ БОСҚИЧИ

Ҳар бир соҳада халқаро ҳамкорликнинг кенг йўлга қўйилиши мамлакатимизда олиб борилаётган сиёсатнинг муҳим бир жиҳатидир. Пойтахтимиздаги Қурилиш ва коммунал касб-ҳунар коллежида Американинг Ўзбекистондаги Тинчлик Корпуси ваколатхонаси директори Фред Григори ва Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирининг биринчи ўринбосари, ЎМКҲТМ раҳбари Жуманазар Ҳусановлар ўзаро ҳамкорлик шартномаларини имзоладилар.

Унда АҚШнинг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси ўринбосари Дэвид Эплтон иштирок этди. Мазкур шартномага кўра, инглиз тилини ўқитиш, соғлиқни сақлаш ва кичик бизнесни ривожлантириш дастури асосида ваколатхона вакиллари Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги билан ҳамкорликда иш олиб борадилар. Яъни, америкалик кўнгиллилар республикамизнинг касб-ҳунар коллежлари, лицейлар ва олий ўқув юртларида инглиз тилидан дарс берадилар.

Райҳон ХОЛМУРОДОВА,
"Маърифат" мухбири

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг шу йил 28—31 июль кунлари Японияга ташрифи давомида Ўзбекистон Республикаси билан Япония ўртасида ўзаро манфаатли ҳамкорликнинг янги-янги қирралари очиб берилди.

ХАЛҚАРО ҲАМКОРЛИК ТАЪЛИМ УЧУН ҲАМ ФОЙДАЛИДИР

Рисбой ЖЎРАЕВ,
Халқ таълими вазири

Мустақиллик мамлакатимизнинг барча соҳалари каби таълим тизимида ҳам юксак тараққиёт учун мустаҳкам замин ҳозирловчи ислоҳотларни амалга ошириш имкониятини яратди.

Президентимиз ташаббуслари ва муаллифликларида яратилган, ҳаётга татбиқ этилаётган Кадрлар тайёрлаш миллий дастури фикримизга асос бўлади.

Мазкур ўқув йилида мактабни тамомлаб, етуклик шаҳодатномасини оладиган ёшлар — мутлақ янги, Кадрлар тайёрлаш миллий дастурига кўра ишлаб чиқилган ва Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланган Давлат таълим стандартлари асосида таълим олиб, катта ҳаётга қадам қўядиган илк қалдирғочлар ҳисобланадилар. Бу албатта катта воқеа бўлади.

Айни пайтда мустақил давлатимиз ўқувчилари учун миллий истиқлол руҳи билан суғорилган янги авлод дарсликлари яратиб бўлинди. Болаларимиз учун қурилаётган коллеж, лицейлардан қолишмайдиган янги-янги замонавий мактаблар, таълим-тарбия муассасалари барчанинг ҳавасини келтирмоқда.

Таълим тизимидаги бу муҳим янгиликлар ёш, мустақил давлатимизни дунёнинг ривожланган мамлакатлари қаторига олиб чиқишига, шубҳа йўқ. Зеро, ҳозирданоқ тараққий этган дунё мамлакатлари бизнинг юртимизда кечаётган ислоҳотларга катта эътибор ва ишонч билан қарамоқдалар ҳамда Ўзбекистон билан кенг қамровдаги ҳамкорлик алоқаларини ўрнатмоқдалар. Хусусан, таълим соҳасида амалга оширилаётган халқаро ҳамкорлик ишлари алоҳида эътиборга моликдир. Бу, республикамизда ишлаб чиқилиб, амалиётга жорий этилаётган, ҳеч бир давлатда ўхшаши бўлмаган Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг халқаро миқёсда эътироф этилиши ва кечаётган ислоҳотлар натижаларининг дунёда тан олиниши деганидир.

Халқ таълими тизимида халқаро ҳамкорлик йўналиши бўйича қилинаётган ишлардан кўзда тутилган мақсад битта: таълим сифатини ошириш, ёш авлоднинг замон талаблари даражасида билим олишларини таъминлашдир. Бугунги кунда нуфузли халқаро ташкилотлар ва тараққий этган давлатлар биз билан ҳамкорлик ўрнатаётганлигини алоҳида таъкидлаб ўтиш жоиз.

Хусусан, дунёга машҳур «ЮНИСЕФ» халқаро ташкилоти томонидан 1995—2000 йиллар давомида Қорақалпоғистон Республикасидаги 33 та, Фарғонадаги 4 та, Қашқадарёдаги 2 та мактабларнинг моддий базасини яхшилаш учун 185 минг АҚШ долларига яқин миқдорда маблағ ажратилди. Республикамизнинг турли ҳудудларида ташкил этилган 25 та хонадон-боғчаларни жиҳозлаш учун ҳам ушбу ташкилот томонидан 6 миллион сўм маблағ сарфланди. Шунингдек, ташкилот томонидан Қорақалпоғистонда кам таъминланган оилалар болалари учун мўлжалланган «Шифо» ёшлар марказининг очилишига 10 минг АҚШ долларига тенг, «Оналар мактаби» дастурини яратиш учун 780 мингдан зиёд ва уни чоп этиш учун 1,2 млн. сўм, «Болангиз мактабга тайёрми?» қўлланмасининг чоп этилиши учун 3,3 млн. сўмдан зиёд маблағ ажратилди. Айни пайтда ҳам мазкур ташкилот билан ҳамкорлик давом эттирилмоқда.

Вазирликнинг ЮНЕСКО билан ҳамкорлиги ҳам яхши йўлга қўйилган. Айни пайтгача мазкур ташкилотнинг Бирлашган мактаблар дастурига республикамизнинг 26 та мактаби аъзодир. Мазкур мактаблар ушбу ташкилот томонидан компьютерлар, янги технологиялар билан таъминланди. Бу мактабларнинг еттитаси қошида жамоатчилик таълим марказлари ҳам фаолият кўрсатмоқдаки, уларда ўқувчилар, мактабгача ёшдаги болалар ва уларнинг ота-оналари учун ташкил этилган курслар, касбга йўналтириш, кичик бизнесни ривожлантириш ва бошқа йўналишлар бўйича олиб борилаётган ишлар эътиборга лойиқдир.

Ўзбекистон ва АҚШ ўртасидаги ҳамжиҳатликни бугун барча яхши билади. Ушбу мамлакатнинг Тинчлик Корпуси ташкилоти билан биргаликда амалга оширилаётган ишлар ҳам диққатга сазовор. Тинчлик Корпусининг кўнгиллилари инглиз тилини ўргатиш дастури асосида умумтаълим мактабларида таълим олаётган ўқувчиларнинг инглиз тилини бошланғич синфлардан бошлаб пухта ўзлаштиришларига кўмак бермоқдалар. 1992 йилдан бошлаб айни пайтгача республикамиз таълим муассасаларида ташкилотнинг 400 дан зиёд кўнгиллилари фаолият кўрсатишди. Шу йил ноябрь ойида яна 30 нафарга яқин кўнгиллилар келиши режалаштирилган. Кўнгиллилар томонидан ёз ойларида республикамиз вилоятларида инглиз тилини ўрганиш бўйича махсус лагерлар, шунингдек, мактабдан бўш вақтларида алоҳида инглиз тилини ўқитиш бўйича нафақат ўқувчиларга, балки уларнинг ота-оналарига ҳам мўлжалланган тўгараклар ташкил қилинди. Бу вазифаларни бажариш учун Тинчлик Корпуси томонидан 8,5 млн. АҚШ доллари миқдорида маблағ сарфланганлигини таъкидлаб ўтиш жоиз.

АҚШнинг АКСЕЛС ташкилоти билан имзоланган битимга асосан эса ҳар йили юқори синф ўқувчилари ўртасида танловлар ўтказилмоқда. Танлов ғолиблари бўлган ўқувчилар бир йилга АҚШга ўқишни давом эттириш учун юборилади. 1993 йилдан буён 494 нафар ўқувчи АҚШда таълим олиб келишди ва олишмоқда. Халқ таълими вазирлиги ва АКСЕЛС ташкилоти билан олиб борилаётган таълим соҳасидаги ҳамкорлик ишлари ўз самарасини бермоқда, шу билан бирга ўқувчилар ва ўқитувчилар орасида тобора қизиқиш уйғотмоқда.

Шу ўринда, Франция элчихонасининг Маданий ва илмий-техникавий алоқалар хизмати бўлими, Германиянинг Гёте институти, Буюк Британиянинг «Мерси Прожект» халқаро хайрия ташкилоти, Британия Кенгаши ва бошқа кўплаб ташкилотлар билан ҳамкорликда амалга оширилаётган ишлар ўзининг катта самараларини бераётганлигини айтиб ўтиш зарур.

Республикамиз мустақиллиги йилларида Ўзбекистоннинг, хусусан, Япония давлати билан ҳар томонлама, шу жумладан таълим тизимини такомиллаштириш бўйича амалга оширилаётган ўзаро ҳамкорлик алоқалари алоҳида эътиборга моликдир. Мазкур мамлакат билан ҳамкорлик муносабатлари, айниқса, таълим муассасаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, педагог ходимлар малакасини ошириш ва бошқа кўплаб йўналишларда самарали натижалар бермоқда.

Айниқса, Япония элчихонаси томонидан беғараз иқтисодий ёрдам лойиҳаси асосида республикамиз мактабларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва уларни таъмирлаш мақсадлари учун қиймати 3 миллион АҚШ долларидан ортиқ бўлган 63 та шартномалар имзоланди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг шу йил 28—31 июль кунлари Японияга ташрифи давомида Ўзбекистон Республикаси билан Япония ўртасида ўзаро манфаатли ҳамкорликнинг янги-янги қирралари очиб берилди. Ҳар икки мамлакат ўртасида таълим соҳасидаги ҳамкорлик алоқаларини кучайтириш ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 8 августдаги «Япония билан ҳамкорликни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 285-сонли қарори ижросини таъминлаш мақсадида Халқ таълими вазирлигининг буйруғи қабул қилинди. Айни пайтда япон тилини ўрганишга эҳтиёж ва қизиқиш ортганлиги туфайли Тошкент шаҳридаги 295-мактабнинг бошланғич синфларида япон тили асослари ўқитилмоқда. Япония элчихонаси томонидан мактабга 200 дона япон тили дарсликлари, кундалик сўзлашув китобчалари, 10 комплект энциклопедия тақдим этилган ва доимий равишда бадиий адабиётлар ва матбуот нашрлари етказиб турилибди. Мазкур мактаб Японияниг Хичатсука шаҳридаги Сюзен номли мактаби билан ҳамкорлик ўрнатган. Япония ҳукумати томонидан «Умумий ўрта таълим мактабларини ўқув жиҳозлари билан таъминлаш» лойиҳаси доирасида ажратилиши режалаштирилган 8 миллион АҚШ долларига тенг грантга вазирлик томонидан буюртма берилди.

Бу каби мисоллар, албатта, қилинаётган ишлар, халқаро ҳамкорлик алоқаларининг маълум бир қисми, холос. Алоқани ривожлантириш бўйича яна қатор ишлар амалга оширилмоқда. Таълим соҳасида кенг миқёсдаги ислоҳотларни,бунёдкорлик ишларини, бугун барча юртдошларимиз ҳис қилиб туришибди.

Мамлакатимизда 1 октябрь — Ўқитувчилар ва мураббийлар кунининг умумхалқ байрами сифатида нишонланиши ҳам ҳукуматимизнинг устозларга бўлган эҳтироми билан бирга уларнинг қийин, мураккаб меҳнатларига, яъни, ёш авлод таълим-тарбияси ишига бўлган юксак эътиборидан далолатдир.

Фурсатдан фойдаланиб, барча устозларимизни ана шу касбий, лекин умумхалқ байрами даражасига кўтарилган айём билан самимий табриклайман. Барчамиз ўзимизга кўрсатилган ана шундай юксак ишончни оқлаш йўлида ёниб яшайлик!

Халқ таълими тизимида халқаро ҳамкорлик йўналиши бўйича қилинаётган ишлардан кўзда тутилган мақсад битта: таълим сифатини ошириш, ёш авлоднинг замон талаблари даражасида билим олишларини таъминлашдир.

"XXI АСР АВЛОДЛАРИ"

Faxr

Юртимизда ёшларга қаратилаётган эътибор, бу борадаги қайғуриш самараси ўлароқ, ёшларимизнинг барча соҳалардаги эришаётган ютуқлари, қўлга киритилган муваффақиятларидан бугуноқ юрт эртасининг истиқболини тасаввур қилиш қийин эмас. Бу ишонч эса яқинда Москва шаҳрида ўтказилган "XXI аср авлодлари" халқаро ёшлар санъат фестевалида юртимиз шарафини ҳимоя қилган Сирдарё вилоятидаги Гулистон қурилиш касб-ҳунар коллежининг олти нафар ўқувчилари қучган зафарда яна бир бор ўз исботини топди.

Куни кеча ғолиб ўқувчилар Республика Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими марказида бўлишди. Уларни ЎМКҲТ маркази раҳбарининг биринчи ўринбосари Хайриддин Маъсудов эришган ютуқлари билан қутлар экан, ўқувчиларга келгусида ҳам доимо омад ёр бўлишини тилади. Зеро, устоз бахти — ўз шогирдининг муваффақиятини кўриш, унинг қувончига шерик бўлиш ва келгусида забт этилажак ютуқларини ҳис этиб яшашдадир.

— Мазкур фестивалнинг эътиборли томони шундаки,— дейди биз билан суҳбатда Сирдарё вилояти Ўрта махсус касб-ҳунар таълими бошқармаси бошлиғи муовини Холмирза Шакаров,— унда асосан касб-ҳунар коллежларининг ўз қаровчисини йўқотиб, Меҳрибонлик уйларида вояга етган кўнгли ярим талабалари иштирок этишди. Бу эса улар кўнглига бироз бўлса-да, малҳам бўлган бўлса, ажаб эмас. Зотан, мана шундай нуфузли фестивалда иштирок этиш, Ватан шарафини ҳимоя қилиш, керак бўлса, шу замин номидан фикр билдириш бахтига сазовор бўлиш юрт учун кераклигингни, унинг суюкли фарзанди эканлигингни билдиради. Бундан ғурурланасан киши.

Албатта ҳар бир ёш келажаги бу — юрт, жамият, қолаверса, миллат эртаси демакдир. Шу боис ҳукуматимиз томонидан Меҳрибонлик уйларида камол топаётган ёшларга ҳам алоҳида эътибор қаратилган бўлиб, уларнинг баркамол вояга етишлари, таълим-тарбия олишлари учун барча имконият эшиклари очилган. Самимий ўтган учрашув сўнггида ўқувчиларга Республика Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими марказининг қимматбаҳо эсталик совғалари топширилди.

Баҳодир ЖОВЛИЕВ,
"Ma'rifat" мухбири

Б. РИЗОҚУЛОВ олган сурат.

Зеро, бугунги ёшларнинг қай даражада билим соҳиблари бўлиб вояга етишиши ўқитувчининг билим ва маҳоратига боғлиқдир.

ХАЛҚАРО БОЛАЛАР КЎРГАЗМАСИ

Бадиий академиянинг кўргазмалар залида мамлакатимизда биринчи марта халқаро миқёсда хорижий давлатлар ёш рассомлари иштирокида кўрик-танлов ўтказилмоқда.

Мазкур кўргазма Ўзбекистон Бадиий академияси, Ташқи ишлар, Маданият ишлари ва Халқ таълими вазирликлари, Ўзтелерадиокомпания ҳамда "Соғлом авлод учун" халқаро жамғармаси ҳамкорлигида ўтказилмоқда.

— Кўрик-танловни ўтказишдан асосий мақсад, болалар бадиий ижодиётини ривожлантириш, мамлакатимиз болаларини дунёнинг турли мамлакатларидаги тенгдошлари билан ижодий алоқа қилишига имкониятлар яратиш, иқтидорли болаларни топиш ва улар фаолиятини ривожлантириш, ёш ижодкорларнинг мамлакат тарихи, маънавий хазинасига ва унинг халқаро ҳамжамиятдаги мавқеига қизиқишини уйғотишдир, - деди Бадиий Академия директори Турсунали Қўзиев "Тур-кистон-пресс" мухбирига. - Танловнинг Камолиддин Беҳзод номи билан аталганлиги, дунё тасвирий санъати, шунингдек шарқ миниатюра санъатининг ривожланишига улкан ҳисса қўшган рассомга бўлган хурматдир.

Танловнинг биринчи босқичи "Мен ва менинг онам" мавзуида ўтказилди. Биринчи халқаро болалар расмлари кўрик-танловига мамлакатимиз ёш ҳаваскорлари қаторида дунёнинг 26 мамлакатидан вакиллар иштирок этмоқда. Булар Озарбойжон, Миср, Белоруссия, Бангладеш, Индонезия, Эрон, Ҳиндистон, Корея, АҚШ, Япония, Эстония, Чехия, Россия, Молдавия ва бошқа мамлакатлардир. Танловда жами уч мингта расм иштирок этмоқда. Қатнашчилари эса жами 2817 нафар бўлиб, улар 8-12-15 ёшгача бўлган болалардан иборат. Ғолибларга "Мавзунинг энг яхши ёритганлиги учун", "Техник жиҳатдан оригиналлиги учун", "Ижодий фантазияси учун" номли дипломлар, эсдалик совғалари топширилади.

"Туркистон-пресс"

Yil o'qituvchisi - 2002

ДИЛНАВО ҒОЛИБА, НАФИСА ИҚТИДОРЛИ, ЛЮДМИЛА МАҲОРАТЛИ, ФЕРУЗА ИЗЛАНУВЧАН ЎҚИТУВЧИ

Мамлакатимизнинг гуллаб яшнаши ва тараққий этишида энг фидоий инсон - маърифатпарвар ўқитувчиларнинг меҳнатлари алоҳида эътиборга лойиқ. Зеро, бугунги ёшларнинг қай даражада билим соҳиблари бўлиб вояга етишиши ўқитувчининг билим ва маҳоратига боғлиқдир. Шу боис ўқитувчиларнинг ўз касб сирларини, унинг масъулиятини қай даражада теран англашлари муҳим масала. Яқинда Навоий ВХТБ томонидан ҳар йили анъанавий ўтказилиб келинадиган "Йил ўқитувчиси - 2002" кўрик-танловида ўқитувчиларнинг билимлари айни шу мезонлар асосида баҳоланди. Унга кўра, энг юқори натижани қўлга киритган танлов ғолиби Навоий шаҳридаги 10-мактабнинг математика фани ўқитувчиси Дилнаво Баҳромова биринчи ўринни эгаллаган бўлса, "Иқтидорли ўқитувчи" номи Навоий туманидаги 7-мактабнинг тарих фани ўқитувчиси Нафиса Ҳалиловага насиб этди. "Маҳоратли ўқитувчи" шарафига эса Зарафшон шаҳридаги 1-ўрта мактабнинг тасвирий санъат фани ўқитувчиси Людмила Расулова, "Изланувчан ўқитувчи" шарафига Кармана туманидаги 15-мактабнинг бошлан-ғич синф ўқитувчиси Феруза Эсоновалар эга бўлишди.

Кўрик-танлов якунида ғолибларга вилоят таълим ва фан ходимлари касаба уюшмалари қўмитаси ҳамда вилоят халқ таълими бошқармасининг қимматбаҳо совғалари ҳамда "Кумушкон" дам олиш масканига бепул йўлланмалар тақдим этилди.

Ўткир ПЎЛАТ

* * *

Сурхондарё вилояти муаллимларининг бу йилги кўрик-танлови Шўрчи туманида бўлиб ўтди. Унда 14 та туман ва битта шаҳар ғолиби касбини улуғлаш, мураккаб педагогик ва психологик вазиятга тушганида ўзини тутиш, бўш вақтдан самарали фойдаланиш, тест, дарс ўтиш шартлари бўйича икки кун қизғин беллашдилар.

Ҳакамлар ҳайъати аъзолари уларнинг барча ҳаракатларини баҳолаб, балларни жамлаганда Сариосиё туманидаги 9-мактабнинг тарих ва ҳуқуқшунослик фанлари ўқитувчиси Дилафрўз Норбоева ҳаммадан кўп натижага эришганлиги маълум бўлди. У вилоят шарафини Тошкент шаҳрида бўладиган беллашувда ҳимоя этадиган бўлди.

Н.ТЎРАЕВ

БИЛИМ МАСКАНИ 30 ЁШДА

Тошкент давлат автомобил-йўллар институтининг ташкил этилганига 30 йил тўлганлиги муносабати билан тантанали тадбир ўтказилди.

— Юртимизнинг 62 та олий ўқув юрти ўртасида ўз муносиб ўрнига эга бўлган, Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини таълим жараёнига муваффақиятли татбиқ этиб, етук мутахассислар тайёрлаш бўйича ўзига хос тажриба яратаётган Тошкент автомобил-йўллар институти бу йил 30 ёшга тўлди, - деди институтнинг биринчи проректори Ғофир Зокиров "Туркистон-пресс" мухбирига. — Бундан ўттиз йил аввал Марказий Осиёда ягона бўлган Тошкент автомобил-йўллар институтига асос солинган эди. Шу вақтгача биз етиштириб чиқарган 30 мингдан ортиқ мутахассислар мамлакатимизда ушбу соҳани ривожлантиришга ўз хиссаларини қўшмоқдалар. Давлатимизнинг автомобил ишлаб чиқарувчи давлатлар қаторига қўшилганлиги, институт зиммасига янги талабларни қўйди. У ҳам бўлса автомобилсозлик саноатига етук мутахассисларни етказиб беришдан иборат. Чунки автомобил халқнинг юкини енгил, манзилини яқин қиладиган воситалардан бири ҳисобланади. Бундан ташқари, Буюк ипак йўлининг қайта тикланиши, қолаверса шаҳар ва қишлоқларимиз йўлларининг текис ва равон бўлиши ҳам институт етказиб бераётган кадрларнинг нечоғли етук бўлишига боғлиқ. Ҳозирда институтда тўққиз йўналишда бакалавр, ўн тўрт йўналиш бўйича магистратура мутахассислиги бўйича таълим берилмоқда.

"Туркистон-пресс"

ПУХТА БИЛИМ ОЛИШ ИМКОНИ



Мирзаобод туманидаги ижтимоий-иқтисодий йўналишдаги касб-ҳунар коллежи ўтган йили фойдаланишга топширилган. Замонавий услубда бунёд этилган ушбу ўқув даргоҳи 450 ўринга мўлжалланган ва 200 ўринли ётоқхонага эга.

Айни пайтда бу ерда 350 нафар ўқувчи таълим олмоқда. Уларга 32 нафар малакали ўқитувчи сабоқ бермоқда. Коллеж ўқувчилари бухгалтерия, молия, банк иши, ҳуқуқий хўжалик фаолияти, давлат автомобиль назорати, тикувчилик, ишлаб чиқариш устаси каби соҳалар бўйича мутахассисликларга эга бўладилар.

Аҳамиятли томони шундаки, коллежда машғулотлар замонавий ўқув воситалари — компьютерлар воситасида олиб борилади. Бу эса ўқувчиларга дарсни пухта ўзлаштириш имконини яратмоқда.

Суратларда: касб-ҳунар коллежи ҳаётидан лавҳалар.

Илҳом ТЎРАЕВ олган суратлар.

Юртнинг юксалиши бир жиҳатдан унинг ижодкорларига ҳам боғлиқдир. Ватан шуҳратини мадҳ этиб, оламга кўз-кўз қилиш уларга ярашади. Шу боис, шоирларни - кўнгиллар мулкига султон, ижодини эса баралла янграгувчи достон дейиш мумкин. Бугунги меҳмонимиз Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси, Ўзбекистон Қаҳрамони, Халқ шоири Абдулла ОРИПОВдир.

Абдулла Орипов юртимиз мадҳиясининг сеҳрли сатрлари муаллифидир. Унинг миллатимиз қалбида намоён бўладиган ички ҳис-туйғуларини англаб ёзган шеърлари ҳамма вақт ўқувчиларга бирдек ёқади. Шунинг учун ҳам барча унинг ижодини қадрлайди. Унинг "Биринчи муҳаббатим", "Онажон", "Тилла балиқча", "Ўзбекистон", "Мен нечун севаман, Ўзбекистонни?" каби қатор шеърлари ҳали-ҳали ўқувчига қайта-қайта янгилик улашадигандек туюлади. Халқимизнинг ардоқли шоирига ўқувчиларни қизиқтирадиган айрим саволлар билан мурожаат қилиб, дилдан суҳбатлашдик.

Mehmonxona

Абдулла ОРИПОВ:

МАЪРИФАТЛИ ИНСОН УЗОҚНИ КЎЗЛАЙДИ

— Аввало, биринчи устозингиз ҳақида эсласангиз.

— Ҳар бир инсон ҳам, у келажакда қайси касбда ишламасин, илк бор мактабга қадам қўйган дамларини, қўлига биринчи бор қалам тутқазган муаллимини фахр билан эслаб юради. Бу, табиий.

Ҳақ йўлида ким сенга бир ҳарф ўқитмиш ранж ила,
Айламак бўлмас адо онинг ҳаққин юз ганж ила, -

деб Навоий бобомиз айтганлар. Бу сўзларнинг тагида жуда катта мантиқ бор. Шу маънода мен ҳам мактабда ўқитган устозларимни ҳурмат билан тилга оламан. Бугун уларнинг бирлари ҳаёт, бирлари эса дунёдан кўз юмган, лекин уларнинг ўгитлари дилимда ҳалиям чақнайди.

"Ойнаи жаҳон" орқали бериладиган "Синфдош" кўрсатувини мунтазам, мароқ билан кўриб бораман. Унда мактабни битирганига 20, 30, 40 йил бўлган синфдошлар ҳозирда ишлаётган ёки нафақадаги ўқитувчилари билан учрашиб, ҳамсуҳбат бўлишади. Ана шу ҳаяжон томошабинларга, шу жумладан менга ҳам қаттиқ таъсир қилади. Қаранг, бир синфда бирга ўқиган синфдошларнинг бири вазир, бири академик ва яна бири машҳур ижодкор бўлиб етишади. Лекин, синфда улар ҳаммаси баб-баравар бўлишган. Энди, ёмон одамлар қандай пайдо бўлади, деган табиий бир савол туғилади. Улар ҳам ер тагидан қўзиқориндай отилиб чиқмайди, ўша синфда кўкаради. Шунинг учун қайсики маҳаллами, ё қишлоқданми, ҳамма нафратланадиган инсон чиқса, ҳеч ким уни танимаймиз, дея ўзини олиб қочишади. Ҳатто, қариндошлари ҳам тан олишмайди. Агар бирор-бир номдор, обрўли, бадавлат инсон чиқса, унинг эгаси кўпаяди, яъни унинг тоғаси, жияни, маҳалладоши, ўқитган ўқитувчиси, ўз-ўзидан пайдо бўлиб қолади. Бунга табиий равишда очиқ кўз билан қарайдиган бўлсак, шундай қизиқ бир манзаранинг гувоҳи бўламиз. Бир вақтлар бу ҳақда мен бир шеър ҳам ёзганман. Энг асосий гап шундаки, кимлардир ёлғон-яшиқни қўшиб-чатиб инсоннинг яхши хислатларини кўпиртириб фахрланиб юришса, майли. Лекин бу киши биздан эмас, биз уни танимаймиз, деб одамлар тонадигандан худо сақласин! Шу маънода мен қанчалик халқимга хизмат қилолган бўлсам, барига устозларимнинг мени тўғри йўлга бошлаб, илм берганидан деб биламан.

— Улғаяётган истиқлол фарзандлари бугун қайси жиҳатлари билан кўзга ташланмоқда?

— Юртбошимиз Олий Мажлиснинг ҳар бир сессиясида улғаяётган ёш авлод ҳақида фикр билдириб, жуда кўп ҳаётий мисоллар келтириб ўтадилар. Ҳозирги фарзандларимиз ўтган мафкура даврининг доҳийлари, йўлбошчиларини, уларнинг номларини билишмайди. Масалан, Москва нима деса, Россия деган давлатнинг пойтахти дейишади. Ленин ким деса, билмайман, эшитганим йўқ, деб айтишади. Демак, у мафкура бугун бизнинг об-ҳавомизда йўқ. Илк мустақиллик даврида, яъни 1991 йил мактабга қадам ташлаган фарзандларимиз бугун битиришди. Уларнинг саводи янги давр руҳи билан чиқмоқда. Бугун улар ўз она тилида бемалол, ифтихор билан гаплашиб, қатор хорижий тилларни ҳам ўрганишга чоғланмоқдалар. Демакки, дунёдаги барча миллатларнинг фарзандлари билан бўйлашиб, илм уфқида парвоз қилишмоқда. Бу ҳали мана шу борадаги тараққиётнинг бошланиши, илк пиллапоялари дейиш мумкин. Шуни ҳам айтиш керакки, уларнинг тарбиясидаги маънавий-маърифий йўл-йўриқлар - менталитетимизга хос бўлган, ота-боболаримиздан мерос қолган муқаддас анъаналаримиздир. Фарзандларимизнинг бекаму кўст вояга етишларида бу анъаналар ниҳоятда зарур. Бу уларни турли қинғир-қийшиқ йўлларга кириб кетишдан сақлайди.

Кузатишимиз мумкин, бугун аксарият давлатларда, жумладан Россияда ҳам қизиллар партияси, сариқлар партияси деб ном олган турли намойишлар оммавий тус олган. Бизнинг мамлакатимиздаги тинчликнинг гуркираши эса болаларимизнинг осойишта ҳаётнинг қадрига етиб, келажак сари дадил одимлаши учун энг ажойиб неъматдир. Бу эса, шубҳасиз, ҳукуматимиз олиб бораётган одил сиёсатнинг меваси, деб биламан.

Яқинда Фарғона вилоятида бир гуруҳ ёзувчилар билан ёшлар ўртасида шеърият кечасини ўтказдик. Ана шу ерда юзлаб қизларимизнинг атлас кўйлакларда гўё лолазордек яшнаб, бизни қарши олишлари, шеърлар айтиб истеъдодини намойиш қилишларини кузатган одамнинг ички оламини беихтиёр фахр туйғуси қамраб олади. Ҳар бирининг юзида ҳаё, ибо, самимият балқиб турибди. Булар - истиқлол фарзандлари-ку! Фарзандларимизнинг кўзи тўқ бўлиб ўсишини хоҳлайман.

— Ёш ижодкорларга муносабатингиз қандай, Ёзувчилар уюшмаси томонидан уларга қанақа қулайликлар яратилган?

— Бугун улар учун эшиклар кенг очиқ, имкониятлар кўп. Албатта, савияли, асл ижодкор ёшларнинг ижоди халқимиз томонидан қадрланмоқда. Буни очиқ айтиш керак. Биз ёшлигимизда, айни ижод қиладиган давримизда кўп ҳадиксирардик. Негаки, газета муҳаррири нима деркан, бу сўзни цензура олиб ташламасмикан, "халқим", "миллатим" деб ёзсак, балога қоламиз-ку, деган қўрқув бор эди. Ёхуд "Совет кишиларининг ҳаммаси бахтли" каби ибораларни ҳадеб такрорлайверардик. Ҳозир уларни бунақанги чеклашлар йўқ. Ижоднинг ҳамма томони очиқ. Ёзувчилар уюшмаси тасарруфида ҳам ёшлар учун адабий тўгараклар бор. Шеърхонлик кечалари уюштирилади. Китоблар, тўпламлар чоп этиш имконияти бор. Ижодий маънода айтадиган бўлсак, бирор-бир мамлакат ёшлари ҳаммаси оммавий равишда шоир ҳам, олим ҳам бўлиб кетмайди. Бу мумкин эмас. Бу ҳолат кулгули ҳам туюлади. Шеър ёзмайдиган инсон ҳам кам. Орасида шоири сараланиб чиқади ўзи. Маҳалла стадионида тўп тепмаган бола борми? Нега уларнинг бариси футболчи бўлиб кетмайди. Энди, ижод ҳам шундайки, инсон ўзининг қалби, руҳий эҳтиёжи учун ижод қилади. Бундан бойлик орттираман, деган инсондан жўяли бир ижодкор чиққан эмас, бундан кейин ҳам чиқмайди. Ижоднинг этагидан маҳкам тутиб, меҳнатидан қочмасдан, иқтидорини чархлаб борган инсонгина ижодкор бўла олади. Бир сўз билан айтганда, меҳнат қиладиган одамнинг талтайишга вақти бўлмайди. Мен ёшларнинг меҳнаткаш бўлиб ўсишини истайман.

— Данте "Илоҳий комедия"сининг иккинчи қисмини нега таржима қилмагансиз?

— Бу асарнинг биринчи қисмини таржима қилиш учун 15 йилга яқин вақт кетган. Анча толиқтирган ҳам. Ҳозир иккинчи қисмининг ҳам ярми тайёр. Кейинчалик хизмат, бурчим билан боғлиқ ишлар кўпайиб кетгани учун уринишга вақт ҳам йўқ, очиғи. Лекин хаёлимнинг бир бурчагида турибди. Худо хоҳласа, яқин келажакда бу машҳур асарнинг иккинчи қисми ҳам ўз ўқувчиларини топади.

— Онангиз вафотидан кейин бор изтиробингизни "Онажон" шеърингизга солгансиз. Сўнгра олти ой мобайнида қўлингизга қалам олмасдан, ижодингиз яна авж олган экан...

— Албатта, ўлим ҳақ. Айни йигитлик давримда онамнинг қазоси юрагимга биринчи зарба бўлиб қадалган. Эндигина улғайиб, бўй чўзаётган маҳалларим ҳали хонадонимизга ўлим шарпаси кирмаган эди. Бу мусибатдан анча таъсирланганман. Ўша изтиробларимни шеърга киритганман. Тўғри, шундан сўнг анча вақт ўзимга келолмай юрганман. Бундай ғамни, айниқса, инсон ёш бўлса кўтариши қийин бўларкан. Ҳаммамиз ҳам ота-онага суяниб қолганмиз. Лекин айтинг-чи, ким марсия ёзсам, дейди? Мен истайманки, ҳеч бир ёшнинг бошига бундай кулфат тушмасин. Ота-онаси борлар қадрлаб, дунёдан ўтган бўлса, уларни эслаб юришларини тилайман.

— Замон тақозоси билан айрим шеърлар ёзишга мажбур бўлгансиз. Ҳозир улардан бутунлай воз кеча оласизми?

— Ўша маҳаллар шундай бир давр бўлганки, бундай ҳолатлар ҳамма ижодкорнинг бошидан ўтган: Ғафур Ғулом, Ойбек, Ҳамид Олимжон, Миртемир каби шоирлар ҳам бу йўлдан ўтганлар. Буни ҳамма билади. Энди масаланинг иккинчи бир томони шуки, ҳарбийлар тилида "парол" деган сўз бор. Шу "парол"ни айтиб, чегарадан ўтиб олиб, билганини қилиб юраверган. Ўша даврлардаги "партия", "Ленин", "Москва" деган сўзлар ҳам шу "парол"га ўхшарди. Яъни, "Ленин"ни қўшмаса, шеърни чиқармасди. Нега, деб савол бериш ҳам мумкин эмасди. Бу шундай бир муҳокама қилинмайдиган ҳақиқатга айланганди. Шунга амал қилиш қатъий равишда талаб қилинарди. Энди бир қисм шоир-ижодкорлар борки, умрини фақат шуни куйлашга бағишлаган. Лекин улар ҳам Ленин ғоясининг бундай аҳволга олиб келишини ўйлаганми, ўйламаганми... Шундай қилиб, 74 йиллик бу жараён ўтди. Ўша шеърлардаги "Ленин"ни шундайгина олиб қўядиган бўлсак, барибир халққа айтилган олқиш ёки ифтихор қолаверади. Ўша даврда қурилган кўприкни "буни Ленин қурган" деб биров бузиб ташламайди-ку, ёхуд қудуқни кўмиб ташламайди-ку. Бу шундай бир мафкура бўлган. Шу мафкурага ҳақиқатан ҳам қўлига қилич олиб, сидқидилдан хизмат қилган корандалари - улар бошқа одамлар.

— Болаликнинг тотли дамлари, аввало мактаб, кейин эса талабалик даврида кечади. Уларга қайсидир маънода "руҳ" бағишлаб, вояга етказишда ўқитувчиларнинг ўрни беқиёс. Бу борада устозлар фаолиятини қандай баҳолайсиз?

— Ҳар ким ўзининг касбини яхши кўриши, севиши керак. Масалан, врач ўз соҳасини севиши учун беморни яхши кўриши керак. Бу дегани касални яхши кўриш дегани эмас, шифо улашиш учун ҳазар қилмасдан, ширин сўз билан, меҳр билан даволаши лозим бўлади. Ёхуд архитектор ҳам мустаҳкам уй қуриши керак. Мен илгари бир воқеани эшитганман. Бир архитектор шаҳарда катта бир уй қурган. Битгандан кейин унга шу уйдан квартира беришган. У эса олмаган. Ўзи қурган уйга ўзи кирмаган. Демак, у билади, уйнинг қай даражада қурилганини. Шу сингари ўқитувчининг касби ҳам шарафли ва масъулиятли. У ўша масъулиятни ҳис қилиши лозим. Тўғри, синфда 30 нафар ўқувчи бўлса, ўқитувчи ўзи битта. 30 нафар ўқувчининг 30 та оғзи ва 60 та қулоғи бўлади. Уларнинг феъли ҳам ҳар хил. Бундай пайтда ўқитувчига оғир бўлиши мумкин. Лекин, ўқитувчиларнинг чин дилдан қиладиган меҳнатларига тўғри баҳо берилишини, ҳалол бўлишларини истайман. Ўқитувчи ҳар қандай ортиқча хабарларни ўқувчиларга айтишдан, чойхона, молхонадаги воқеаларни гапириб беришдан тийилиши керак, деб ўйлайман. Бозордаги турли миш-мишлару дийдиёларнинг уларга кераги йўқ. Ўқувчилар аслида тўғри йўлдан учаётган оққушлар, тўғри бўлиб унаётган навниҳоллардир. Уларнинг бадиий дидини тарбиялаш керак.

Мен ёшлигимда ҳамма фанларга ҳам қизиқардим. Физикадан ёдлаган ишқаланиш ҳақидаги қонун ҳалиям эсимда. Бир жисм устида иккинчи бир жисм ҳаракат қилганда пайдо бўлиб, ҳаракатга тўсқинлик қиладиган ҳар қандай куч — ишқаланиш дейилади. Мана шунга ҳам 50 йил бўлибди. Демоқчиманки , барча фанлар бири-биридан қизиқ. Ҳаммасида кучли мантиқ бор. Мантиқ бор нарса гўзал бўлади. Гўзаллик нима деса, мантиқий мувофиқлик, деган бўлардим.

— Қаҳрамон сифатида болаларга ўгитларингиз.

— Истиқлолимизга ҳам эндигина 11 йил бўлди. Бу тарих олдида жуда қисқа давр. Шу йиллар ичида Ўзбекистон ер юзида шу қадар обрўга эришдики, бу ўзўзидан бўлган эмас. Қайсики давлатнинг фуқаролари ер ости ва ер усти бойликларини қўшиб, жар солиб ҳайқириши мумкин. Лекин унинг эгаси ақлли бўлмаса, фуқароларининг ўзи салоҳиятли, етук бўлмаса, барибир, юксалиш ўрнига инқироз бўлаверади. Шу боис, **БУЮК ЎЗБЕК ХАЛҚИ**га, унинг **Юртбошиси**га тасаннолар айтса арзийди. Шу халқнинг фарзандларига эса буюклик ярашади. Бу - ота мерос. Мен хоҳлайманки, ҳар бир форумда бирор ўзбек олими кўзга ташланиб турса... У кашфиётлар қилиши лозим. Унинг дарсликларидан жаҳон олимлари ҳам фойдалансинлар. Бунинг учун эса камолот зарур. Маърифатли жамиятда узоқни кўзловчилар кўпаяди. Шунинг билан бирга, меҳнат қилишдан аввал у қадрланадими, йўқми, шуни ҳам ўйлаб қадам босадиганлар бисёр бўлади. Ёшларга ўгитларим шу.

— Устозларга байрам тилакларингиз.

— Ўтмиши азиз, келажаги буюк халқимизнинг фарзандларига маърифат уруғини сочиб, уларни юксакликка ундаётган устозларга байрам муборак бўлсин!

Ғофур ЖАБИЕВ суҳбатлашди.

Йўқ, у тўғрини тескари ҳам кийдирмади, муносабати ҳам илгаригидай ўша-ўша. Лекин мени барибир эслаб юрган бўлса керак, деб ўйлардим.

ИНСОН ҚЎЛИ ЎЗЛ

Maktabdan tashqari ta'lim

Бухоро вилояти Вобкент туманидаги маънавият ва қўшимча таълим маркази илк фаолиятини тўрт йил муқаддам "Қалдирғоч" болалар боғчаси биносида бошлаган эди. Уч-тўрт йилдан бери ишламаётган, катта таъмирлаш ва жиҳозлаш ишларини талаб қиладиган бу бино жамоа кучи, ҳомийлар кўмаги билан тартибга келтирилди, теварак-атрофи тозаланди. Кўп ўтмай бичиш-тикиш, кулолчилик, зардўзлик, тасвирий санъат тўгараклари фаолияти йўлга қўйилди. Туман ҳудудидаги таълим муассасаларида 31 та тўгарак ташкил этилиб, уларга салкам 800 нафар ўқувчи жалб қилинди. Ҳозирги кунда марказга ташриф буюрган кишининг бу даргоҳда амалга оширилган ибратли ишлар, саранжом-саришталикни кўриб кўзи қувонади. Заллардаги ўқувчилар ижодига мансуб миллий ҳунармандчилик буюмлари кўргазмаси беихтиёр киши диққатини тортади. Айни пайтда марказга қарашли 47 та тўгаракдан 24 таси сайёҳ-ўлкашунослик, техника, қишлоқ хўжалиги, табиатшунослик ва бадиий нафосат йўналишларидаги бўлимларда, 23 таси эса мактаб базаларида фаолият кўрсатаяпти. Улар қарийб икки ярим минг нафар ўқувчини қамраб олган. Бахтиёр Баротов, Зумрад Умарова, Меҳрия Мирзаева сингари ўнлаб тўгарак раҳбарларининг фидойиликлари туфайли марказ қатор йиллардан бери вилоят, республика миқёсидаги кўрик-танловларда юқори натижаларни қўлга киритмоқда. Биргина жорий йилнинг ўзида марказ тарбияланувчиларидан Азизбек Ҳайдаров республика кино-фото фестивалида биринчи ўринни олиб, Халқ таълими вазирлигининг фахрий ёрлиғи билан тақдирланди. Мамлакат миқёсидаги варақлар мусобақасида Мурод Муқимов, Алишер Акмаловлар ғолибликка эришганлиги ҳам фикримизнинг далилидир.

— Ёш табиатшунослар тадқиқотхонасига қарашли 35 сотих ер майдонида каттагина иссиқхонамиз мавжуд, — дейди марказ раҳбари Роҳатой Хайитова. — Унда асосан лимон, турли хил гуллар, помидор, болгар қалампири, бақлажон кўчатлари етиштирилаяпти. Шунингдек, тўгаракларда тайёрланаётган маҳсулотларни сотишни ҳам йўлга қўйганмиз. Булардан тушаётган маблағлар хом ашё сотиб олиш, фаолиятни янада кенгайтириш, алоҳида ибрат кўрсатаётган ўқувчилар ва ходимларимизни моддий рағбатлантириш сингари мақсадларга сарфланмоқда.

Азим ҚОДИРОВ,
Республика халқ таълими аълочиси

Жаҳонда фан оламининг бешигини тебратган боболаримиз руҳи олдида қарздорлик ҳиссини кўнглига туйишнинг ўзи ҳам катта масъулият. Физика-математика фанлари доктори, профессор Муҳаммад Кабир Баҳодирхонов кўпинча шогирдлар куршовида қолган дамларда "Болаларим, биз кимларнинг авлоди эканлигимизни асло унутмайлик, алгебрани варақлаганимизда Ал-Хоразмий, географияни очганимизда Беруний, фалсафани мушоҳада этганимизда Фаробийни, юлдузларга тикилганимизда астрономия асосчиси Улуғбек, адабиётни мутолаа қилганда Алишер Навоий ҳазратлари кўз олдимизда, қалб қўримизда бўлиши керак", — деб уларнинг руҳини кўтаради.



ДОМЛА ҲАҚИДА СЎЗ

Маънавий баркамол инсондангина ҳақиқий олим етишади. Халқимизда бир ибора бор, "Олим бўлма, одам бўл". Бу иборани олимликнинг олтин қоидаси дейиш мумкин. Чунки, олимлик юксак одамийликни талаб этади.

Муҳаммад Кабир Баҳодирхонов умрининг катта қисмини шогирд тайёрлашга бағишлади. Бевосита у киши раҳбарлигида 28 та фан номзоди ва 5 та фан докторлари тайёрланди. Хўш, бу рақамлар озми кўпми? Агар илмни, фанни игна билан қудуқ қазишга қиёслашгани бежиз эмаслигини тан олиб айтадиган бўлсак, албатта, салмоқли рақам. У кишининг илмий-педагогик фаолияти даврида 3 та илмий монография, айниқса, "Компенсацияланган кремний" монографиясининг АҚШ ва Японияда нашр этилиши ўзбек олимининг илмий салоҳияти тан олинганининг эътирофидир. У 250 га яқин илмий мақолалар, 20 дан ортиқ ихтиро ва патентлар муаллифидир.

Домла ўқув жараёнини ишлаб чиқариш билан яқинлаштириш мақсадида доимо ишлаб турувчи технологик тизимни барпо қилди. Бу тизим замонавий асбоб ва қурилмалар билан жиҳозланган бўлиб, мамлакатимиз халқ хўжалиги учун зарур бўлган ярим ўтказгичли асбоблар ва экологик тоза ҳисобланган қуёш батареялари яратилди. Бугун улар буюртмачилар талаб-эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқарилмоқда.

Домла олтмишни қаршилабди ҳамки, чарчоқ нималигини сезмайди. Эрталаб қарасангиз, Тошкент Давлат техника университетида талабалар даврасида, тушдан кейин Олий Аттестация Қўмитасида юрганлигини кўрасиз.

Нью-Йорк Фанлар академияси фахрий академиги Муҳаммад Кабир Баҳодиржонов "Электроника ва микроэлектроника" соҳасида юртимизда физиклар мактабини яратди. Бугун бу мактабнинг ўқувчилари республикамизнинг ҳар бир гўшасида топилади. Улар устоз берган панду-насиҳатлари ва илмини юксак қадрлайдилар.

— Яшашдан маъно ва мазмун ахтарган одамгина ўзгага яхшилик ато эта олади, — дейди устоз. Домланинг ҳаёт мазмунига айланган бу сўзлар доимо қулоғимиз остида жаранглаб турди.

Тўйчибой ТОШБОЕВ,
Солиддин СИРАЖОВ

Izhor

УСТОЗГА ТАЪЗИМ

"Устозга таъзим" деб оддийгина сарлавҳа қўйдим-у бир зум ўйланиб қолдим. Ахир мен бошқачароқ, жимжимадорроқ қилиб сарлавҳа қўймоқчи эдим-да. "Йўқ", дедим яна ўзимга ўзим. Мен мактабда ўқитган ўқитувчиларимни эслаяпман, улар эса соддадил, ташқи кўринишдан оддийгина ва шу билан бирга самимий, бағрикенг, фидойи инсонлар эдилар. Шунинг учун улар ҳақидаги ҳикоям ҳам оддийгина сарлавҳада бўла қолсин.

МАКТАБИМ ҲОВЛИСИДА

Бугун Қўқон шаҳридаги 32-физика-математикага ихтисослашган мактабда, яъни менинг мактабимда қабул имтиҳони. Маслаҳатлашиб, амакимнинг ўғли Анваржонни шу ерга берамиз, деган қарорга келганмиз. Уни мен имтиҳонга олиб бораяпман. Яна қадрдон мактабим, ўқитувчиларим билан учрашарканман-да, деб ўйлайман. Анваржонни имтиҳонга киргизиб юборгач, ташқарида кутиб ўтирдим. Бундай пайтда ғалати бўлади. Мактаб ҳовлисининг ҳар бир бурчагини, дарахтларни, гулзорни, четроқдаги кичик майдончани, ҳамма-ҳаммасини кўргач, ўқувчилик пайтларим ёдимга тушаверарди. Қизиқ хотиралар... Шунда бир воқеа эсимга тушиб кетди. Ўзи бу эсимдан чиқмайди ҳам: Ҳар гал эсласам худди ўша ўқитувчиларимнинг қиёфаларини кўргандек бўлаверараман...

Ўзингизга маълумки, битирувчи синф ўқувчисининг олдида бир муаммо кўндаланг туради — ўқишга кириш. Мен ҳам ўн биринчи синфга ўтдиму вақтни ўтказмасдан физикадан билимимни мустаҳкамлаш мақсадида ўзимизнинг ўқитувчимиз Хадичахон опа билан дарсдан кейин қўшимча машғулот ўтказа бошладим. Ўз фанини чуқур билган ўқитувчилар ўқишга кирувчиларга репетиторлик қилишарди. Бир-икки ой мобайнида машғулотлар ўтказиб, ўтилганларни такрорладик, тестлар ечдик. Бир куни параллел ўқийдиган бола физикадан тайёрланаётганини гапириб қолди. Кимга қатнаётганлигини сўрадим.

— Мақсудахон опага, деди у. — Сиз ҳам физикадан репетиторга қатнаяпсизми? Кимга?

— Ўзимизнинг ўқитувчимизга, - дедим.

— Бизнинг машғулотларга ҳам кираверинг. Физикаси борлар ҳаммаси бизда. Сизлар индивидуал шуғулланаяпсизларми? Биз кўпчиликмиз, бизга киринг. Ҳозир физика курсини такрорлаб, ўтган мавзуга доир "Ахборотнома" тестларидан ечяпмиз, баҳорга чиқиб бутунлай физика курсини тугатамиз.

— Ўйлаб кўраман, - дедим. Қизиқ, Мақсудахон опа ўзи илмий бўлим мудири бўлса, иши ҳам кўп, репетиторликка қандай улгуряпти экан-а? Гапига қараганда яна бепул эмиш. Шунисига қизиқиб, "ўтиб кетсамми?" деб ўйладиму хаёлимга келган ўйдан қаттиқ хижолат тортиб, тезда бу фикрдан қайтдим. Мен лип этиб унга ўтиб олсам Хадичахон опа нима деб ўйлайди? "Меники — пуллик, уники - бепул бўлгани учун ўтиб кетди" деб ўйламайдими? Йўқ, яхшиси ўтмайман, дедим ўзимга ўзим. Аммо шундан кейин Мақсудахон опанинг ўзи ҳам "бизга ҳам кириб тураверинг", деб икки-уч мартача айтди. Жуда танг аҳволда қолдим. Уларнинг машғулотига ўзим ҳам қизиқиб қолгандим, кейинчалик. Йўқ, гап пулдамас, унинг машғулотларига параллел синфларимизнинг физикадан кучли ўқувчилари, олимпиадачилар, ўзимнинг синфдошларим ҳам қатнашар экан. Ким ўзарга ўқиймиз, машғулотлар зўр ўтади, дейишяпти. Охири опа яна бир марта таклиф қилганда тўғрисини айта қолдим.

— Сизнинг дарсингизга киргим келяпти, лекин Хадичахон опадан хижолат бўляпман. Улардан чиқиб кетиб сизга кирсам, нима деб ўйлайдилар? Хафа бўлмайдиларми, деяпман.

Опа менинг андишамни тушунди.

— Йўқ, Шукуржон! Сиз ёмон кўриб қолишлари мумкин, деб ўйлаяпсизми? Хадичахоннинг характерини яхши биламан, у бундай қилмайди. Хафа бўладилар, деб ҳам ўйламанг.

— Энди, агарда...

— Йўқ, агар бошқа ўқитувчи бўлганда сиз билан қасдлашиши ҳам мумкин эди. Сиз хавотир олманг, Хадичахон бундай қилмайди. Мен биламан-ку.

Бу сўзлардан анча енгил тортдим. Шу билан Мақсудахон опанинг машғулотларига қатнаша бошладим. Наҳотки, Мақсудахон опа Хадичахон опани шу қадар яхши билса? Машғулотлар дарсдан кейин бир маромда борар, аммо мен барибир Хадичахон опамизнинг юзига қарашга хижолат бўлардим. Тўнини тескари кийиб олсаям майли, ишқилиб индамасдан, хафа бўлгандай мен билан совуқ муомала қиладиган бўлиб қолмаса бўлди, деб ўйлардим. Йўқ, у тўнини тескари ҳам киймади, муносабати ҳам илгаригидай ўша-ўша. Лекин мени барибир эслаб юрган бўлса керак, деб ўйлардим. Аммо вақт ўтиб бу фикрим нотўғрилигига амин бўлдим.

ИККИ ВАРАҚ ҚОҒОЗ

Бир куни Хадичахон опа мени дарсдан кейин хонасига чақириб қолди. "Нима деркан?" деган хавотир билан аста хонасига кирдим.

—Машинкангиз бор-а? — деди у кутилмаганда.

— Ҳа, бор, — дедим шошиб.

— Мана буларни, — деди у қўлда ёзилган икки варақ матнни кўрсатиб, — машинкада кўчириб келолмайсизми?

— Хўп, опа, — дедим. — Эртага олиб келсам бўладими?

— Майли, ўзингиз биласиз.

— Қоғозларни кўтариб суюнганимча ташқарига чиқдим. Қалбим қувончга тўла эди. Ўқитувчим мендан хафа эмас! Иш буюряпти-ку, одам ёқтирмаган ўқувчисига иш буюрадими?

Шу икки варақ қоғоз неча кун кўнглимнинг четида ётган ғуборни сидириб ташлаганди. Шу билан бирга барча хавотирларим, дилдаги ғашликлару хижолатликлар тарқалиб кетганди...

Шундай қилиб мактабни битирдим.

... Университетга юқори балл билан ўтдим. Буларнинг ҳаммаси ўша ўқитувчиларимнинг хизмати эди, албатта.

... Ана, Анваржон ҳам имтиҳонни тугатиб чиқяпти.

— Қалай бўлди? — дедим.

— Зўр. Ҳаммасини ишладим.

"Худо хоҳласа, бу ҳам шу мактаб кириб ўқийди", дея кўнглимдан ўтказдим. Кейин буни ҳам менга ўхшаб мустақил ҳаётга кузатадилар. Бошқа ўқувчиларниям. Ўнлаб... юзлаб... минглаб. Худди чархпалакнинг кафтидаги сувлари каби. Пастдан тепага олиб чиқаверади, чиқаверади... Жамиятни маърифат аталмиш оби ҳаёт билан суғоришдан чарчамайди. Ишқилиб, шундай инсонлар ҳамиша бор бўлсин.

Шукуржон ИСЛОМОВ,
ТошДТУ III курс талабаси

ОЛТИНБЕК МУРОДОВ ШЕВАСИ

Қирқ тўққизинчи йил. Баҳор мавсумининг ёз фаслига туташа тушган куни отам — Сулаймон сўфи Сарбаланд мулло Бойбек ўғли бандаликни бажо келтирдилар. Биз — чала етимчалар оғам Амир Ҳамза, укам Муҳаммад қон қақшаб қола бердик. Онам Мукаррама Нурмуҳаммад полвон қизлари кўк кийиб, аза очди. Аввалдан айтиб юрар гапларини энди такрор-такрор айтадиган бўлдилар:

— Ёруғ дунёга келиб бирон-бир ёруғ кун кўрмадим.

Бу — ўттиз учинчи йили отанг ҳам қулоқ қилиниб, ҳам ҳибсга олиниб, ҳам мол-мулкимиз талон қилинди, деганлари эди.. Бу — отанг ўттиз тўққизинчи йили ўнг қўлидан ўқ еб-ярадор бўлиб турмадан чиқиб келганларича кимларнинг урчиғини йигириб, кимларнинг кигизини билаклаб, кимларнинг нўхат ё тариғини ўтаб, кимларнинг нонини ёпиб, силарни сарғайтириб, мунғайтириб, оч-яланғоч қолдириб қўймаслик учун нималар қилмадим, деганлари эди. Бу — отанг қамоқдан чиқиб келганларидан кейин ҳам ўз қишлоғимизга сиғмадик. Ҳам катта уламонинг ўғли, ҳам халқ душмани, деб эндигина тузилган колхоз раҳбарлари кун кўрсатмагани учун ярим кечаси бир эшакка юк бўларлик нарсамиз билан Жиззахнинг кун чиқар томонидаги Ёйилма кентининг Қирқ Садоқ қишлоғига кўчдик. Йиғлай-йиғлай киндик қонларинг тўкилган қишлоқни ташлаб Моргузар тоғидан ошиб ўтдик, деганлари эди. Бу — худо урганни пайғамбар асоси билан туртибди, деганларидай кўчиб келган еримизга ҳам сиғмай Мирзачўлнинг "Малек" совхозига сургун қилиндик, деганлари эди. Қоринларинг энди тўйиб, оғизларинг ошга энди етганида, ўзимники озмиди, туйнукдан тушди бир хўжа, дегани мисол уруш бошланиб кетди, дея фалакдан шикоят қилганлари эди. Бу — сўнгги йўқ кунлар, сўнгги йўқ кўргуликларнинг қай бирини айтиб, қай биридан қайтай, деганлари эди.

Укам билан мен, берсанг ейми-миз, урсанг ўламиз, деганлардан. Бизга берсалар бўлди. Емоқ-ичмоқни қотириб ташлаймиз. Бизни кийдирсалар бўлди. Эрталаб кийган янги эгни-бош, янги пойабзални кечқурун дабдала қилиб келиш — биз тан. Биргина оғам Амир Ҳамза ишлайди. Мен ўша йили Сирдарё шаҳридаги 3-мактабнинг еттинчи синфини тугатиб эдим. Унгача "Малек" совхозининг "Дальний Восток" деб номланадиган бир неча Қум овул, Хўжа қишлоқ, Сафар ота, Кўчик ака деб аталадиган овулларининг бири "Учма"дан ҳозирги "Синдоробод" колхозидаги мактабга қатнаб ўқир эдим. "Учма" овули билан мактаб оралиғи салкам беш чақирим. Энг ёмони овулдан бир ўзим қатнаб ўқийман. Бориб-келгунча тўқай. Қиш кунлари саҳарда йўлга чиқаман. У вақтлари қор қора сонгача бўлар эди. Ёғар эди. Қор устида бориб, қор устида келинади. Оёқда қора мол терисидан қилинган чориқ. Эгнимда чопон. Сумка садағанг кетай сурпдан. Мактабга тонг қоронғусида етиб борилади. Ҳали "уборшиссалар" ҳам келмаган бўлишади. Мактаб эшиги очилгунча дилдираб ўтирилади. Дарс ҳам бошланади. Шу йўсин Мирзатўра олтинчи синфни ит азобида тугатди. Теоремаларни, шеърларни мактабга боришда, уйга қайтишда ёд олинади. Уйга келиши билан онасининг ўнг қўлига айланади. Оилаларида қиз бола бўлмаганлиги учун уй ичларини саранжом-саришта қилишда, гўжа туйишда, таппи-тезак тайёрлашда, молга қарашда, кўзи-қўйларни кўганлашда, бузоқни бўшатиб сигирни ийдиришда Мирзатўра уйда онасининг "бўй етган қизи". Ер чопишда, экин экишда, қўш ҳайдашда, шоли ўташда, арпа-буғдой ўришда эса отасининг ўнг қўли. Айни вақтда ўқишлари ҳам чакки эмас. Синфдошларининг олди. Ҳар бир ишнинг меъёри бўлганидай, барибир, мактабга бу йўсинда қатнаб ўқиш мулла Мирзатўранинг тинкасини қуритар даражага бориб етди. Энг ёмони бир овулдан бир ўзининг ёлғиз қатнаб ўқишининг хавфли томонлари ҳам бор. Тулки-ку Мирзатўрага "ҳужум" қилолмас. Тўп чиябўриларга дуч келиб қолгудай бўлса борми... Фавқулодда рўпарасига тўнғиз тўғри келиб қолса нима бўлади... Бўри-чи, бўри! Худо кўрсатмасин. Яхшиям худо одамзотнинг фариштасини улуғ қилиб яратган экан. Йўқса, йўқса... Мирзатўрани ё бир гала чиябўрилар ўртасида, ё қашқир рўпарасида, ё тўнғизлар тўпи орасида кўргай эдингиз. Олҳосил, Мирзатўра падари бузрукворларига арз қилдилар:

— Ота, рухсат берсангиз еттинчи синфни Сирдарёга қатнаб ўқисам. Қиш кунлари бир-да-бирда қўрқаяпман. Ҳар куни мактабга тўқай ичида бориб, уйга тўқай оралаб қайтиш... Шеригим бўлса ҳам кошки эди. Ёлғиз ўзим...

Ҳа деганданоқ отам гапимни қўллай тушдилар. Онам бироз қийиқлик қилган бўлдилар. "Бўйи етган қизларини" — таппа-тайёр дастёрларини қўлдан бой бергилари йўқ эди. Отамнинг гапи-гап. Рухсати-рухсат. Қирқ саккизинчи йили еттинчи синфни Сирдарё шаҳридаги 3-мактабда ўқир бўлдим. Мактаб директори Олтинбек Муродовнинг назарларига тушдим шекилли, бир куни дарсдан кейин мени қабул қилдилар. Ва, дедилар:

— Кузатиб юрибман. Ўқишга меҳринг баланд экан. Эмасам қарийб олти километрлик ердан қатнаб ўқимаган бўлар эдинг. Ҳа демай қиш келади. Қийналиб қоласан. Яхшиси бизникида ётиб-юриб ўқий қол. Ўзи сендай укага зор эдим.

Олтинбек аканинг бу гапларини ўша куни уйдагиларга айта бордим. Қувондилар. Сени худо ёрлақабди, дедилар. Шушу мактаб директорининг уйида юриб ўқий бошладим. Бошда шаҳар болалари ўртага олиб ҳам кўрдилар. Ундай ҳам қилиб кўрдилар. Бундай ҳам қилиб кўрдилар. Майдонга чорлаб ҳам кўрдилар. Мулла Мирзатўра бўш кела бермадилар. Керак бўлса ўша "вожак"лари билан беллашиб, бир чўқишда қочирдилар ҳам. Тўқай оралаб юрган болада! Учмаликларнинг учига чиққан чапани, чапараста болалари билан беллашиб юрган, майдон кўрган бола-да! Бироқ шаҳар мактабида ҳамма нарсани майдон ҳал қила олмас экан. Интизом темирдан қаттиқ. Муаллимлар — қаттиққўл. Бошқа фанларку, бир гап бўлар. Математика билан рус тили масаласида Мирзатўранинг тўралиги ўтмайди чоғи. "Нуч" билан "Никки" кундаликдан аримайди. Биринчи чоракнинг сал бўлмаса чатоғи чиқаёзди. Қишлокдан келган бола, боз устига тўқай оралаб ўқиб юрган бола экан, деб муаллимлар мурувват қилишди. Иккинчи чорак жараёнида "нуч" билан "никки"дан қутула бордим. Бора-бора тўлиқсиз ўрта мактабнинг ўрта ҳол ўқувчиси деган "унвонни" олишга эришдим. Шу йўсин еттинчи синфни тугатиб уйга келган кунимнинг эртаси куни, ҳали юқорида айтиб ўтганимдай, йиғлаб-сиқтаб отамни қаро ер бағрига топширдик. Ҳали қирқи ўтмай туриб акам Амир Ҳамза ёнига ўтқазиб олиб таскин-тасалли берган бўлди:

"Отамдан эшитиб эдим. Балким сенга ҳам бу гапларини айтган бўлсалар керак. Бандаларига қарата худо шундай деган экан:

— Кимки қазойимга рози бўлмаса, балойимга сабр қилмаса, неъматимга шукрона келтирмаса ундай киши яратган осмонимдан чиқиб, мендан ўзга худосини топсин.

Бошимизга тушган бу мусибатга сабр қилишдан бошқа чорамиз йўқ. Сенинг ҳам ёшлигинг қолмади. Энамга қўшилиб, йиғлаб-сиқташга тушсак тонгнинг отиши қийин, куннинг ботиши мушкул. Қилар ишимизни биров қилиб берар эдими? Ўқиш бошланмай туриб қўлингдан келганича пичан ўриб берсанг. Кўриб турибсан, менинг ишдан қўлим бўшамайди. Уканг эса ҳали ўйин боласи".

Эртаси куни субҳи содиқда туриб пичан ўришга чиқдим. Кун чошгоҳ бўлганча пичан ўриб, дасталарни санай бошладим. Бир, икки уч... Дасталарни санай туриб бирдан аъзои баданим жимирлаб кетди. Нимадандир сескангандай бўлдим. Қолган дасталарни санашга рағбатим бўлмай ланж бўлиб уйга келдим. Онам қозони патирни пишириб дастурхонга ўраб қўйган эканлар. Қовун пайкалини оралаб юз кўрсатиб қолган бир гурбани узиб чиқиб энди пичоқ тортмоқчи бўлган эдим. Онам:

— Мирзатўра, аканг ҳадемай тушликка келади. Биринчи узилган қовунга дуои фотиҳа қилиб савобини отангни руҳи покларига бағишласаларинг, — деб қолдилар.

Бу гап менга ҳам маъқул келди. Орадан дақиқа ўтар-ўтмас беҳуш бўлиб йиқилдим. Қовун қовун жойида, пичоқ пичоқ жойида, патир патир жойида қолди. Шу ётганча ётиб қолдим.

МУЗАФФАР ҲАКИМОВ ШЕВАСИ

Қишлоғимизда ҳар замон Қора девона пайдо бўлиб қолар, ҳар келганида бир каромат кўрсатиб кетар эди. Ёз ойларида қалин кийиниб, қишда яланг оёқ, яланг бош — урён ҳолида юриши ёшу кексани ҳайратга солар эди. Шу девона қишлоғимизга кириши билан бизнинг уйни кўрсатиб, ҳу ана у уйда бир бола тўшак тортиб ётиб қолибди, дейдилар. Билганлар девонанинг каромат қилаётганларига қойил қолиб, менинг ҳолимдан хабари йўқлар, ҳа энди айтди-қўйди-да, дейишибди. Ҳа демай ҳовлимизга кириб-кирмасидан бурун ўз иши билан машғул бўлиб юрган онамга, ўғлингиз жинлар базмининг атрофидан ўтибди. Магарам базмларининг устидан ўтганида борми эди, худо кўрсатмасин... Бир қушнач топиб қоқтирингизлар. Отдай бўлиб кетади, деб шартта қайрилиб кета бошлабди. Онам садақа бермоқчи бўлиб уйга кириб чиққунича анча нарига кетиб қолибди. Онам ҳай-ҳайлаганича қолаберибдилар. Шу куни акам қўшни қишлоқдаги қушнач кампирни олиб келди. Қушнач кампир, бир хўроз топинглар, дейди. Топадилар. Акам уйимизнинг ёнидан ўтадиган ариқнинг нариги бетигача мени кўтариб борди. Қушнач кампир ҳалиги хўрозни бошимдан бир-икки марта, аласалас, турли балолардан халос, деб айлантириши билан хўроз қанотларини қақақлаб қоққанича қотиб қолди. Дарҳол ҳали танасидан иссиқлиги кетмаган хўрозни сўйиб — қон чиқариб, қонларини юз-кўзларимга суртдилар. Бошқа ирим-сиримларини қилдилар. Уйга ўз оёғим билан юриб келдим. Шу-шу кунба-кун яхши бўла бошладим. Ҳадемай сентябрь ойи ҳам яқинлашиб қолди. Ўқишнинг бошланишига беш-олти кун қолганидан сўнг уйда менинг ўқишга бориш-бормаслигим, ўқишга яраб-ярамаслигим масаласи "кўриб чиқилди". Уйдагилар бу йил ўқишга боролмайсан. Ҳали ўзингга келганингча йўқ. Сен шифохона эмас, мактабга бораётибсан, деган қарорга келдилар. Мен акамга ўлсам ҳам мактабда ўламан, деган "ультиматум"ни қўйдим. Ҳақиқатдан ҳам шу қарорга келган эдим. Бу — менинг ўқишга бўлган ҳавасимнинг бир белгиси. Йигирма олтинчи август куни акам мени эшакка мингазиб (юришга ярамас эдим) мактабга — Сирдарё туманидаги ҳозирги "Ўзбекистон" жамоа хўжалиги ҳозирги Отабек Шодиев номли мактабга олиб бордилар. Муаллимлар ўқитувчиларнинг август конференциясига кетган эканлар. Сўнг тўғри мактаб директорининг уйларини сўраб-суриштириб бордик. Мирзатўра эшак устида Гўрўғли султонга "ўхшаб" ўтирар эди. Нуроний бир қария чиқдилар. Чиқишлари билан, у киши бизни меҳмон деб ўйладилар шекилли, ичкарига таклиф қилдилар. Тўрамирзани акалари аяб-суяб эшакдан тушириб қўйдилар. Айвонга ўтирдик. Одатга кўра мезбон, хуш кўрдик, қилган бўлдилар-да, йўл бўлсин, дедилар. Бу нима хизмат, деганлари эди. Акам бўлиб ўтган гапларни айтиб не мақсадда келганимизни баён этдилар. Отахон "боланинг ўқишга иштиёқи, ихлоси баланд экан. Майли, қолдира кетинг. Хотирингиз жаъм бўлсин. Бу болани мен ўз тарбиямга оламан", дедилар. Бу киши мактаб директори Музаффар Ҳакимовнинг падари бузрукворлари Ҳаким ота эканлар.

Фидойи ўқитувчиларимиздан бири Усмон Темирбеков ҳақида икки оғиз гап. (Менинг дунёга келишимга сабабчи бўлган ота-онамнинг, ўз оғамдай азиз Олтинбек Муродовнинг, менга раҳнамолик қилган Ҳаким отанинг, ҳимматли, ҳамиятли Рўзибек Рўзибоевнинг, энг ёмон кунларимга яраган Қурбон опанинг, адабиёт ўқитувчимиз Усмон Темирбековнинг равзаи-поклари то даври қиёматга қадар мунаввар бўлсин). Усмон ака борлиқ сирларини мен билан ҳозирги кунда филология фанлари номзоди, жулқуншунос олим Шерали Турдиев (синфдошим)дан яширмас эдилар. У киши Ғафур Ғулом, Ойбек сингари адабиётимизнинг улкан чинорлари билан тенгқур бўлганлари ҳолда ўзлари ҳам ижод қилар эканлар. Ижодларидан қусур қидирилиб, майда буржуазия вакили деган айб билан қораланадилар. Ва Сирдарёга сургун тариқасида ишга юборилади. Чеклари бизнинг интернат-мактабга тушади. Адабиётдан ўша киши дарс берсин эди. Ўша ўттизинчи йиллардаги қатағон қурбонларининг қисматидан ўша киши гапирсин эди. У вақтлари Абдулла Қодирийдан, Чўлпондан гапириш деган сўз — киши ўз бошини ўзи тўнкага қўйди, деган гап эди. Усмон ака эса Чўлпоннинг машҳур шеърларини бизга ёддан ўқиб берар, Абдулла Қодирийнинг ҳали ҳеч бир китобларда битилмаган кечмишларини тўлиб-тошиб гапириб берар эдилар. Тафт тортмасдан, иккиланмасдан, Абдулла Қодирий билан Чўлпон албатта оқланади, дер эдилар. Аслида бизни адабиёт оламига бошлаб кирган ўша киши эдилар.

Камина алифни дилга жо қилмоқни Каломуллоҳдан ўргандим, деганларидай устозларнинг бирларидан муомала маданиятини ўрганган бўлсам, бирларидан ҳалолликни ўргандим. Бирларидан меҳнатга меҳр билан ёндошишни ўрганган бўлсам, бирларидан камтарликни — безаволликни ўргандим. У бирларидан эса дўстларга садоқатни. Бу бирларидан эса ночор-ногиронларга ҳимоятни. Бирларидан эса тунлари бедор бўлишни ўргандим. Одамзотга эса ўрганишнинг поёни йўқ. Билмаганни сўраб ўрганишнинг эса бир қатра зиёни йўқ.

Хавф-хатар сезилар тез келган бахтда,

Салтанат не қилсин омонат тахтда.

Самар бўла бермас ҳар бир дарахтда.

Из қолдирмоқ бўлсанг ушбу роботда,

Саодат калити — қунт, риёзатда.

дейдилар. Дарвоқе, бор гап ана шунда! Ҳаётда ҳар кимнинг ўзидан ўчмас из қолдиришида. Арғумоқлар босган ерни тойтўпичоқларнинг босишида. Дориламон кунларнинг бардавом бўлишида.

Estalik

Тўра СУЛАЙМОН,
Ўзбекистон халқ шоири, профессор

САОДАТ КАЛИТИ — ҚУНТ, РИЁЗАТДА

ёхуд зурёди шарифлар шеваси

СОБИҚ ЎҚУВЧИЛАР ИШ ЎРГАТИШАДИ

Yangicha ish usuli

Маълумки, "Кадрлар тайёрлаш миллий дастури"нинг иккинчи босқичи таълим мазмунини такомиллаштириш, сифатини оширишга қаратилган. Бу борада жамоамизда ижобий ишлар амалга оширилмоқда. Шуни айтиб ўтиш керакки, ижтимоий-гуманитар, аниқ ва табиий фанлар билан бирга инглиз, немис, француз тиллари ҳам ўқитилади. Айни вақтда "Узлуксиз методик хизмат кўрсатиш" тизимини такомиллаштиришни амалга ошириш борасида педагог ходимларни қайта тайёрлаш ва малакасини оширишга эришиляпти. Хусусан, муассасамизнинг француз тили ўқитувчиси И.Ким Франциянинг Руаяна, Туркиянинг Анқара шаҳрида малакасини ошириб келди. Франциянинг Ўзбекистондаги элчихонаси кўмагида француз тилини ўрганувчи гуруҳ дарслик билан тўлиқ таъминланди. Натижада ўқувчилар вилоят, республика олимпиадаларида фаол иштирок этиб, юқори ўринларни эгаллашмоқда. Республика олимпиадаларининг ғолиби бўлган Ирода Ҳайдарова, Шоира Бойназарова эндиликда Жаҳон тиллари университетининг талабаларидир.

Инглиз тили ўқитувчиси Ҳакима Одилова республикамизда ўтказилаётган АҚШ—Ўзбекистон таълимида аълочилик мукофоти дастурида қатнашиб келмоқда. Ўқитувчиларимиз янги педагогик технология ва ноанаънавий усуллардан фойдаланиб дарс бериш билан бирга ўқувчиларни касб-ҳунарга йўналтиришга ҳам алоҳида эътибор беришяпти.

Дарвоқе, бу борада бизда ажойиб янгиликка қўл урилди. Мактаб-интернатимизда ўтадиган байрамларда кўпчиликнинг хоҳиш-истаги билан собиқ ўқувчиларнинг ҳам қатнашиши анъанага айланди. Натижада ўқувчиларимизнинг олий билим даргоҳларида сабоқ олаётган йигит-қизлар билан фикр алмашишларига, эркин мулоқотига шароит яратилди. Улар муайян билим даргоҳлари, мутахассисликлар ҳақида кенгроқ тасаввурга эга бўляптилар.

Аслида жамоамизда келажак орзу-умидлари билан улғаяётган икки юз нафардан зиёд йигит-қиз таълим-тарбия олади. Қувонарлиси, жорий йилда олий билим даргоҳларига ҳужжат топширган ёшларимизнинг 90 фоизи дастлабки синовлардан муваффақиятли ўтиб, талабалик бахтини қўлга киритдилар. Бундай ютуқларни қўлга киритишда Ш.Мусаев, Ҳ.Ҳасанов, Ў.Ғофуров, А.Қаландаров, О.Ваққосова сингари малакали ўқитувчиларнинг фидокорона меҳнати бор. Шу боис уларга "Ҳорманг, азизларим " дейман ва касбдошларимни Ўқитувчилар куни билан муборакбод этаман. Жамоамиздаги устозлардек, барча ўқитувчи-устозларга шогирдларининг камолини кўриш, улар билан фахр этиб юриш насиб этишини тилаб қоламан.

Марям УМАРҚУЛОВА,
Тошкент вилояти
Ўрта Чирчиқ туманидаги
ихтисослаштирилган
мактаб-интернат директори

МУВАФФАҚИЯТНИНГ СИРИ

Tajriba, sinov, natija

Яқинда Андижон шаҳридаги 1-ихтисослаштирилган мактабнинг инглиз тили фани ўқитувчиси Светлана Уральскаянинг ўқувчилари вилоят фан олимпиадаларида қаторасига 15 йил, 10 нафар ўқувчиси эса республика фан олимпиадаларида инглиз тили фанидан ўн маротаба совринли ўринларни эгаллагани боисидан у шаҳардаги "Энг илғор муаллима", деб топилди ва фидойи муаллима уч ойлик пул мукофоти билан тақдирланди.

Хўш, С.Уральская бундай кўрсаткичларга қандай эришди? Машғулотларда қайси усуллардан самарали фойдаланди? Энг аввало, муаллима инсон учун ҳар бир кунни синов, деб билади. Шу боис у ҳар кунги дарс машғулотларига чуқур тайёргарлик кўради. Шуниси эътиборлики, муаллима аввалига барча ўқувчиларни дарслик билан ишлашга ўргатади. Жараёнда оғзаки суҳбатлар ўтказилиб, янги маъноли сўзлар билан ишланади. Мавзуларга доир картиналардаги воқеликни инглиз тилининг қонун-қоидаларига асосланиб тасвирлашга ҳам вақт ажратилади. Шунингдек, грамматикага, лексикага оид машқлар ишланиб, матнлар устида жиддий машғулотлар ўтказилади. Дастлаб қисқа, ўқувчи хотирасида қоладиган матнлар танланади. Сўнгра мураккаброқ матнларга ўтилади. Муҳими, матнлар бирор кўргазма ёки расмлар ёрдамида ўзлаштирилади. Чунки расмга қараб сўзлаш ўқувчига ўзига хос имконият яратади. Баъзи ҳолларда матнни ўқитувчининг ўзи ўқиб беради. Бунинг афзаллиги шундаки, ўқиш пайтида ўқитувчининг мимикаси, овозини баландлатиб, пасайтиргани ҳам ўқувчига ёрдам беради.

— Агар матнда нотаниш сўзлар кўп бўлса, ўқувчи уларни тўла тушуниб етмаслиги аниқ, – дейди Андижон шаҳар ХТБ услубчиси Мухтасархон Ғафурова. – С. Уральская шу каби вазиятларни назарда тутиб "Соддадан – мураккабга" тамойили асосида ўзининг "Мулоқот усули" дастурини яратди. Дастур семинарларда, давра суҳбатларида таҳлил қилинди ва бу янгилик кўпчиликка маъқул бўлди.

Дарҳақиқат, дастур моҳияти билан танишган ўқитувчи дарс жараёнида, албатта, ўқувчиларнинг ҳар бири билан ҳар куни мулоқот қилиш зарур экан, деган хулосага келади. Бунинг учун эса ҳар доим, ҳамиша дарсларга ўқувчиларни маҳлиё этадиган янгиликлар кириши керак.

Биз фидойи муаллимага машғулотларда яна қандай усул, услублардан фойдаланасиз, ўқувчи қандай ҳолларда дарсдан завқ олади, сингари саволлар билан мурожаат қилдик.

–Ҳар бир дарсда ўғил-қизларни меҳнат қилишга ўргатишни ўз олдимга мақсад қилиб оламан, – дейди жонкуяр муаллима. – Аслида дарс иш фаолиятини ташкиллаштиришнинг олий намунаси бўлиши, яъни ўқувчилар дарсда нима қилишлари, уларни қандай ва нима мақсадда амалга оширишни билишлари зарур. Бусиз муваффақиятларга эришиш қийин кечади. Шу боис янги ўқув йили бошида барча синфлар кесимида мавзулар ва сўзлар сонини аниқлаб оламан. Битта мавзу доирасидаги барча сўзларни асосий ва қўшимча луғатларга ажратаман. Чунончи, бир соатлик дарс давомида машғулотга 10 тача сўз киритишга ҳаракат қиламан. Бошланғич синфларда кўргазмали қуроллардан кенг фойдалансам, ўрта ва юқори бўғинларда ўқувчиларни матнлар ҳамда луғатлар билан ишлашга кўп жалб қиламан.

Агар матндаги сўзлар белгиланган ўқиш қоидасини талаб қилса, шу заҳотиёқ мен ўша қоида тўғрисида ўқувчиларга тушунча бераман ва улар уни қўллаган ҳолда янги сўзларни мустақил ўқишга ҳаракат қилишади. Сўз ва ибораларни луғат дафтарига ёзганларидан сўнг "Ўқитувчи – синф – ўқувчи" тартибида ўқувчиларнинг янги сўзларни оғзаки нутқда қўллашлари устида ишлайман. Ўзлаштиришда бирор ўқувчи орқада қолмаслигини назарда тутиб, янги сўзларни ҳар бирига бирма-бир талаффуз қилдираман. Шундан кейин савол-жавоб усулига ўтаман, чунки бу усул орқали матннинг тўла ўзлаштирилишига эришилади. Матнда учрайдиган нотаниш лексик маънога эга бўлган сўзларни мен доскадан фойдалаган ҳолда транскрипция услубида тушунтириб бераман. Ўқувчилар эса шу сўзларни хор бўлиб ўқишади.

Келгуси дарсда синф ўқувчиларини гуруҳларга ажратаман. Бу ерда киритилган сўзлар иштирокида нутқ тарбияси ўтказилади. Мазкур босқичда мавжуд расмлардан фойдаланиш билан бирга шундай вазиятларни ташкил этаманки, бунда ўқувчилар янги сўзларни нисбатан кўпроқ қўллайдилар. Сўнгра "ўрганилган мавзу бўйича турли хил саволлар тузинглар ва уларни бир-бирларингизга беринглар", дейман. Шу аснода ўқувчиларда жонланиш кузатилади. Бу жонланишни қўллаб-қувватлаган ҳолда уларни таржимага жалб қиламан, мавзулар моҳиятини сўзлатаман. Бу усул бир неча дарсларда такрорланади. Натижада мавзулар тўлиқ ўзлаштирилади, шу қаторда ўқувчиларнинг сўз бойлиги ошиб боради...

Биз муаллима билан суҳбат асносида шуни сездикки, у билими қудратини, фани кучини, сўзини, иборасини ҳар бир дарсда намоён этиб бораётир. Ўз навбатида барча ўқувчилар опанинг хислатларидан ўрнак олиш ҳаракатида бўлаётирлар. Хусусан, 1999, 2001, 2002 йилларда республика фан олимпиадаларида ғолибликни қўлга киритган Л.Амангулова, С.Усмонов, К.Абдурашидова сингари йигит-қизлар айни пайтда олий даргоҳларда таҳсил олишаётир. Унинг шогирди С.Усмонов инглиз тили фанидан "Тестлар тўплами"ни нашр эттирди. Хуллас, фидойи муаллима Светлана Уральскаянинг дарс ўтиш маҳорати, ўқувчиларни фан олимпиадаларига, турли танловларга тайёрлаш борасидаги тажрибаси, изланишлари ҳар жиҳатдан ибратга моликдир.

Ўғилой ЮСУПОВА,
РТМ методисти,
Курбонбой МАТҚУРБОНОВ,
"Маърифат" мухбири

Chorlov

Қадрдон ҳамкасбим! Мана, талабалик — олтин даврнинг тугаб, мактаб остонасига иккинчи бор қадам қўйдинг. Ёдингдами, мактабга илк қадам қўйган кунинг. Ўша дамдаги қувончу ҳаяжонинг! Меҳрибон биринчи устозинг. Ундан бироз ётсираб, бироз энтикиб илк сабоқ олганинг. Эртасигаёқ ётсираш ўрнини устозингга интилиш, меҳр эгаллагани. Ҳа, бари ёдингдадир!

Бугун эса ўзинг — муаллимсан. Худди ўзингдек кайфиятдаги болажонлар нигоҳи сенда. Ҳаяжонланганинг яхши, аммо ҳайиқма. Уларни бағрингга бос, ширин сўзлар билан эркала, ким бўлмоқчи эканини сўра, кўнглини кўтар, фамилияси билан эмас, исми билан мурожаат қил. Уларни "ўғлим", "қизим", "болажоним" дейишдан уялма. Ота-онанинг қайноқ қучоғидан чиқиб келган болажонни ўзингга ром этиб ол. Шундан сўнг илм ўргатишга кириш.

Халолликда эса барака бор. Деҳқон бир йилдаёқ ҳосил кўтариб, меҳнати натижасини кўради. Боғбон боғ яратиб, уч-тўрт йилда мевасини ейди. Муаллим эса меҳнати натижасини ўн-йигирма йил ўтиб кўради. Чунки муаллим меҳнатининг кўзгуси — шогирди. Шундай экан, сен сабрли бўл! Ўқувчинг қалбидаги чўғни алангалат, билимини ошириб бор.

Ўқитувчининг обрўси ошиб боряпти. Мамлакатимизда ўқитувчилар кунининг байрам қилиниши ва дам олиш куни деб эълон қилинганининг ўзиёқ сенга кўрсатилган эҳтиром намунаси эмасми?! Ўзбекистон Қаҳрамони, ҳассос шоир Абдулла Ориповнинг сени "Камолот ичра кўзгу", "Ҳаёт ганжида дурри бебаҳо", " Ўзингсан энг аввал даҳо" деб таърифлаб шеър битишининг ўзи сенга берилган юксак баҳо эмасми? Ўзбекистон халқ ёзувчиси Ўткир Ҳошимовнинг "Чархпалак нолали ғийқиллаб айланади. Кафтида сув кўтариб, юқорига олиб чиқади. Тепага чиқиб олган сув ортига қайтмайди. Чархпалак эса бунга ранжимайди. Янгидан-янги сув томчиларини юқорига кўтариб бораверади. Сув — сув эмас, мен эканман! Чархпалак — чархпалак эмас, ўқитувчиларим экан! Кўҳна чархпалак ҳамон тушларимга кириб чиқади", деган эҳтиросли иқрорларини эслагин-а? Бу ташбеҳ ва иқрорларга мушарраф бўлиш, ўқитувчининг обрўсини кўтариш энди сенинг ихтиёрингда. Сен кимдан сўрама, албатта, у неча ёшда бўлишидан қатъи назар илк устозини эслайди. Сен ҳам шундай устоз бўл. Шогирдларинг сени эслаганда, кўз ўнгида нурли чеҳра намоён бўлсин!

Муҳтарам ҳамкасбим, сени қутлуғ айёминг — касб байраминг ила қутлаб, сен билан бирга шундай демоқчиман:

"Камолот ичра кўзгу" — муаллим бўлайлик!

Маҳмуда ВАЛИЕВА,
Тошкент шаҳар Юнусобод туманидаги
274-мактаб муаллимаси, II даражали
"Соғлом авлод учун"ордени
нишондори

"КАМОЛОТ ИЧРА КЎЗГУ" — МУАЛЛИМ БЎЛАЙЛИК

мактабда илк бор иш бошлаган ёш мутахассисларга ўгит ва тилаклар

Ёш ҳамкасбим! Албатта, сен дарсларинг мазмунли ўтишини, болажонлар сени диққат билан тинглашларини истайсан. Бунинг учун нима қилсам экан, деб кўп ўйланасан. Кўп ўйлама, кўп ўқи. Кутубхонага боришингни давом эттир. Зарур адабиётларни топиб ўқи. Сўнгги янгиликлардан бохабар бўл. Дам олиш дақиқаларида миллий куйлардан оҳанрабо тасмасидан фойдаланиб, эшиттиришга одатлан. Сен ишлаётган мактабда тажрибали устозлар бор, улар дарсига кириб, эринмай ўрган.

Азиз ҳамкасбим! Баъзан қулоғингга шундай гаплар чалиниб қолиши мумкин: "Ўқитувчининг ойлиги кам, иши кўп", "Бир ойда топадиган пулингни бир кунда топаман", "Аввалгидек ўқитувчилар кам, қадимги устозларнинг ҳурмати баланд бўлган, ҳамма боласини домлага "Эти сизники — суяги бизники" деб сабоқ олишга берган", "Ўқитувчининг обрўси тушиб кетяпти" каби. Жавобини эса қулоғингга эмас, баралла айтгим келди: Сен топадиган пулни бир кунда топаётган ким? У ҳалол ризқ топаяптими? Балки тарозидан уриб, балки сифатсиз маҳсулот билан одамларни алдаб, қарғишга қолаётган айрим кимсаларга ҳавасинг келмаяптими? Бировнинг ҳақи бировга буюрмаслигини, бу ишларнинг келажаги йўқлигини шундай ҳам кўриб турибсан-ку! Сенинг маошинг эса — луқмаи ҳалол.

Муҳтарам ҳамкасбим, сени қутлуғ айёминг — касб байраминг ила қутлаб, сен билан бирга шундай демоқчиман:

"Камолот ичра кўзгу" — муаллим бўлайлик!

Маҳмуда ВАЛИЕВА,
Тошкент шаҳар Юнусобод туманидаги
274-мактаб муаллимаси, II даражали
"Соғлом авлод учун"ордени
нишондори

ҚАҲРАМОНЛАРИМИЗ ДИЛ СЎЗЛАРИ

УСТОЗ МЕҲНАТИ ҚАДР ТОПГАН КУН

Мавлуда ИСМАТОВА — ***Ўзбекистон Республикаси Халқ ўқитувчиси, Ўзбе-кистон Қаҳрамони, Юнусобод туманидаги 273-мактаб-лицей директори:***

—Бугунги кунда устоз ким десалар, ҳеч иккиланмай энг бахтли инсон дер эдим. Пок виждонли, оқил фикр юритувчи инсон — **УСТОЗ.** Энг табаррук инсон ҳам, барчанинг эътиборини ўзига тортган ҳам бу **УСТОЗ**дир.

Бугунги таълим соҳасидаги туб ўзгаришларга қарайману серташвиш ўтган ўтмиш фаолиятимни эслайман. Ким эдиму ким бўлдим, дея ҳаяжонга тушаман. Камтарона меҳнатимнинг бундай қадрланиши мени яна келажак сари етаклайди. Шуни ҳеч ҳам унутолмайман. 1983 йил "Оққўрғон" совхозида бўлган пахта йиғим-терими, у ерда райком секретарининг: "Аёл раҳбар бўлган жойда нимани кутиш мумкин?" деган гаплари... Ўйланиб қоламан, бугунги бахтли ҳаётимни ҳеч нарсага тенглаб бўлмас экан. Мустақиллик ила эришган бу бахтли фаолиятимда кўзларимда севинч, қалбимда ғурур билан ёшларга боқаман, уларга ҳавас билан қарайман. Чунки улар толмас билак, юртимнинг келажак эгалари.

Бугунги кунда ҳар бир ўқувчининг келажакка интилиш ҳисси ўзгача. Улар маънавиятга бой, маърифатга интилган, сиёсатга ўткирлик билан кириб бораётган ёшлар. Дарҳақиқат, зукколик, теран фикр, ҳозиржавоблик билан даврга ҳамнафас бўлаётган бу ёшларга ҳар қанча ҳавас қилсак арзийди. Ташкил этилган лицей ва коллеж, улардаги таълим-тарбия соҳасидаги туб ўзгаришларни кўриб: "Мана, бахтли ёшлар бугунги кунда замонавий даражадаги билим масканларида таҳсил олаяпти", дейман. Хусусан, кечагина Шимолий Американинг Аризона университетини тугатиб келган собиқ ўқувчимиз Козим Тўраевнинг билдираётган фикрларини эшитиб, тўлқинланиб кетаман.

Бугунги кун мен учун энг унутилмас кун, чунки устоз меҳнати қадрланган, ўқитувчи номи энг юқори ўринга кўтарилган кунда барча касбдошларим ҳаяжонда.

Бугунги байрам шодиёнаси ҳар бир педагог оиласига бахт ва омад олиб киришини тилаб қоламан.

Вера ПАК, — Ўзбекистон Қаҳрамони, Хива шаҳридаги 20-меҳрибонлик уйи директори

— Тарихан қисқа даврда асрларга тенг ютуқларни қўлга киритган, ўз обрў-эътибори, ҳурмат-иззати, қудрати билан жаҳонга юз тутган серқуёш Ўзбекистонимизда ўқитувчи ва мураббийлар энг шарафли касб эгалари деб юксак қадрланади. Ўқитувчилар инсон қалбининг меъмори дея эъзозланиб, жамиятимизнинг энг ҳурматли аъзоси ҳисобланади.

Юртбошимиз И.Каримов муаллимларни миллатнинг юзи, Ватан истиқболининг асл бунёдкори деб катта ишонч билдириб келмоқда.

Ўзбекистонимиз мустақиллигининг 10 йиллиги арафасида камтарона меҳнатим юксак баҳоланиб, "Ўзбекистон Қаҳрамони" унвонига муяссар бўлганим ҳаётимда унитилмас воқеа бўлди. Ўқитувчилик касбини эгаллаб таълим-тарбия соҳасида ишлаётганимдан беҳад мамнунман.

ЭНГ МЎЪТАБАР КИШИЛАР

Муҳтарам устозлар! Қадрли мураббийлар!

Юртимиздаги ҳар бир оила, ҳар бир ота-она ўз фарзандларида олижаноб инсоний фазилатлар намоён бўлишини, уларни бахтли-саодатли қилишни орзу қилади

Шу орзуни рўёбга чиқаришда ўрни алоҳида бўлган заҳматкаш ва фидойи инсонлар — Сизлар - озод юртнинг энг азиз, энг улуғ ва мўътабар кишиларидирсиз.

Азиз касбдошлар!

Қутлуғ байрамингиз — Ўқитувчилар ва мураббийлар куни билан чин дилдан муборакбод этиб, халқимиз доимо омон бўлсин, дейман. Юртимиз тинч, осойишта бўлсин, хонадонларимиздан тотувлик, файз-барака аримасин, жамоаларда ҳамжиҳатлик, соғлом муҳит барқарор бўлсин!

НУРЛИ КЕЛАЖАК ҚУРУВЧИЛАРИ

Манзура МАДАЛИЕВА — ***Ўзбекистон Қаҳрамони, Қўқон шаҳридаги 10-мактабда ўқитувчилик қилган. Ҳозирда кексалик гаштини сурмоқда:***

— Ўзим шу ёшга етган бўлсам ҳам ҳалиҳамон биринчи ўқитувчимни унутолмайман. Чунки, шу мўътабар аёлнинг беназир истеъдоди, ҳақиқий ўқитувчилиги учун менда устозликка ҳавас, иштиёқ уйғонган. Болалигимда мен ҳам худди шундай ўқитувчи бўламан деб, орзу қилганларим кечагидай эсимда. Ахир биз ҳам, яъни ўқитувчилар ҳам боладекмиз-да. Сабаби, ҳар доим болалар билан ишлаганингиздан кейин, қалбингиз ҳам уларга яқинлашиб қолади. Кўпинча айримлар "Устоз — отангдай улуғ" деган нақлга эътироз билдиришади. Лекин, шундайлар ҳеч ўйлаб кўрмасмикин: "мени ота-онам улғайтиришганидаю устоз кўрмаганимда қандай инсон бўлардим" деб. Ахир фарзанд қандай муҳитда шаклланса, худди шундай бўлиб ўсади-да. Масалан, ўқитувчи жонкуярми, у ҳам жонкуяр, ўқитувчи фидойими, у ҳам фидойи бўлади.

Устоз ўқувчини ердан осмонга, яъни ёзиш-ўқишни билмайдиган мурғакдан ҳар томонлама етук шахсга кўтарар экан, улар кун келиб, муносиб шогирд бўлиб устозларини ҳам кўкларга кўтарадилар. Биргина ўзимдан қиёс. Жамиятимизнинг турли соҳаларида ўзларининг матонатини кўрсатиб хизмат қилаётган шогирдларим келиб йўқлашганида, ҳаётимдан миннатдор бўлиб кетаман. Ўйлайманки, демак, менинг умрим бесамар, беиз кетмаётган экан, деб. Баъзи вақтлари ўзимга тенглашган "амаки"лар, "хола"лар мени "устоз" дейишса, қайси ўқувчим экан, деб танимаган кезларим ҳам бўлади. Ўқитувчига ҳам, худди ота-она каби ўқувчи ҳеч қачон улғаймайди. У барибир ўқувчилигича қолади.

Азиз ҳамкасбларим, Сизларни байрам билан қутлар эканман, шуни таъкидлашни истардимки, Сизлар нурли келажакни қураяпсизлар!

ЎҚИТУВЧИНИНГ УСТОЗИ БИТТА БЎЛМАЙДИ

Марат ЗОКИРОВ — Ўзбекистон Қаҳрамони, Жиззах Давлат педагогика институти қошидаги иқтидорли болалар лицейи директори:

— Ҳар доим мана шу мактабимга келар эканман, ўзимдан-ўзим уялиб кетаман. Нега десангиз, раҳбарлик лавозимида ишлаб юриб, кичкинагина бир мактабда ўқитувчи бўлишни ўзимга ор билганман. Балким мен ўқитувчи бўлмаганимда, шундай обрў-эътиборга сазовор бўлмасмидим, деб ҳам ўйлайман. Ҳақиқатан ҳам шундай бўларди. Агар устозликнинг юкини гарданимга олмаганимда, бутун умр ўзимдан хафа бўлиб юрармидим.

Ўқитувчининг бахти шундаки, унинг устози битта бўлмайди. Чунки, ўқитувчи таъбир жоиз бўлса айтиш керакки, ҳеч бир нуқсонсиз, мукаммал шахс бўлмоғи лозим. Шу боис муаллимлар қаерда, ким билан мулоқотда бўлмасин, ўша кишидаги фақат яхши томонларни ўзига олади ва шу киши унга қай томондандир устоз ҳисобланади. Масалан, мен дунёни энди англаётган болалардан кўпроқ нарсани ўрганишга интиламан. Чунки, бола қалби беғубор. Ўша беғубор қалбни ғуборсиз вояга етказиши учун эса ўқитувчининг ҳам қалби покиза бўлмоғи керак. Шу боис, кўпроқ ўқитувчилардаги соддаликни ва беғаразликни улуғлайман.

Аслида, ўқитувчилар ҳар куни эъзозда, ҳурматда бўлади. Ўқитувчилар ва мураббийлар кунида яхши тилакларни иш билан эмас, гуллар ва кўтаринки кайфият билан айтишади. Шогирдлар эса, фақатгина ширин хотираларни эслаш билангина кифояланмай, ўқитувчиларининг ҳузурига ошиқадилар. Менинг ҳам мактабни битирганимга 50 йил тўлган бўлса, ҳозир ҳам айрим устозларим, минг қатла шукрки, ҳаётлар. Уларни зиёрат қилишга шошиб турганим — айни дамда, бутун Ўзбекистон ўқитувчиларига Сизларнинг барчангиз ҚАҲРАМОНсиз дегим келади.

Саҳифани Назокат ХОЛМЕТОВА ва Насиба ЭРХОНОВАлар тайёрлади.

~ Мактабга биринчи бор келган ўқувчи муаллимни она тимсолида кўриши керак. Онангиз сизга таом беради, сизни оқ ювиб, оқ тарайди. Бор меҳру муҳаббатини кўрсатади. Бошланғич синф ўқитувчиси ҳам том маънода она бўлиши керак. Бола ундан кутадиган меҳрни бера олиши лозим.

СИЗНИ ҚУЁШГА МЕНГЗАДИМ, АЗИЗ УСТОЗИМ!

Мен эртага мактабга бораман. Мактаб қанақа жой экан?. Яхшимикан? Муаллимлар қаттиқ гапирмасмикан? Мен нечанчи қатордаги партада ўтирар эканман? Устозим ким экан? Мана шу хаёллар билан ухлаб қолибман. Эрта билан тонг қоронғусида туриб олдим. Юз-қўлимни ювмасданоқ дадамни сўрадим:

— Ая, дадам қанилар? У киши мен ва акамга бир қучоқ гулдаста олиб келиб беришлари керак эди.

— Даданг гулга кетдилар. Бор юз-қўлингни юв. Мактабга тайёр бўлгунингча келиб қоладилар.

Аям чиройли кийимлар кийдириб, сочимга пушти лента тақиб қўйдилар. Лекин дадамдан дарак йўқ. Энди йиғлашни бошлагандим, аям:

— Сизлар мактабга кетаверинглар. Даданг гулни "линейка" бошлангунча етказиб беради, - деди-да, қўлимизга яп-янги сумкани тутқазиб акам иккимизни кўчагача кузатиб чиқдилар.

Уйимиз мактабга борадиган йўл ёқасида жойлашганлиги сабабли юқори синф ўқувчилари қўлларида турфа хил гуллар, ука-сингиллари билан бирга тўп-тўп бўлиб мактабга шошиб кетаётганлиги ҳали-ҳануз ёдимда. Ўшанда хаёлимга: "Ҳамма мактабга гул кўтариб борар экан, мен биринчи кунданоқ гулсиз бораманми?" деган ўй келган ва кўзларимга ёш тўлганди.

Мактабда мени истараси иссиққина, қошу кўзи қоп-қора чиройли аёл "Шарифа келдингизми?!" дея очиқ чеҳра билан кутиб олди. "Бу аёл мени қаердан танир экан-а, исмимни ҳам биларкан" деб ўйладим ва устоз кўрсатган сафга қўшилдим. Бу сафда ўзим билан бирга боғчага борган Дурдона, бувимнинг қўшниси Муқаддам, тоғамнинг қизи Сайёра ҳам бор эдилар. Улар билан янги кийимларимиз, сумкаларимиз, қалам- ручкаларимиз ҳақида гаплашяпману, хаёлимдан: "Нега дадам келмаяптилар, энди анави аёлга нима бераман, гулинг йўқ экан деб мени уришса-я?" — деган фикр ўтарди.

Сўнгра ҳамма бир жойга йиғилди. Синф-синф бўлиб сафландик. Ана шу пайтда кимдир орқа тарафдан менга катта гулдастани узатди. Суюниб кетдим. Ана энди ўқитувчимга ўз гулларимни тақдим этаман.

Биринчи қўнғироқни чалиш ҳам менга насиб этди. Бир қувондим, бир қувондим. Кейин ҳаммадан биринчи бўлиб синфхоналарга биз — биринчи синф ўқувчилари йўл олдик...

Мана, бугун йиллар ўтиб биринчи ўқитувчим билан хаёлан суҳбат қурар эканман, Фарғона вилоятининг Учкўприк туманидаги 9-умумтаълим мактабининг бошланғич синф ўқитувчиси, бугунги кунда кексалик гаштини сураётган Анорхон Расулованинг ҳар бир айтган сўзи, бизга берган сабоғи кино лентасидай кўз ўнгимдан ўтаётир.

***

Муаллимлик касбининг масъулияти оғирми? Биринчидан. "Биринчидан" деб ёздиму ўйланиб қолдим: - Хўш нима "биринчидан?". Оғир касбми — ҳа! Масъулиятли касбми —ҳа! Мураккабми —ҳа! Бунақа "ҳа"лардан яна кўпини қалаштириб ташлаш мумкин. Лекин ҳар қалай "биринчидан" деганда нимани айтиш керак? Яхшиси, муаллимам билан бўлган суҳбатимга қулоқ тутсангиз, бу каби саволларга бир қадар жавоб топасиз.

— Бошланғич синф ўқитувчисига осонми?

— Нима десам экан? Мен ҳеч қачон бу саволни ўз-ўзимга бермаганман, тўғрироғи, бундай савол берилиши керак деб ҳисобламайман. Чунки касб-корга муҳаббат алланечук сирли ва изоҳлаб бўлмайдиган нарса, назаримда. Агар инсон касбини севса ўша касб эҳтиёжга айланади ва борабора ҳаётининг ажралмас бўлаги бўлиб қолади. Кейин нафақат бошланғич синф ўқитувчисига, балки барча ўқитувчиларга ҳам осон эмас.

— Бола биринчи навбатда сиздан нима кутади?

— Мактабга биринчи бор келган ўқувчи муаллимни она тимсолида кўриши керак. Онангиз сизга таом беради, сизни оқ ювиб, оқ тарайди. Бор меҳру муҳаббатини кўрсатади. Бошланғич синф ўқитувчиси ҳам том маънода она бўлиши керак. Бола ундан кутадиган меҳрни бера олиши лозим. Сен эслай олсанг бир эслаб кўр. Мактабга келган кунинг кўнглингдан нима кечган?

— Тўғриси, биринчи келганимда эмас, кейинчалик "Алифбе"-ни ўрганиб бўлганимиздан сўнг, шундай туйғуни кўнглимдан ўтказганман. Мен сизни яхши кўра бошлагандим ва ўша яхши кўришим баробарида хулқимда ҳам қандайдир ўзгариш бўлганди. Мен сизга яхши кўриниш учун, тўғрироғи, сизни хафа қилиб қўймаслик мақсадида кўп тўполон қилмасдим, ўртоқларим билан урушмасдим, партага ёки мактаб деворига чизмасдим, танаффус пайтида мактаб йўлагини шовқин-суронга тўлдириб юбормасдим. Мен ҳам сизнинг минглаб ўқувчиларингиздан бири эдим. Лекин ҳозир фақат бир нарсани ўйлаяпман. Сиз доскага нимадир ёзаётган пайтингизда агар бирортамиз ким биландир гаплашсак, ёки орқа-олдимизга ўгирилиб, тўполон қилсак "фалончи тўғри ўтир ёки пистончи гаплашма" деярдингиз. Биз эса доимо ҳайрон қолардик ва "опойимиз (шева) доскага қараб ёзаётган бўлсалар, бизни қайси кўзлари билан кўраркинлар?" — деб ўйлардик.

— Ўшанда менинг тўртта кўзим бор. У сизларни кўриб туради, дердим.

Ўша тўрт кўзнинг иккиси ички бир туйғу эди. Мен ҳар бирингизнинг феъл-атворингизни келган кунингизданоқ ўргана бошлардим ва бу юқори синфга ўттинунгизча давом этарди. Баъзи болалар ўйинқароқ, шўх, ерга урса кўкка сапчийдиган бўлишади, яна баъзилари "ичимдагини топ" хилларидан, яна бошқа тоифа болалар ҳеч кимга қўшилмайдиган "ёввойи"лар бўлади. Ана шундай турфа феълли болалар фикрини бир ерга йиғиб, уларга "Алифбе" ўргатишнинг ўзи бўладими? Сен яна ўқитувчим миннат қиляпти дема. Йўқ. Шу кунгача қанча болага ҳарф ўргатган бўлсам, уларнинг қанчаси ҳаётда ўз ўрнини топган бўлсалар, мен қилган меҳнатларимга розиман. Пешонамга ёзилган ўқитувчилик касби билан умр ўтказдим, болаларимни вояга етказдим.

— Биз сизнинг дарс ўтиш услубингизга қойил қолардик. Агар айб иш қилсак, бирорта мақол ёки ибратли ривоят айтиб берардингиз ва ундан хулоса чиқаришни ўзимизга ташлаб қўярдингиз. Ҳатто биз билан бир синфда ўқийдиган Барно исмли қизча сизнинг фарзандингиз эканлигини тўртинчи синфга ўтганимиздан сўнг билганмиз. Чунки сиз Барнога ҳам худди бизга қилгандек муомала қилардингиз. Бизга ҳар бир ўтилган янги мавзуни уйда ўн марта ўқиб келишни топширардингиз. Бир куни айтилган топшириқни бажармадим. Ўн марта эмас, икки марта ўқидим мавзуни. Ўша мавзу аниқ эсимда, у космосга парвоз қилган биринчи инсон Юрий Гагарин ҳақида эди. Доскага чиқиб кичик матнни ўқиб бўлишим биланоқ "Шарифа, тўғрисини айт, уйда неча марта ўқидинг?" деб сўрадингиз. Агар икки марта ўқиганимни айтсам мени урушадилар, деб ўйладим ва "ўн марта" дедим ёлғон гапириб. Шунда сиз "ҳеч қачон ёлғон гапиришни ўрганма, сен матнни икки марта ўқигансан, холос" дединг. Ўшанда дилимда "муаллимам ҳамма нарсани билади, ундан ҳеч нарсани яшириб бўлмас экан" деган фикр ўтди. Шундан сўнг ҳеч қачон ёлғон гапирмайдиган бўлганман.

— Биласанми, йиллар ўтиши билан ҳар бир касб эгаси ўз ишининг устаси бўлиб бораверади. Яъни, касб сирларини тўлиқ ўзлаштира бошлайди. Сизлар менинг биринчи ёки сўнгги ўқувчиларим эмасдингиз. Агар ўқувчи уйга берилган вазифани тўлиқ бажарса, у ўтилган мавзуни яхши билиб олади. Агар эндигина ўқишни ўрганаётган ўқувчи битта матнни ўн-ўн беш маротаба қайтарса, у кейин ўша матнни равон ўқийдиган бўлади. Ўқитувчи унинг доска олдида китоб ўқишидан мана шу нарсани билиб олади. Бу биринчи синф ўқувчисига худди сеҳгарликдек туюлади.

— Энди-энди ўйлаб кўрсам, бизнинг шўхликларимиз зиёда бўлган экан. Энг асосийси, ёш болалар диққатини дарров бир жойга тўплай олмайдилар. Сиз ўқувчилар дарс пайтида эътиборлироқ бўлиши учун нималар қилардингиз?

— Боланинг табиати шунақа бўлади. У кўп нарсага қизиқади, бир вақтнинг ўзида бир неча саволига жавоб олишни истайди. Ёки ёнидаги ўртоғи билан янги қалами, сумкасини муҳокама қилади. Ана шунақа пайтда унинг диққатини дарсга қаратиш керак.

Ehtirom

Бундай паллаларда уларга эртак айтиб бераман, тез айтиш ўйинини ўйнаймиз, мавзуга оид қизиқарли ўйинлар ўйлаб топаман. Хуллас, бошланғич синф ўқитувчисидан тиниб-тинчимаслик, ижодкорлик талаб этилади.

— Танлаган касбингиздан розимисиз?

— Нимага норози бўлай? Собиқ ўқувчиларимнинг баъзиларини улар мактабни битирганидан буён кўрмаганман, баъзиларини кўча-кўйда учратиб қоламан. Айримлари байрам ва яхши кунларимда келиб ҳол-аҳвол сўраб туришади. Бир нарса ҳеч эсимдан чиқмайди. Бошланғич синф ўқувчилари юқори синфларга ўтгач, ўша синфнинг яхши-ёмонлиги уларнинг бошланғич синфда ким ўқитганлигига қараб белгиланарди. Демакки, юқори синф ўқитувчилари синфнинг хулқига, билим савиясига қараб бошланғич синф муаллимининг маҳорати, истеъдоди ва қобилиятига ҳам баҳо беришади.

— Бу гапим хушомад эмас. Сиз биринчи сабоқни берган ўқувчилар юқори синфларда ҳам ўзларининг хулқ-атвори, чуқур билими билан ажралиб туришарди.

— Нафақат менинг, балки Раҳимжон Йўлдошев, Файзиниса Ҳолиқова, раҳматли Муҳаббатхон Мирзақуловалар каби ҳамкасбларимнинг ўқувчилари ҳам юқори синфларда яхши ўқишарди.

— Баъзан "фарзандимнинг устози бир кийимлик мато сўрабди" ёки "Яқинда байрам, ўғлимнинг ўқитувчисига бирорта арзирли совға қилишим керак, бўлмасам у боламни ўртоқлари олдида изза қилади", деган гапларни эшитиб қоламиз.

— Биласизми, агар у ўз фарзандидан бирор нима умид қила бошладими, энди ҳаммаси тамом. Биринчидан, ўқувчисининг ўзига бўлган меҳрини йўқотади, мисқоллаб йиққан обрўсини пучга чиқаради, кейин у чинорларга айланишини истаган ниҳоллари — ўқувчиларига ҳам нотўғри йўл кўрсатиб қўяди. Бошқа касбдаги кишилар таъма қилиши, кимдандир ниманидир кутиши мумкиндир, лекин ўқитувчи бировдан бирор нима олишни (айниқса, ўқувчилари кўз ўнгида) ўйламаслиги керак. Ўқувчисида "устоз менга барибир беш баҳо қўяди, чунки унга онам рўмол берган, мени орқа партага ўтказиб қўймайди, чунки отам кеча нимадир ташлаб кетган" деган фикр пайдо бўлади. Боланинг йўл бошида адашиши унинг шундай фикрлашидан бошланади.

Шукрки, мен ўқитувчилик давримда мингдан ортиқ ўқувчини катта ҳаётга учирма қилган бўлсам, ҳар бирининг қайсидир хислатини, қайсидир одатини яхши эслаб қолганман. Ахир, она қайси фарзандининг исмини унутиши мумкин, қайси фарзандининг алоҳида фазилатини ёддан чиқариши мумкин...

* * *

Руҳимда бир енгиллик, сокинлик пайдо бўлди. Шу аснода биринчи муаллимамни қуёшга ўхшатгим келди. Зеро, қуёш ҳам осмон меҳварида тиним билмай айланаверади, атроф-оламга беминнат нур сочиб, зиё тарататаверади. Шу каби биринчи муаллим меҳридан, илм зиёсидан баҳраманд бўлганлар, устозлари меҳрини ҳали ҳам қўмсаб туришади.

Шарифа МАДРАҲИМОВА

ОДАМИЙЛИК ҚАСРИ

Куни кеча дунёнинг энг ривожланган давлатларидан бири бўлган Буюк Британиядан олам-олам таассуротлар билан қайтган Маҳфират опа Абдуллаева билан узоқ, дилдан суҳбатлашдик.

— Буюк Британияга сафар қилишимиздан мақсад, умумтаълим мактабларида ўқитилаётган инглиз тили дарсликларини янада такомиллаштириш, дарсликлар имкон қадар ҳаётга яқинроқ, тушунарлироқ бўлишини таъминлашдан иборат эди. Шу мақсадда Лондон ва бошқа кўплаб йирик шаҳарлардаги таълим масканларида, жамоат жойларида бўлдик. Ҳаётни, одамлар турмуш тарзини, ўқув жараёнларини кузатдик. Ҳавас қилсанг, етарсан муродга, деб инглиз дўстларимизнинг ўрганса арзигулик барча тажрибаларини, дарслик яратишдаги услубларини ўзлаштиришга ҳаракат қилдик.

Меҳнаткаш, ўз ишига садоқатли Маҳфират опа Булоқбоши туманининг Учтепа қишлоғида туғилиб вояга етган. Инглиз тили бўйича ўқув юртини тамомлаб, тумандаги 23-ўрта мактабда бир неча йил болаларга сабоқ берди. Янгиликка интилиш, дарс жараёнида болаларни қизиқтирувчи услублардан фойдаланиш каби хислатлар туфайли у касбдошлари орасида эътибор қозонди.

Мактаб раҳбарияти инглиз тили дарсликлари, улардаги айрим камчиликлар юзасидан Маҳфират опа мулоҳазаларини Республика таълим марказига, шунингдек, қатор мутасадди ташкилотларга билдирди. Бу фикр-мулоҳазалар инобатга олиниб, таълим марказидаги дарслик ёзиш гуруҳига опанинг ҳам номи қўшилди. Ўша гуруҳ таркибида Маҳфират опа Буюк Британияга сафар қилди. Сафар давомида дарсликларни янада бойитиш, таъсирчанлигини ошириш юзасидан тажрибаларини бойитди.

Инглиз тилидан 5-, 6-, 7-синфлар дарсликларини янада такомиллаштириш, ҳаётийлигини таъминлаш учун бу ерда орттирилган тажрибалар асосида иш таҳлиллари бўлди. Гуруҳ аъзолари Плимут, Датмур, Басс ва Девн шаҳарларида бўлиб, дарсликлар учун материаллар йиғдилар.

— Буюк Британиянинг таълим соҳасидаги ишларини кўриб ҳавас қилдик, ўргандик. Мустақиллигимиз шарофати билан биз каби муаллимлар учун имкониятлар янада кенгайди. Бу имкониятлар эса бизни астойдил ишлашга даъват этади, — дейди Маҳфират опа.

Бугунги кунда Маҳфират Абдуллаева ишлаётган Булоқбоши туманидаги 10-гимназия вилоятдаги энг яхши таълим масканларидан бири. Албатта, бунга опа каби фидойи муаллимларнинг меҳнатлари сабаб.

Яқинда Маҳфират опа Абдуллаева ҳаётида муҳим қувончли воқеа содир бўлди. Юртбошимизнинг Мустақиллигимизнинг 11 йиллиги муносабати билан бир гуруҳ фидойи инсонларни мукофотлаш тўғрисидаги Фармонида Маҳфират опанинг ҳам номи бор эди. Маҳфират опа мамлакатимизнинг юксак мукофоти — "Дўстлик" ордени билан тақдирланди. Бу фидойи инсоннинг заҳматли меҳнатлари эвазига берилган муносиб баҳо бўлди.

О.СИДДИҚОВ

МЕҲРИБОНЛИК УЙИГА СОВЧИ КЕЛДИ

ҚЎҚОНДА ШУНДАЙ МАСКАН БОР

Буюк бобокалонимиз Алишер Навоий беқиёс маънавий-маърифий ишлар қаторида хайр саховатли ишларга ҳам катта эътибор берган. У зотнинг саъй-ҳаракатлари билан Ҳирот шаҳрида "Холисия" номли сағирлар уйи ташкил этилиб, давлат ҳамда саховатпеша инсонлар таъминотида бўлган.

Ана шундай улуғ инсонлар авлоди бўлган ўзбек халқи бугун ҳам аждодлар ишини давом эттириб, сағирлар бошини силамоқда. Уруш, оммавий қатағонлик, очарчилик даврларида ташкил этилган кўплаб меҳрибонлик уйлари ҳозир ҳам фаолият кўрсатмоқда. Шулардан бири Қўқон шаҳридаги 12-"Меҳрибонлик уйи"дир.

Унга 1920 йилда ўз даврининг илғор маърифатпарварлари бўлган Абдулваҳоб Ибодиев ва унинг синфдошлари асос солган. Ҳозирда А.Ибодиев номи берилган мазкур меҳрибонлик уйи оддий ҳунарманддан тортиб, машҳур санъаткору олимларни, кўплаб таниқли ижодкорларни тарбиялаб, вояга етказган. Усмон Носир, Абдулла Қаҳҳор, Ёқуб Хакимов, бастакорлар Сулаймон Юдаков, Мутал Бурхонов, санъаткор Қурбон Назаров каби кўплаб машҳур кишилар илк сабоқларини шу даргоҳда олишган. Ўтган 82 йиллик фаолияти давомида маскан 45 мингга яқин меҳрга зор қалбларга меҳр улашди, таълим-тарбия берди.

Мустақиллигимизнинг дастлабки йилларидан бошлаб барча таълим-тарбия муассасалари каби болалар уйлари фаолиятини ҳам тубдан ислоҳ қилиш, уларни болаларнинг ҳақиқий уйларига айлантириш, таълим-тарбия ишлари сифатини янада яхшилашга алоҳида эътибор берила бошланди. Хусусан, 12-"Меҳрибонлик уйи"да ҳам 4 қаватли бино томини таъмирлаш ҳамда қаттиқ ва юмшоқ жиҳозлар билан таъминлаш учун вилоят халқ таълими бошқармаси томонидан 4 млн.600 минг сўм маблағ сарфланди. Таълим-тарбия жараёни ҳам янгича тус олди. Тарбияланувчиларнинг ўқиш ва яшаш шароитлари бир мунча яхшиланди. Улар билим оладиган 5, 18, 21-мактаблар жамоалари билан яқин алоқа ўрнатилди. Бугун бу ерда 2 нафар врач, 4 нафар ҳамшира болалар соғлиги ҳақида қайғуриб келишмоқда. 17 нафар педагог, 60 нафар ходимлар болаларнинг ўз ота-онасидек бўлиб қолган. 140 нафар меҳрга ташна мурғак қалблар бугунги кунда шу даргоҳдаги меҳрибонлар бағрида яшаб, таълим-тарбия олишмоқда. Буларнинг барчасига бугунги кунда моҳир педагог, тажрибали раҳбар Раҳбархон Мирзаева бош-қош.

БОЛАЛАРНИНГ МЕҲРИБОН АЯЖОНИСИ

Ҳа, Раҳбархон Мирзаевани меҳрибонлик уйининг ҳар бир тарбияланувчиси "Аяжон" деб чақиради. Бунинг боиси бор, албатта. Опа ўзининг ширин сўзлиги, хушмуомалалиги, ҳар бир бола тақдирига ўз фарзанди тақдиридек қайғуриши билан тарбияланувчилар, қолаверса барча ходимлар учун меҳрибон кишига айланган. 1998 йилдан бошлаб мазкур таълим-тарбия масканига бошчилик қилиб келаётган бу аёл гоҳ ҳомийлар, гоҳ масъул ташкилотлар раҳбарлари ҳузурида ташриф билан кўпроқ банд бўлади. Асосий мақсад эса меҳрибоник уйи ишларини янада такомиллаштириш, болалар келажагининг порлоқ бўлишига эришишдир.

Кўп йиллар шаҳардаги 17-меҳрибонлик уйида ишладим, –дейди Р.Мирзаева. – Шу вақт давомида кўплаб норасида болаларни қалб қўрим билан тарбияладим. Болажонлар кўнглини тўлдиришга ҳаракат қилдим. Етим болаларку ноилож бу ерга олиб келинади, лекин гулдек фарзандларидан воз кечиб, уларни ташлаб кетган аёлларга нисбатан нафратим чексиз бўлгани ҳолда, бегуноҳ болаларга меҳрим ошиб борди. 1998 йили 12-меҳрибонлик уйига мени раҳбар этиб тайинлашди. Раҳбарлик фаолиятимнинг бошиданоқ кадрлар ишини яхшилаш учун бел боғладим. Болаларни ёқтирмайдиган, ўз ишига совуққон бўлган ходимлардан воз кечишга тўғри келди. Синов асосида янги кадрлар қабул қилинди. Тарбияланувчиларнинг яшаш шароити, вақтини унумли ўтказиши, турли қизиқарли тадбирлар билан банд қилиш, уларнинг ички дунёсига кириб бориш орқали бу маскандаги муҳит яхшиланди. Ҳозирда 7 минг китоб фондига эга бўлган кутубхона, 240 ўринли шинам ётоқхона ва дам олиш хоналари, спорт майдони болалар хизматида. Болалар ўз қизиқишлари асосида "Мусаввирлик", "Тикувчилик", "Қўл меҳнати", "Футбол", "Косибчилик", "Пазандачилик", "Бадиий ҳаваскорлик" тўгаракларига иштиёқ билан қатнашишмоқда. "Наврўз" рақс дастаси эса жамоамиз фахридир. Бу даста иштирокчилари 1999 йилда Республика "Меҳржон" марафонида қатнашиб, мукофотга сазовор бўлди. Ҳаваскор мусаввирларимизнинг ижодий ишлари иқтидорли болаларнинг Саудия Арабистонида ўтказилган кўргазмасида юқори баҳоланди. Ана шундай йўл билан меҳрибонлик уйида қатъий интизомни йўлга қўйиб, таълим-тарбия ишини юқори поғонага кўтардик. Бу ишларни амалга оширишда М.Мирзакаримова, А.Хўжақулов, А.Ёқубова, М.Акбарова, О.Қамбарова, Н.Усмонова, М.Содиқова каби меҳридарё ходимларимиз менга камарбаста бўлишди. Бугунги кунда улар болажонларнинг нафақат устозлари, балки сирдошлари ҳамдир.

Ҳа, бу ерда бўлган киши опанинг сўзларига тўлиқ ишонч ҳосил қилади. Болаларнинг одоблилиги, қўлларини кўксига қўйиб салом беришлари, ўзаро иноқликларини кўриб кишининг ҳаваси келади. Дарвоқе, энди бу даргоҳга ҳавас билан келин излаб келишмоқда.

Р.Мирзаева П.Емельянов билан

Асли Қўқон шаҳрилик бўлган, ҳозирда Тошкент шаҳрида яшаб меҳнат қилаётган олима – Тошкент кимё-технология олийгоҳи доценти, биология фанлари номзоди Ш.Ҳакимова фарзандини она шаҳри Қўқондан уйлантиришга аҳд қилиб, бу шаҳарга келин излаб келади. Қаринларнинг дил сўзлари. Пўлатжон ўзи ўқиган 21-мактабда бир қиз билан тақдирини боғлашга аҳд қилган. Бундан хабар топган Раҳбархон опа яқинда қизникига совчиликка борди.

— Унашиб қўйдик ҳисоб, – дейди Р.Мирзаева мамнуният билан. — Пўлатжон ўқишини тугатиши билан тўйни бошлаймиз. Келинни албатта уйимга тушираман.

"РАҲМАТ АЯЖОНЛАР"

Тақдир тақозоси билан юртимизга келиб етим қолган

Р.Мирзаева ва Р.Сапронов.

9 ёшли Руслан Сапронов уч йилдан ортиқ давр мобайнида шу даргоҳда таълим-тарбия олди. Ўзбек тили у учун иккинчи тил бўлиб қолди. Руслан улғая боргач, Владимир шаҳрида акаси борлигини, лекин аниқ манзилини билмаслигини бот-бот эслай бошлади. Шундан сўнг ўқитувчилари ва Р.Мирзаева Россия жамоатчилик телевидениесининг "Жди меня" кўрсатувига мактуб йўллашди. Роса бир йил кутишгач, ака-ука дийдор кўришишди. Ҳозир Руслан Владимир шаҳрида ўз меҳрибонлари бағрида яшамоқда. Ўзбек тилида тез-тез мактуб йўллаб, ўз миннатдорчилигини билдириб туради.

ҲОМИЙЛАР ОМОН БЎЛИШСИН

Халқимиз азалдан саховатпеша, халқпарвар. Ана шу фазилат, айниқса қўқонликларда ўзига хос ривожланган. Меҳрибонлик уйига кўпгина ташкилотлар, жумладан, Қўқон ёғ-мой ҳиссадорлик жамияти, 10-автосарой каби кўплаб ташкилотлар тадбиркорлар ёрдам қўлини чўзиб келишмоқда. Уларнинг кўрсатаётган ҳимматлари меҳрибонлик уйи шароитини яхшилаш, болаларни таътил даврида дам олиш масканларига олиб бориб келиш учун транспорт билан таъминлашда асқотмоқда.

ХУЛЛАС...

Бу даргоҳда таълим-тарбия олаётган болалар ҳукуматимиз кўрсатаётган ғамхўрлик асосида, меҳрибон тарбиячилар қўл остида аҳил бир оиладек яшаб, ўқишмоқда. Мавсумга мос кийим-бош, беш маҳал овқат берилади. Ҳар оқшом ўтказиладиган турли мавзудаги тадбирлар ҳеч кимни зериктирмайди. Ёзги таътил даврида 100 ўринли махсус оромгоҳда масза қилиб дам олиб қайтган болалар янги куч, янги ғайрат билан билим олишга киришиб кетишди.

— Ҳар бир боланинг кўнглига қараб иш қилиш бу ерда одат тусига кирган дейди,–маънавият ва маърифат ишлари бўйича директор ўринбосари Аброр Хўжақулов, – ўтказиладиган тадбирлар асосан болаларнинг хоҳишига қараб тайёрланади. Болаларнинг туғилган кунлари нишонланади, кинотеатрларга, истироҳат боғига, тарихий обидаларга саёҳатлар уюштириш доимий режамиз асосидир.

3-, 5-, 21-шаҳар мактабларига бориб ўқийдиган болалар ўз тарбиячилари бошчилигида қатнайдилар. Уларнинг дарс тайёрлашлари учун барча шароитлар етарли.

Ҳа, бу масканда таълим-тарбия олаётганлар ҳеч нарсага зориқмай вояга етишмоқда. Бу эса мустақил юртимизнинг фаровонлиги, давлатимизнинг саховатпешалигини ифодалайди. Келажакда ҳам бу маскандан яна таниқли кишилар етишиб чиқишига умид билдирамиз.

Акромжон ТУРСУНАЛИЕВ

Kasb-hunar kollejlarida

КОМПЬЮТЕР ТУГМАЛАРИНИНГ СИРИ



Талабаларнинг компьютерларда мустақил ишлашини таъминлаш, малакасини оширишда амалий машғулотларнинг ўрни ниҳоятда муҳим. Бу эса информатика фанида машғулотларнинг ушбу турини ўтказиш услубларига эътибор бериш зарурлигини кўрсатади. Windows-98 тизими имкониятларини ўрганиш бўйича амалий машғулотга кўпроқ эътибор — талабаларнинг мустақил равишда файл ва папкалар устида (дастурларни ишга тушириш, ўчириш, нусхалаштириш, қидириш, янги файл папкаларини ҳосил қилиш, хотирада сақлаш ва ҳ.к.) амаллар бажариш, тармоқда ахборот алмашинув жараёнлари билан ишлаш, NetMetting дастури орқали турли ёзувларни, графикаларни, овозларни юбориш, исталган компьютер билан унинг коди орқали боғланиш ва қўшимча равишда глобал тармоқ — ИНТЕРНЕТга кириб маълумот олишга қаратиляпти. Албатта, бу жараёнларни бажариш учун талабаларга Panasonic видео проекторидан фойдаланиб экранда жараёнларни бажариш босқичлари кўрсатилади. Улар экранга қараб ўқитувчи билан биргаликда бу машқларни бажаришади. Талабаларнинг амалий кўникмаларини мустаҳкамлашда ўқитувчи томонидан тузилган амалий топшириқлар ҳам муҳим аҳамиятга эга. Топшириқлар дарсда олинган назарий билимларга ва ҳосил қилинган кўникмаларига асосланиб бажарилади.

Microsoft Word-2000 матн таҳрирлагичи бўйича ўтказилган амалий машғулотларда эса талабаларнинг мустақил равишда компьютерда турли матнларни таҳрирлаши ва форматлаш ишлари, ҳужжатга турли графикалар, объектлар жадвалларини ўрнатиш ва жадвал элементлари билан ишлашга кўпроқ аҳамият берилмоқда. Бу жараёнлар ҳам биринчи марта видео проектор орқали экранда кўрсатилади. Кейин эса талабалар экранга қараб, ўқитувчи билан биргаликда буни бажаришади. Экранда бу жараёнларни кўрсатишда ўқитувчи Microsoft Word-2000 матн таҳрирлагичи менюси буйруқларининг вазифасига тўхталиб ўтади.

Microsoft Power Point-2000 дастури юксак имкониятларидан фойдаланиб, ўқитувчилар томонидан ўзи ўргатувчи "Ўқитувчи" дастури ишлаб чиқилди. Бу дастурнинг ўзига хослиги шундаки, ихтиёрий талаба мустақил равишда компьютерда керакли мавзу бўйича назарий машғулотлар билан танишади. Дастурни мукаммаллаштириш устида ишлар олиб борилмоқда. Амалий машғулотларда талабалар компьютерда ўзларининг ватанпарварлик, инсонпарварлик руҳидаги ҳис-туйғуларини яратиб, реклама тариқасида намойиш этишларига алоҳида эътибор берилмоқда.

Microsoft Excel-2000 электрон жадвали имкониятларини ўрганиш амалий машғулотларда талабаларнинг танлаган касбларига доир иқтисодий-молиявий масалаларни ечишларига эътибор қаратилган. Яъни, улар "Иш ҳақини ҳисоблаш", "Кредит", "Ҳисобдан чиқариш" каби масалаларни ечиш усулларини кўрсатиш орқали кўникмаларини шакллантирадилар. Бундан ташқари диаграммалар орқали маълумотларни график шаклда ифодалаш имкониятидан фойдаланишади. Бу ишларнинг тўғри йўлга қўйилиши — келгусида ижобий натижалар бериб, улар ўртасида турли мусобақалар ўтказилишига ҳам сабаб бўлади.

MicrosoftAccess-2000 дастурини ўрганишда эса рақобат муҳитини шакллантириб, улар маълумотлар базаси ва уларни бошқариш усуллари билан танишадилар. Бунда ўқитувчи томонидан оддий шакллар яратиш, маълумотлар базаси ва сўровлар ҳосил қилиш жараёнлари кўрсатилади. Маълумотларни бошқариш тизими орқали банкдаги хулосаларни қайта ишлашга доир содда масалаларни амалий машғулотда ечиш ўзининг юксак самарасини беради. Бу машғулотлар талабаларнинг компьютерда мустақил ишлаши ва шу орқали ўз истеъдодларини чархлашларида қўл келмоқда.

Юсуф ДАВРОНОВ,
Самарқанд банк коллежи
ўқув ишлари бўйича
директор муовини

ХАЗИНАНИНГ СИРИ НИМАДА?

Инсон қалбида юксак маънавиятни шакллантиришда китобнинг аҳамияти бениҳоя каттадир. Шунинг учун ҳам Ж.Свифт "Китоблар — ақл фарзандларидир" дея таърифлайди. Дарҳақиқат, юксак ақл соҳиблари томонидан ёзилган китоблар инсон умрини нурафшон этади, тафаккурини чархлаб куч-қувват бахш этади. Юракда эзгу умидлар уйғотиб ҳавасла яшашга, яратувчиликка чорлайди. Шу маънода китоб ёшлар учун ҳаёт мактабидир. Яхши китоб — ҳар бир ўғил-қиз учун ҳикматлар хазинаси, яқин дўст, маслаҳатчи, ўтмиш ва ҳозирги кунни мусаффо кўрсатувчи кўзгу. Эстетик завқ бахш этувчи сеҳрли олам, қолаверса мураббий ва устоздир. Китоб қоғоз ихтиро қилинмаган вақтда ҳам сополларга, ҳайвонларнинг ошланган терисига битилган. Ўтмиш замонлардан шу кунгача ота-боболаримиз унинг ғоятда машаққатли меҳнат эвазига юзага келганини англаб, оёқ ости бўлишига йўл қўймаганлар. Китоб сақланадиган жойни муқаддас ҳисоблаганлар.

Ўзбекистонда кутубхоначилик жуда қадимдан ривожланган. "Авесто" асари ҳам 200 та кийик терисига битилган экан. Археологларнинг маълумотларига кўра, Хоразмда III асрдаёқ анчагина бой кутубхона мавжуд бўлган. Ваҳоланки, араблар қоғозни илк маротаба юртимизга бостириб кирганда кўришган экан.

Шарқнинг буюк мутафаккири Ибн Сино даврида Бухоро амири кутубхонасида китоблар рўйхати (каталог) тартиб билан жойлаштирилганлиги ҳақида маълумотлар бор. Ҳозирги кунда республикамизда 17 мингдан ортиқ оилавий ва илмий кутубхоналар фаолият кўрсатяпти. Кутубхоналар китоб ҳажмига қараб эмас, балки ахборот заҳиралари қанчалигига ва улардан фойдаланиш имкониятларига қараб баҳолана бошланди. Ўзгараётган давр кутубхоначилик ишида ҳам кенг ислоҳотлар ўтказишни, жаҳондаги илғор тажрибаларни оммалаштиришни тақозо қилмоқда.

Китобхонлар юксак маънавий, кенг маънода ахборот базаларига эга бўлиши, кутубхоначилар эса янги замонавий технологиялар асосида хизмат кўрсатиш малакасини эгаллаши лозим. Кенг қамровли маълумотларга эга бўлган кутубхоналар ва уларни яратаётган кутубхоначи-мутахассисларнинг жамиятда эътибори кучаймоқда. Жамиятнинг интеллектуал ривожида кутубхона ва кутубхоначининг ўрни оғизда эмас, амалда тан олинадиган бўлди.

Бугунги кутубхоначи жавонлардаги китобларни тартибга солиб китобхонларга берувчи ва қайтариб олувчигина эмас, балки бу жараёнларнинг ҳаммасини автоматлаштирадиган, интеллектуал мулкни компьютер хотирасига жойлаб, кўпайтирадиган, жаҳоний кенгликларда маълумотлар алмаштириш салоҳиятига эга бўлган мутахассисга айланмоқда. Кутубхоналарда замонавий ахборот технологияларидан, **Интернет** тармоғидан фойдаланиш ҳар бир зиё масканининг имконият уфқларини ниҳоятда кенгайтиради, унинг нуфузини оширади.

Кутубхоначилик ишида автоматлаштирилган бошқарувнинг йўлга қўйилиши том маънодаги мўъжизадир. Ундан кўзланган асосий мақсад, кутубхона ишини такомиллаштириш, ахборотлар оқимини китобхонларга етказишни жадаллаштириш, уларнинг ахборот билан танишишига қулайлик яратиш, вақтини тежаш, кутубхонадаги мавжуд маълумотлар ҳақидаги ягона жамғармани ташкил қилиш ва китобхонлар эҳтиёжини имконият даражасида қондиришдан иборатдир. Жамғармада одатдаги китоб, журнал, газета, аудио-видео касеталар билан бирга электрон ахборотлар ҳам сақланади. Электрон ахборот компьютер хотирасида сақланадиган файл кўринишидаги маълумотлар матнидир. Улар компьютер экранига ёки китобхон талабига мувофиқ техник қурилмалар ёрдамида қоғозга чиқарилади. Китобхон мантиқий ягона жамғармага кириб, мавжуд маълумотлар билан танишади, керагини компьютер экранига чиқаради ва бу одатдаги маълумотлар бўлса, уни олиши ҳақида кутубхонага кўрсатма-сўров беради. Бир кутубхона жамғармасида мавжуд бўлмаган ахборотни бошқасидан олиш имконияти яратилади, яъни кутубхоналараро ахборот алмашиш ташкил қилинади. Бошқа кутубхоналар ва ташқи алоқа тармоғи мижозлари шу кутубхона жамғармасида мавжуд бўлган маълумотлар билан танишиши учун ахборот тайёрланади. Агар бошқа кутубхоналар ҳам шу автоматик тизимда ишласа, кутубхоналараро ягона мантиқий жамғарма ташкил қилиш имкони мавжуд. Ҳар бир кутубхона унинг шахобчаси сифатида фаолият кўрсатади. Компьютердаги кутубхона маълумотлари маълумотлар омборида сақланади. Маълумотлар омбори деб, компьютернинг узоқ муддатли хотирасида сақланаётган ахборотлар ва улар устида аниқ ишлаш усулларига имкон берадиган маълумотлар йиғиндисига айтилади. У иш жараёнида жуда асқотади, яъни нусхалаш, ўзгартириш, қоғозга чиқариш, бирор бўлагини ажратиб олиш, ҳаттоки оддий ахборотни излаш осонгина, қисқа вақтда бажарилади.

Маълумотлар қандай кўринишда ифодаланишидан қатъи назар, уни йиғиш, сақлаш, қайта ишлаш ва фойдаланишда компьютер техникасининг аҳамияти бениҳоя каттадир.

Тошкент шаҳри ЎМКҲТ муассасаларидаги аксарият кутубхоналарнинг деярли барчаси замонавий жиҳозлар билан таъминланган. Ана шундай кутубхоналардан бири Тошкентдаги Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети қошидаги Шайхонтоҳур академик лицейидадир. Бу лицей яқинда ташкил этилган бўлишига қарамасдан, ҳозирги кунда унинг жамғармасидаги китоблар 3701 нусхани қамраб олган, уларнинг 398 таси Англиянинг Брунель университетидан келтирилган инглиз тилидаги адабиётлардир. Ушбу инглиз тилидаги ўқув адабиётларининг 40 тасини видеокассета, 32 тасини аудиокассета тўлдиради. 2001 йилдан академик лицейда ахборот технологиялари маркази ташкил этилди. Айни кунда кутубхона жамғармаси тўлиқ компьютерга киритилиб, электрон каталог тузилган.

— Кутубхонадаги шароитлар ёшларни замонавийлиги билан ўзига жалб қилади, — дейди кутубхона мудираси Мунира Нурматова. — Бу ерда иш шундай ташкил қилинганки, ўқувчилар ўзларининг бўш вақтларини китоб, газета-журналлар ўқиш билан ўтказишмоқда.

Бугунги кунда кутубхонанинг асосий вазифаси — ёш авлодни миллатимизга садоқатли, ўз Ватанига чексиз меҳр-муҳаббатли, олижаноб руҳда тарбиялашга ёрдам бериш, уларнинг ақлий қобилиятини ўстириш, қалбида кутубхонага меҳр уйғотишдан иборат экан, энг замонавий технологиялар асосидаги кутубхоналаргина бу улуғ вазифани бажаришга қодирдир.

Башорат ОМОНОВА,
Тошкент шаҳар ЎМКҲТ
бошқармаси ходими

Milliy dastur - amalda

УНИВЕРСИТЕТНИНГ СЕРҚИРРА ВАЗИФАЛАРИ

Қорақалпоқ Давлат университети педагогик жамоаси ҳам Миллий дастур талабларининг ижроси билан банд. Мухбиримиз университетнинг маънавий-маърифий ишлар бўйича ректор муовини, юридик фанлари номзоди, доцент Ботир Матмуродов билан таълим жараёни масалалари хусусида суҳбатлашди.

— Ботир ака, биласизки, ҳар бир олий таълим муассасаси ўз ички тузилмасига эга ва у бошқарувчи куч ҳисобланади.

— Тўғрисини айтганда, бошқа соҳалар каби таълимни ҳам бошқарув тизимисиз тасаввур қилиш қийин. Агар бошқарув тизими бўлмаса эди, дарс бераётганлар ва билим эгаллаётганлар эшкаксиз қайиқ ҳолатига тушган бўлишарди.

Университетимиз раҳбарияти ректор, унинг турли масалалар бўйича 4 нафар муовинларидан иборат. Бошқарув эса унинг ректорати, илмий кенгаши, ўқув, ички назорат, мониторинг, илмий, кадрлар, хўжалик, маркетинг хизмати бўлимлари, бухгалтерия, девонхона, факультет деканатлари, кафедралар ва бўлимлар раҳбариятлари томонидан амалга оширилади. Университетимизда таълим 11 та кундузги, 2 та сиртқи факультетда, махсус сиртқи бўлимда ташкил қилинган бўлиб, уларда бакалаврлик, магистратура ҳамда иккинчи мутахассисликни эгаллаш имкониятлари яратилган.

— Ўқув жараёнининг негизи деб биз кўп жиҳатларни айтишимиз мумкин. Масалан, дастур ва режалар, ўқув адабиётлари, турли хил, аммо битта мақсадни кўзлайдиган педагогик технологиялар... Хўш, Қорақалпоқ Давлат университетида ўқув жараёнини сифатли ташкил этишнинг асоси нимада, деб ўйлайсиз?

— Дафъатан қараганда, катта бир даргоҳда илм эгаллашни ният қилган ёшларнинг ўқув жараёнини ташкил этиш қийиндек туюлади. Аслида ҳам таълим дабдурустдан ва дуч келган йўсинда ташкил этилавермайди. Унинг ўз асослари, сиз таъкидлаганингиздек, негизлари бор.

Аввало таълим йўналишлари учун ишлаб чиқилган ишчи ўқув режаларида бакалавр ва магистрлар билимига қўйилган минимум талаблар устидан назорат ўрнатилган. Барча фанларнинг ишчи ўқув режалари давлат таълим стандартларига мос равишда қайта ишлаб чиқилди ва тасдиқланди. Мавжуд ихтисосликлар бўйича мувофиқлаштирилган ўқув жадвали тузиш, кафедраларнинг йиллик иш режаларини тасдиқлаш, уларнинг йиллик ҳисоботини қабул қилиш ва баҳолаш жорий этилган. Бундай ҳисобот журналларининг шакли ва мазмуни ишлаб чиқилган бўлиб, ўқитувчи-мураббийларнинг дарс соатларидан бошлаб то талабаларнинг ўзлаштириш даражалари ҳам унда ўз ифодасини топади.

Шубҳасиз, дарслик, ўқув қўлланмаси, рисола, маъруза матни, биринчидан, ўқитувчининг иш қуроли, иккинчидан, талабанинг ўрганиши, ўзлаштириши керак бўлган манбаси ҳисобланади. Сўнгги уч йил мобайнида ўнлаб ўқув адабиётларининг нашр қилиниши, 500 дан зиёд маъруза матнларининг электрон версиялари тақдим қилиниши таълим тизимига бирмунча янгиликлар олиб кирди. Чунки улар энг сўнгги тамойиллар асосида тайёрланди. Қолаверса, университет кутубхонаси фонди бир хил бўлиб тургани йўқ, яъни энг сўнгги адабиётлар олиб келинаяпти. Агар сўнгги уч йил мобайнида 46207 дона турли хилдаги китоблар келтирилган бўлса, шундан асосий қисми қорақалпоқ тилидадир.

— Ҳозир мамлакатимизда ўзга давлатлардаги университет ва институтлар билан ҳамкорлик қилмаётган олий таълим муассасасининг ўзи йўқ. Бу эса таълим жараёнига фақат ижобий самара келтиради. Университетингизнинг чет эллик ҳамкорлари рўйхатида кимлар бор?

— Ўз хорижий ҳамкорларига эга бўлган ҳар бир олий ўқув юртининг истиқболига ишониш керак. Ҳамкорлик натижасида университетимизга кўплаб хорижий сармоялар жалб қилинганини таъкидламоқчиман. Жумладан, сув ресурслари геоинформацион тизимини тузиш, Оролбўйи сув ва ер ресурсларидан унумли фойдаланиш, унинг экологик муаммоларига бағишланган Европа ҳамжамиятининг "INTAS" дастури лойиҳаси бўйича 1997-99 йилларда қиймати 80 минг экю, 1996-99 йилларда эса НАТО, АҚШнинг Ғарбий Мичиган университети лойиҳаси бўйича 3 минг доллар, ЮНЕСКО ҳамда Германия фан ва технология вазирлигининг "Орол денгизи" лойиҳаси бўйича 17 минг долларлик миқдордаги илмий тадқиқот ишлари бажарилган эди. Бугунги кунда НАТОнинг 2002-2003 йилларга мўлжалланган "Фан ва тинчлик учун" дастури асосида қиймати 180 минг АҚШ долларига тенг бўлган лойиҳа бўйича илмий тадқиқот ишлари давом эттирилаётир.

Бундан ташқари, Москва, Киев, Красноярск Давлат университетлари, Украинадаги Кибернетика, Қозоғистон Республикасининг Археология институтлари билан манфаатли ҳамкорлик шартномалари тузганмиз.

— Компьютер бугунги кунда нафақат таълимнинг, балки халқ хўжалигининг бошқа тармоқларини ҳам кенг миқёсда қамраб олди. Университет педагог жамоаси ҳам компьютер технологияларига бевосита мурожаат қилиб, таълимни ривожлантириш хусусида қайғураётгандир?

— Ҳозир компьютерни билмаслик айб, чунки унинг эндиликда мўъжизалиги қолмади. Хабарингиз бор, кейинги бир йил ичида компьютер технологияларидан фойдаланишни яхшилашга доир иккита муҳим қарор қабул қилинди. Албатта, қарор ҳаётда ўз амалий ифодасини топиши лозим, деб ўйлайман.

Ҳозирги вақтда интернет тармоғига уланган тўртта синф ишлаяпти. Информацион технологиялар марказига кирмаган, компьютерда ишламайдиган ўқитувчи ҳам, талаба ҳам кўп нарса ютқазади. Бу ерга 40 миллион сўмлик энг сўнгги русумдаги технологиялар келтирилган. Кутубхона, кадрлар бўлими, бухгалтерия, маркетинг - ҳамма-ҳаммаси компьютер билан ишлайди. Бу нимани билдиради? Масалан, кутубхонадаги компьютерда ўқув адабиётлари бўйича маълумотлар банки сақланади. Кадрлар бўлими барча ходимлар ҳақидаги маълумотларни компьютерга жойлаштирган. Бухгалтерия эса ҳисоб-китоб... Маркетинг бўлими ҳам компьютерга таянади.

— Янги 2002-2003 ўқув йили ҳам ҳар бир педагогик жамоа олдига ўзига хос вазифалар қўяди. Жумладан, Қорақалпоқ Давлат университети ҳам ўз истиқбол режаларига эга. Бу, сизнингча, нималарда намоён бўлиши керак?

— Биринчидан, таълим сифатида ўзгаришлар ясалиши лозим. Иккинчидан, тайёрланаётган кадрлар тақдирига бефарқ бўлишга ҳаққимиз йўқ. Учинчидан, таълим тизимида у билан боғлиқ бўлмаган муаммо учрамайди. Ҳар бир иш иккинчиси, учинчисига боғлиқ.

Бу ўқув йили миллий дастурда алоҳида ўрин тутади. Негаки, 2001-2005 йиллар орасида бу ўқув йили ўрта жойда турибди. Дастурда таъкидланадики: *"Таълим муассасаларининг моддий-техника ва ахборот базасини мустаҳкамлаш давом эттирилади, ўқув-тарбия жараёни юқори сифатли ўқув адабиётлари ва илғор педагогик технологиялар билан таъминланади. Узлуксиз таълим тизимини ахборотлаштириш амалга оширилади"*. Булар шунчаки номига қайд қилинган вазифалар эмас.

Бу йил университетимизни бакалавр даражасида битирган 918 нафар, магистратура босқичини тамомлаган 95 нафар ёшлар ўз ихтисосликлари бўйича иш ўринларини топиб олишди. Ўз навбатида давлат режасига асосан, таълимнинг иккала босқичи учун ҳам янги талабалар қабул қилинди. Иш ҳажми ўша-ўша, кўпайса-кўпайдики, камайгани йўқ. Умуман, университетимизнинг кўпсонли, салоҳияти юқори педагог кадрлари ўзларининг серқирра вазифаларини сидқидилдан бажаришга ҳаракат қилишмоқда.

Ҳулкар ТЎЙМАНОВА суҳбатлашди.

МАГИСТР ДАРС БЕРАДИ

Ilk qadam

Олий таълим масканларининг магистратура босқичини тугатган ёшлардан бир қисми илмий педагогик кадрлар тайёрлаш мақсадида ишга тақсим қилинмоқда. Улар ўз мутахассисликлари бўйича бакалаврлик босқичи талабаларига дарс бериш ҳуқуқига эгадир. Байрам муносабати билан биз магистрлик дипломини олган ёшлардан бир неча нафарининг фикрига қизиқдик.

Хуршид Абдулхаев — Наманган муҳандислик-педагогика институти ассистенти:

— Деҳқончиликни механизациялаш мутахассислиги бўйича магистратурага кирганимда, ўзим ўқиган институт ўқитувчиси бўлиш хаёлимга ҳам келмаган эди. Киши хаёлига келмаган даражасига эришса, ўзини жуда ҳам бахтиёр сезаркан.

Ҳозирги пайтда "Технологик машина ва жиҳозлар" кафедрасида ўзимнинг илмий педагогик фаолиятимни бошладим. Мени қишлоқ хўжалигини механизациялаштириш муаммолари қизиқтиради. Магистратурлик тадқиқотим мавзусини яна ҳам чуқурлаштириш ниятидаман.

Профессор А.Валиев, доцентлар Ж.Муҳамедов, А.Акбаров, А.Насриддинов ҳамда илмий раҳбарим Т.Худойбердиевлар қиёфасида биз — собиқ талабалар етук инсонларни кўрганмиз. Мен ҳам улар сингари устоз даражасига эришишни дилимга тугдим.

Илҳом Бекмирзаев — Тошкент Давлат шарқшунослик институти "Исломшунослик" кафедраси ассистенти:

— Бу йил "Россиянинг тарихий ривожланишида исломнинг тутган ўрни" мавзуси устидаги магистрлик тадқиқотимни "аъло" баҳога ёқладим. Айни пайтда ҳам тадқиқотчи, ҳам амалиётчиман ва улар бир-бири билан уйғун тарзда давом этади. Ҳар икки ҳолатда ҳам мен устозларим —Неъматилла Иброҳимов, Илҳомжон Эшонжонов, Бахтиёр Эшонжоновларнинг йўл-йўриқлари ва маслаҳатларига таянаяпман.

1, 2, 3-курсларга араб тили, сиртқи бўлим 4-курс талабаларига "Диншунослик асослари", "Дунё динлари тарихи" фанларидан дарс бераяпман. Илк маротаба ўқитувчилик қилишим. Албатта, бунинг ўзига хос қийинчиликлари, муаммоли вазиятлари ҳам бўлар экан. Аммо маҳоратнинг калити фақат ўрганишда, устозлардан сўраб билишда.

Ота-онам, опаларим Марғилон шаҳридаги турли мактабларда дарс бериб келишмоқда. Мен ҳам уларнинг изидан кетадиган бўлдим. Ва ишонч билан шуни таъкидлашим мумкин: ўқитувчилик касбини пухта эгаллаган кишилар минглаб шогирдлари юрагида яшайди.

Сайёра Ҳидоятова — Тошкент Темир йўл транспорти муҳандислари институти "Чизмачилик геометрияси" кафедраси ассистенти:

— Институтимизда талабаларга дарс бераётган ва ўз умрини ана шундай савоб ишга бағишлаган академик, профессор, доцент, ўқитувчилар, менинг назаримда, ибрат ва тажрибанинг катта мактабини эгаллашган. Уларнинг касбу коридан, жамиятда тутган ўрнидан, обрў-эътиборидан ўрнак олишимиз керак.

Искандар Байгузин, Саидазим Саидмуродов, С.Ниёзбеков, А.Расулов сингари магистрлар ҳам турли кафедраларда ассистентлик қилишяпти. Ўзимиз ҳам талаба эдик, энди эса талабаларга дарс бераяпмиз. Бу биз учун энг қизиқарли машғулот. Катта бир аудиторияда талабалар сени тинглайди ва сендан нималарнидир ўрганади. Билган илмингни билмаганларга тарқатиш, энди англасам, энг савоб иш экан.

Оилавий сулола вакилларининг яна бир яхши хусусияти шундаки, улар "Педагогик ижодкорлик йўли билан таълим тараққиётига" тамойилига амал қилаётирлар.

АДОЛАТ ТАДҚИҚОТЛАРИ

Илм-фан — чексиз уммон. Унинг қаърига кириб, дур ахтариб топиш ҳам машаққатли. Фақатгина темир ирода, ўткир ақл, улкан фидойилик, катта иқтидорга эга бўлган инсонгина бундай шарафга эга бўлиш мумкин.

Ботурхон ака ана шундай заҳматкаш инсон, етук билим соҳиби, жаҳон тан олган машҳур аллома. У босиб ўтган етмиш йилнинг қарийб олтмиш фасли ўқиб-ўрганиш, тинмай изланишга бахшида этилаяпти, десак муболаға бўлмас. Чунки зийрак Ботурхон ёшлигидан илмга қизиқди, ўзбек ва тожик адабиёти сиру асрорини ўрганишга интилди. Айниқса, ўз даврининг таниқли зиёлиси, падари бузруквори Набира-хўжа Валихўжаев ҳамда онаси, бадиий сўз шайдоси Ҳафизахон Тўрахўжа қизининг таълим-тарбияси унинг билимдон инсон бўлиб шаклланишига асосий сабаб бўлди.

Илмий изланишда фаоллик кўрсатиб келаётган Ботурхон ака 1968 йили "Ўзбек эпик поэзияси тараққиёти тарихидан" деган мавзудаги изланишларини якунлаб, докторлик диссертациясини ҳимоя қилди ва бироздан кейин профессорлик илмий унвонига сазовор бўлди. 1974 йилдан то ҳозиргача ўзбек адабиёти тарихи кафедрасини бошқариб келмоқда ва айни вақтда ихтисослашган илмий кенгаш раиси ҳамдир.

Олимнинг салоҳиятини тилда эмас, амалда кўриш мумкин. Бу соҳада Ботурхон аканинг юзлаб мақола, ўнлаб китоблари, турли минбарлардаги кўплаб чиқишлари фикримизнинг ёрқин исботидир. Айниқса, кейинги йиллар Ботурхон аканинг сермаҳсул даври ҳисобланади. Биргина 1993 йили унинг тўртта рисола, қўлланмаси босмадан чиқди. Душанбенинг "Адиб" нашриётида чоп этилган "Рашхаи қалам", Самарқанддаги "Зарафшон" нашриёти маҳсули "Хожа Аҳрори Вали", "Ўзбек адабиётшунослиги тарихи, X-XIX асрлар", Бозорбой Ўринбоев билан ҳамкорликда ёзилган "Бобо Худододи Вали" номли асарлари адабиётшуносликда янгилик эди.

Ботурхон Валихўжаевнинг муҳим тадқиқотларидан бири илму урфон, таҳсил ва билим эгаллаш тарихи билан боғлиқ изланишларидир. Бир вақтлар ўрта осиёликлар ғирт саводсиз, улар ёппасига маданиятни тушунмаган эдилар деган сохта "назария" ҳукмронлик қилган. Мустақиллик имкониятлари ана шу "назария"га зарба бериб, ота-боболаримизнинг нақадар дунёвий билимга эга бўлганликларини исботлашга йўл очди. Ботурхон Валихўжаев асрлар оша Марказий Осиёда ташкил этилиб, бугунги кунгача тараққий этиб келаётган мадрасаи олиялар тарихини яратиб берди. Биргина Самарқанд мисолида Бухоро, Ғиждувон, Хива, Қўқон, Термиздаги мадрасаю мачитлар (хусусан, илм-фан, олий билим масканлари) хусусида мунозарали масалаларни ўртага ташлади.

Кўпчиликнинг меҳрибон устози, дунёвий илм эгаси — аллома, ғайрат ва шижоатга тўла ажойиб инсон, янги тадқиқотлар яратиш иштиёқи билан ёниб юрган Ботурхон Валихўжаевнинг умр йўли сабоқ мактаби деб айта оламиз.

Кудрат ЖЎРАЕВ,
Термиз ДУ профессори,
филология фанлари доктори

ИККИ АСРЛИК ФАОЛИЯТ

Sulola

"Кўк ота" қишлоғи Самарқанд вилоятида хушманзара жойлари, ҳосилқайнар далалари ва боғлари, сарвқомат тераклари билангина машҳур бўлмай, балки нуроний қариялари, ажойиб тарбиячилари, илғор педагоглари билан ҳам эътибор қозонгандир. Бу ерда марҳум, таълим соҳасида узоқ йиллар виждонан меҳнат қилган, она тили ва адабиёти фани билимдони Назар Ҳайдаров хонадонини ҳамма-ҳамма ифтихор билан тилга олади, чунки бу хонадонда илғор педагоглар камол топишган, улар ҳозир ҳам эл-юртнинг эзгу ишларига сабот билан умрларини бахшида этиб келишяпти.

Ўқитувчилар сулоласи бошлиғи Назар Ҳайдаров ўз умрининг 40 йилини ёш авлод тарбиясига бахшида этиб, халқ орасида юксак обрў-эътибор топган эди. Назар отанинг умр йўлдоши Ҳабиба Ҳайдарова ҳам Нарпай туманидаги Бобур номли жамоа хўжалигига қарашли болалар боғчасида 15 йил тарбиячилик қилиб, эл-юрт фарзандларига меҳрини бахшида этди. У ҳозир бир қучоқ неваралари тарбияси билан шуғулланаётир.

От изини той босар, деганларидек, фарзандлар ҳам Назар отанинг йўлини тутишди. Масалан, Нарпай тумани халқ таълими бўлими назоратчиси, тарих фани мутахассиси Назар Ҳайдаров (иш стажи 30 йил), отанинг келини 11-мактабнинг тарих фани ўқитувчиси Ўрол Хайриева (28 йил), қизлари — бошланғич синф ўқитувчилари Ҳиммат Ҳайдарова (30 йил), Зебо Ҳайдарова (15 йил), меҳнат таълими муаллимаси Гўзал Ҳайдарова (12 йил)лар айни кунда ҳам таълим соҳасида фаоллик натижаларини кўрсатишяпти.

Қувонарлиси, учинчи авлод вакиллари ҳам муаллимлик касбини эъзозлаб, ота-боболари изидан боришаётир. Назар отанинг неваралари — жисмоний тарбия ўқитувчиси Учқун Назаров (7 йил), бошланғич синф муаллимаси Дилнавоз Назарова (3 йил), невара келини Зуҳра Ҳакимова (3 йил)лар ҳам сулоланинг муносиб давомчилари бўлишга ҳаракат қилишаяпти.

Отанинг жиянлари — 15-мактабнинг бошланғич синф ўқитувчиси Соҳиба Бобоева (15 йил), физика-математика фани ўқитувчиси Насиба Бобоева (13 йил)лар ҳам ўқитувчилик нонини тотли деб билишди. Агар сулола вакилларининг илм масканларидаги иш фаолиятларини қўшиб ҳисоблайдиган бўлсангиз, у икки асрни ташкил қилар экан.

Оилавий сулола вакилларининг яна бир яхши хусусияти шундаки, улар "Педагогик ижодкорлик йўли билан таълим тараққиётига" тамойилига амал қилаётирлар. Чунончи, таълим жараёнига янги-янги услубларни жорий этиш, юксак самарадорликка эришиш устида сулола вакиллари ўртасида ўтказиладиган баҳслар педагогик фаолиятнинг янги қирраларини очишда муҳим омил бўлмоқда.

— Тўй ёки қандайдир маросим муносабати билан бирон бир тадбирда йиғилишиб қолсак, албатта, сўз мактаб мавзусига, китоб мутолаасига, дарс жараёнига ёки синфдан ташқари ишларга бориб тақалади, - дейди учинчи авлод вакили Учқун Назаров. — Суҳбатлар баъзан қизғин баҳсларга ҳам айланиб кетади. Хусусан, фан кабинетларини бугунги кун талабларида жиҳозлаш, иқтидорли болалар билан ишлаш, фан тестларини тузиш, ўқувчилар билан якка тартибда иш олиб бориш, шунингдек, "Гуруҳлар билан ишлаш", "Мунозара", "Компьютерли ўйинлар", "Муаммоли ўқитиш", "Ақлий ҳужум" каби усуллар билан ўқувчилар фаоллигини ошириш сингари мавзулар теварагида юритилаётган мулоқотларда мен ҳам қатнашаман ва ўзим учун тегишли хулосалар чиқариб оламан.

— Сулола, оталар йўли — фарзандлар камолоти тушунчасига қатъий амал қилаётир, - дейди Нарпай тумани халқ таълими бўлими мудири Жўрақул Холиқов. — Чунончи, оталарнинг педагогика соҳасида тўплаган бой тажрибалари, илғор иш усуллари ёш авлодни тарбиялашда, уларга илм асосларини ўргатишда туганмас хазинадир. Ундан янгиланаётган ва ривожланаётган таълимда унумли фойдалана билиш катта наф келтиради.

Дарҳақиқат, бизнингча ҳам шундай.

Курбонбой МАТҚУРБОНОВ

САОДАТ МУАЛЛИМАНИНГ БАХТИ

Fanimiz fidoiylari

Болаликнинг орзулари бир олам бўлади. Дунёни болалик кўзи билан кўрадиган мурғаккина қалбда не-не орзу-ҳаваслар яшамайди, дейсиз. Шу маънода болаликнинг беғубор кунларини ҳайратлар уммонига қиёслаш мумкин.

Афсуски, 40-йиллар болаларнинг беҳаловат кунлари жуда эрта бошланди. Пахта заводнинг оддий ишчиси Ҳайдарали Мўминов ва Лутфинисо Мўминоваларнинг ёлғиз қизи Саодат бир неча чақирим олисдаги мактабда қатнаб, 8-синфни тугатганида Иккинчи жаҳон уруши бошланиб қолди. Оиланинг икки нафар ўғил фарзанди Ватан ҳимоясига отлангач, барча тенгдошлари қатори 13 ёшли Саодатга ҳам китобини кетмонга, мактабни далага алмаштиришга тўғри келди. Аммо жуда ёшлигидан бадиий китоблар ўқиш жону-дили бўлган қизалоқ кун бўйи далада ишласа-да, кечқурунлари китоб мутоаласини қўймасди. Ҳатто қаҳратон қиш кечалари ёрилиб кетган уй деворларидан кирадиган совуқ изиллашига қарамай, тонгга қадар Навоий, Бедил, Машраб, Қодирийларни ўқигани ҳамон ёдида... Балки изғирин совуқларда қай бир қишлоқдошларида янги китоблар борлигини эшитиб, уни ўқиш учун сўраб борган пайтлари, беғараз, оққўнгил ўқитувчиларнинг меҳрибончилиги, ғамхўрлигидан боши кўкка етган дамларда адабиёт оламига ихлос, мурғак қалбда келажакда она тили ва адабиёт ўқитувчиси бўлиш ҳавасини уйғотган бўлса, ажаб эмас. 53 йилдирки, ана шу ихлос ва ҳавас муаллима Саодат ая Ҳайдаровага енгилмас куч-қувват ҳадя этиб келмоқда. Айни пайтда 74 баҳорни қаршилаган жиккаккина муаллиманинг бу қадар кучли иродали, матонатли эканлиги ҳар қандай одамни ҳаяжон ва ҳайратга солмай қўймайди.

— Болаларни бир кун кўрмасам зерикиб қоламан. Шу боис уйда ўтиришим қийин. Энг қизиғи, ёшим ўтгани сайин қадрдон мактабимга янада қаттиқроқ боғланиб қолаяпман, — дейди Саодат муаллима майин жилмайиб. — Мактаб — муқаддас даргоҳ. Шунинг учун мактабни ўз оиламдек кўриб, ардоқлаб келаман. Чунки ўз ҳаётим ҳамда меҳнат фаолиятим давомида англадимки, чин кўнгилдан, қандай соҳада бўлмасин ўз касбига ихлос қўйиб ишлаган одамнинг албатта, орзулари рўёбга чиқади, эл ардоғига сазовор бўлганимдан мамнунман. Бошқа ҳеч нарсани айтмай, биргина шогирдларимнинг эътибори, эъзози мен учун дунёдаги олий мукофот.

1949 йили Қўқон шаҳридаги муаллимлар тайёрловчи икки йиллик курсни тамомлаб, Фарғона шаҳридаги 33-мактабда иш бошлаган муаллима, ишдан ажралмаган ҳолда 1961 йили Фарғона Педагогика институтининг тил-адабиёт факультетини сиртдан тамомлади. Мана ярим асрдан ортиқроқ вақт мобайнида қадрдон мактабда ёш авлодга илм бериб келмоқда. Ая узоқ йиллар давомида самарали меҳнат қилишида кўплаб устозларининг катта ҳиссалари борлигини ҳамма вақт миннатдорчилик туйғулари билан эслайди. Ўз навбатида ўзи ўқитган Омонжон Йўлчиев директорлик қилаётган 33-мактабнинг тўқсон фоизи ўз шогирдлари, десак муболаға бўлмайди.

— Мустақиллик мактаблари ўқувчилари ўзлари учун яратиб берилаётган имконият ва шарт-шароитларга жавобан фақат аъло баҳоларга ўқишлари зарур, — дейди Саодат муаллима. — Бугун истаган бир чекка қишлоқдаги оддий мактабдаги шароитга ҳам ҳавас қилса арзийди.

Муаллима экилаётган ҳар бир дарахт, иморатга қўйилаётган ҳар битта ғишт, намунали ўтилаётган ҳар бир соат дарс жонажон она юртимизнинг буюк келажагини бунёд этишга муносиб ҳисса бўлиб қўшилажагини яхши билади. Ана шу мақсад йўлида жонбозлик кўрсатиб, ҳаммадан фидойиликни талаб этади. Бизнингча, шунинг учун ҳам Саодат ая бахт қушини изламайди, аксинча, бахт қушининг ўзи келиб устознинг кафтига қўнган...

Ботир ОМОН
Фарғона вилояти

Xotira

ИЛМНИ ҚАДРЛАГАН ИНСОН

Чиноз туманидаги Жўн ариқ бўйида жойлашган 31-етти йиллик тўлиқсиз ўрта мактабга биз ака-ука ва сингиллар қатнардик. Овулдагилар бу илм масканини "Тўлаган ака мактаби"деб, ҳурмат билан тилга олишарди.

Ва лекин, бу номни ҳеч бир жойга ёзиб қўйилганини кўрмасдик. Мактаб анча кенг, тепалик устига пахса деворларда қурилганди. Атрофида ҳозирча ҳеч қандай боғ — бирор мевали дарахт йўқ. Фақат, бир тарафида ўн тупча акация дарахтлари экилганди холос...

Мактаб яқинидан Жўн ариқ ўтган. Айни кунда илм масканининг икки тарафи дарахтзор, соя-салқин, сувлари муздек. Катта тош тўкилган йўл бўйлаб, эски Тошкент қишлоғигача манзарали дарахтлар экилган. Бу ерларни ободонлаштиришда, мактаб қурилишида собиқ хўжалик раҳбари Тилла ота Умрзиёевнинг хизматлари катта бўлган. У қурилишга колхозчиларни жалб қилган ва челакларда сувни қўлма-қўл ташиттириб, пахса девор урдирган.

30-йиллар охирида битган мактабга раҳбар этиб, Тўлаган Рустамов тайинланади. Ўлкан ҳали тўла битмаган, анча тор, ҳали қурадиган жойлари кўп эди. Шароит оғирлигини сезган Тўлаган Рустамов қилинадиган ишлар ҳақида режалар тузиб, болаларнинг яхши илм олиши ҳақида қайғуриб, мактабни илғор мактаблар қаторига олиб чиқади. Кутилмаганда уруш бошланиб қоладию Тўлаган Рустамов жангга жўнайди. Унинг ўрнига умр йўлдоши Тўтихон Юнусбекова мактабга раҳбарлик қилади...

Тўлаган Рустамов 1985 йили вафот этди. Катта кўчага, раҳбарлик қилган мактабига унинг номи берилди. "Тиллаобод" қишлоғи марказида қурилган илм масканининг каттагина хонасида мактаб музейи ташкил этилган бўлиб, мактаб ҳаёти, раҳбарлик, ўқитиш услубиятидан ҳикоя қилади. Унда мазкур мактабдан етишиб чиққан илм соҳиблари, илмни қадрлаган инсонлар расмлари ҳам ўрин олган.

Маҳмуд АҲМЕДОВ,
Ўзбекистон Бадиий академияси Санъатшунослик илмий-тадқиқот институтининг илмий ходими

Ovqatlanish masalasi

СОҒЛОМ АВЛОД – ЮРТНИНГ БОЙЛИГИ

ёхуд мактаб ошхоналарининг бугунги ҳолати қандай?

Ҳозирга келиб, турмушнинг барча жабҳалари қатори, таълим соҳасида ҳам ислоҳотлар изчил амалга оширилмоқда. Жумладан, бугун қад кўтарган янги-янги ўқув муассасалари, адабиётлар, компьютер каби жиҳозлар билан таъминланган ўқиш хоналарининг барча-барчаси фарзандларимиз учун, уларнинг бахти учун хизмат қилади. Лекин, бир масала борки, уни ҳал этмасдан туриб, кўзланган мақсадга эришиб бўлмайди. У ҳам бўлса овқатланиш масаласидир. Зеро, тўйимли ва сифатли овқатланган болагина соғлом ўсар экан, ўз навбатида унинг ақлий органлари яхши ишлайди ва у билимни яхши ўзлаштиради, дунёқараши кенгайиб, тафаккури шаклланади, салоҳияти юксалади.

1994—95 йилларда савдо муассасаларининг хусусийлаштирилиши оқибатида ўқув масканлари ошхоналарига эътибор қаратиш сустлашгани кузатилди. Ва, шундай омиллар натижасида муаммо юзага келди. Яъни, республикамиздаги 9480 та мактабнинг 7800 тасида ошхона ва буфетлар бўлса, уларнинг 50 фоизида технологик асбоб-ускуналар етишмаслиги, борлари ҳам таъмирга муҳтожлиги сезилди. Солиқлар, ижара ҳақи, ёнилғи, электр энергияси ва бошқа тўловлар ҳисобига овқатлар нархи ошиб кетди. Бугун кам таъминланган ўқувчиларга ажратилаётган 35 сўм харажатлар учун етарли бўлмай қолди. Баъзи шаҳар ва туманларда эса шу миқдорда ҳам маблағ ажратилмаётганлиги кузатилди. Устига-устак санитария қоидаларига зид равишда мактаблар ёнида сотилаётган уй пиширикдари, яхна ичимликлар ҳам ижобий ҳол эмас, албатта.

Шу ва шу каби муаммоларга чек қўйиш мақсадида Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 12 декабрдаги 04—13—96-сонли, 2002 йил 21 февралдаги 04—17—12 ва 14 мартдаги 04—14—20-сонли топшириқларига биноан жойларда ўқувчиларнинг овқатланиш аҳволи ўрганиб чиқилди ва бугун умумтаълим мактаблари, олий ва ўрта махсус ўқув юртларидаги ошхоналар ва буфетлар фаолиятини тиклаш, уларни таъмирлаш ва замон талаблари асосида қайта жиҳозлашга жиддий киришилди. Халқ таълими вазирлиги, "Ўзбексавдо" ва "Ўзбекбирлашув" акционерлик компаниялари ҳамкорликда қатор амалий ишларни бажардилар. Жумладан, сентябрь ҳолатига кўра, қишлоқ мактабларининг 80 фоиздан ортиғида янги буфетлар фаолият кўрсатиб, 3600 дан ошиқ мактабларда бу борада таъминот яхшиланди. Айни вақтда уларда 30 турдан ортиқ маҳсулотлар билан савдо қилинаётган бўлиб, нархлар ҳам ота-оналарга маъқул келмоқда.

Фарғона ва Наманган вилоятларида ташкил этилган нонушта марказлари эса ўзининг 80 хилдан ортиқ сифатли озиқ-овқат ва кондитер маҳсулотларини график асосида мактабларга етказиб бераётгани қувонарли, албатта. Фарғонада бюджет ҳисобидан мактаб ошхоналарида 41150 минг сўмлик овқатланиш ўринлари, 3 миллион сўмлик жиҳозлар ўрнатилди ҳамда ҳомий ва оталиқ ташкилотлари томонидан 79,3 миллион сўмлик таъмирлаш ва жиҳозлаш ишлари амалга оширилди. Хоразм вилоятидаги мавжуд 487 та ошхона ва 533 та буфетнинг барчаси жорий таъмирланди. Тошкент вилоятида эса 22230 минг сўм ошхоналарни, 4345 минг сўм технологик ускуналарни таъмирлашга сарфланди. 3915 минг сўмга янги жиҳозлар сотиб олинди. Тошкент шаҳридаги 315 та умумтаълим мактабларининг 360 мингдан ортиқ ўқувчиларига эса мулк шакли турлича бўлган умумий овқатланиш корхоналари ва хусусий тадбиркорлар хизмат кўрсата бошладилар. Хусусан, "Ўзбексавдо" акционерлик компанияси томонидан ҳам шу тизимдаги тармоқлар ҳудудида жойлашган шаҳарлар мактаблари ошхона ва буфетларини таъмирлаш учун 198 млн. сўм, савдо-технологик асбоб-ускуналар харидига 135,5 млн. сўм, инвентарлар сотиб олиш учун эса 281 млн. сўм сарфланди.

Бинобарин, ушбу амалий ишларни ўрганиш, уларни жойларда янада оммалаштириш, бошқа вилоятларда ҳам тарғиб этиш мақсадида 6 сентябрь куни Фарғонада ва 24 сентябрь куни Тошкент шаҳрида "Ўқувчилар овқатланишини ташкил этишни такомиллаштириш, уларни сифатли ва тўйимли маҳсулотлар билан таъминлаш" мавзусида республика кўргазмали семинарлари бўлиб ўтди. Жумладан, Фарғонадаги семинарда халқ таълими тизими, "Ўзбекбирлашув" акционерлик компанияси ҳамда турли мулк шаклидаги умумий овқатланиш корхоналари ва ташкилотларининг мутахассислари Фарғона, Марғилон, Қувасой шаҳарлари, Қиргули, Охунбобоев, Риштон, Қува, Олтиариқ туманларидаги мактабларда яратилган бугунги кун талабидаги ошхоналар билан танишдилар. Айни тугаётган ҳафта аввалида пойтахтимизда ташкил этилган иккинчи анжуманда эса, иштирокчилар Тошкент шаҳрининг М.Улуғбек, Ҳамза, А.Икромов, Юнусобод, Шайхонтоҳур туманларидаги 5 та мактабнинг ошхоналари ҳамда Сирғали туманидаги "Келажак авлод" МЧЖ фаолияти билан танишдилар. Хусусан, М.Улуғбек туманидаги 64-ўрта мактабда айни пайтда 1412 нафар ўқувчи билим олади. Атрофи гуллар ва ўзининг улкан соялари-ни ташлаб турган чинорлар билан ўралган мактабнинг ошхонасига кирсангиз, кишининг ҳаваси келадиган даражадаги ҳолатнинг гувоҳи бўласиз. Боиси, кираверишдаги қўл ювиш хонаси, ундаги гигиена қоидалари талабидаги жиҳозлар озодаликнинг юқори даражада эканлигидан далолат беради. Ошхонада сотилаётган маҳсулотлар тури, уларнинг сифати ва нархлари ҳам кўнгилдагидек. Масалан, 70 граммлик картошкали варақи сомсанинг баҳоси 40 сўм, гўштлисиники 101 сўм. 50 граммли колбасали сендвич 75 сўм. Шунингдек, бир стакан чой 5 (шакарлиси 15 сўм), 1 стакан компот 25 сўмдан. Иссиқ овқатлар ҳам арзон нархларда сотиляпти. Дарвоқе, талаб-таклифлар, давоматлар учун алоҳида дафтарлар тутилган бўлиб, масалан, ҳар бир синф эртага ўзининг нечта ўқувчиси қайси овқат турини истеъмол қилишини тегишли дафтарга ёзиб қўяди. Ана шу буюртмага қараб, эртанги кун таомлари тайёрланади. Бундан ташқари, гепатит, қанд, ичак хасталиклари каби касалликлар билан оғриган болаларга алоҳида парҳез овқатлар тайёрланади. Ошхонадаги фитобарда эса наъматак, кийик ўти, ялпиз каби табиий доривор ўсимликлардан тайёрланган ичимликлар ҳам болажонларнинг соғлом ўсишларига хизмат қилади.

Куни узайтирилган ўқувчилар ва кам таъминланган оилалар фарзандлари учун бериладиган иссиқ овқат, чой ва салқин ичимликлар имкон қадар арзонлаштирилган. Мактаб ошхонасини хусусийлаштирган тадбиркор аёл Насиба Қосимхўжаеванинг айтишича, ҳар куни камида 800 нафар ўқувчи ошхона хизматидан фойдаланади. Шунингдек, кам таъминланган оилаларнинг 21 нафар фарзандлари бепул овқатланадилар.

А.Икромов туманидаги 38 та мактабнинг барчасини сентябрь ойининг бошида "тажриба-синов" тариқасида "Тошкент—нон" уюшмаси тизимида фаолият кўрсатаётган корхоналар таъминотига ўтказиш бўйича лойиҳа ишлаб чиқилди ва мактаблар корхоналарга тақсимлаб берилди.

Бу ҳам бўлса, фарзандларимиз соғлом бўлишлигига хизмат қилади. Зеро, боланинг бир кунда ейдиган овқати шу вақт ичида сарф этилган энергияси ўрнини қоплаши ва ўсишини таъминлаши зарур. Бундан ташқари, узайтирилган гуруҳларни ҳисобга олмаганда, аксарият ўқувчилар 6 соат дарсда бўладилар. Лекин, уларнинг ҳаракатлари чегараланган, ақлий меҳнатлари жисмоний фаолиятларидан анча устунроқ бўлгани сабабли, ўқувчиларда толиқиш кўпаяди. Шу боис, овқатланиш учун вақт ажратиш уларнинг ишлаш қобилияти, кайфияти ва овқат ҳазм қилиш системаси фаолиятига ижобий таъсир қилади. Мана шунинг учун ўқувчиларнинг эрталабки нонушталарига катта эътибор бериш, иссиқ овқат истеъмол қилишларига имкон яратиш зарур.

Бу борада пойтахт ўқув муассасаларига "Келажак авлод" масъулияти чекланган жамият жуда асқотаяпти. "Соғлом авлод" Давлат дастурига мувофиқ "Соғлом авлод учун" халқаро жамғармаси ва "Меҳрли савдо" давлат корхоналари томонидан ташкил қилинган бу кичик корхона ўз истеъмолчиларига мунтазам равишда тўйимли нонушта, қадоқланган пазандалик ва қандолат маҳсулотлари етказиб беради. Германия технологияси билан жиҳозланган комбинат бир кунда 18 минг дона иссиқ нонушта ишлаб чиқариш қувватига эга. Тайёр маҳсулотларнинг бир кунлик ҳажми 2500-3000 донага етади. Энг юқори нархли маҳсулотнинг оғирлиги 60 гр. бўлиб, баҳоси 80 сўмдан ошмайди.

Шифокорларнинг фикрича, болаларда моддалар алмашинуви мураккаб жараён бўлиб, унинг ўзгариши организмда бир вақтда бир-бирига қарама-қарши бўлади. Шунингдек, уларда моддалар алмашинуви катталарга нисбатан 1,5-2 баробар кўпдир. Зеро, озиқ моддалар энергия манбаи ҳисобланар экан, улар организмнинг бир текисдаги фаолияти учун зарурдир. Ўз навбатида, тайёрланган овқатларда оқсиллар, ёғлар, углеводлар, минерал тузлар, витаминлар ва сув бўлиши шарт. Ваҳоланки, шулардан биронтасининг организмда етишмаслиги боланинг жисмоний равишда салбий ҳолатларни юз беришига олиб келади. Биргина оқсилнинг камлиги кам қонлик касаллигини келтириб чиқаради.

Турли ёшдаги болалар учун бир кеча-кундузлик овқат маҳсулотлари миқдори (грамм ҳисобида)

Маҳсулотнинг номи	7-11 ёш	11-15 ёш	15-18 ёш
Қора нон	50	100	135
Оқ буғдой нон	150	250	315
Буғдой уни	20	25	25
Макарон маҳсулоти	10	20	10
Ёрма	40	50	40
Крахмал	5	5	5
Картошка	250	325	325
Сабзавотлар	275	325	325
Мевалар	250	250	250
Қуритилган мевалар	20	20	20
Қанд	60	80	100
Ширинликлар	15	20	20
Ўсимлик мойи, маргарин	5	5	10
Чой	0,3	0,3	0,8
Какао	1,0	1,0	0,5
Қаҳва	3	3	3,5
Гўшт маҳсулотлари	180	120	200
Балиқ маҳсулотлари	50	50	50
Сут	500	500	500
Сариёғ	35	30	25
Творог	35	25	30
Сметана	15	15	20
Пишлоқ	10	10	20
Тухум (сариғи)	50	50	50

Биз қачонки шу нарсаларга тўла эриша олсак, шундагина олий мақсадларимизнинг амалга ошишига етишамиз.

Республика миқёсида ўтказилган Фарғона ва Тошкент семинарлари замирида ҳам мақоламиз аввалида бошлаб санаб келинаётган мақсадларимиз мужассам. Дарвоқе, турли вилоятлардан келган таълим мутасаддилари босқичма-босқич бошқа ҳудудларда ҳам шундай семинарлар ўтказилишини таклиф этдилар ва ўзлари гувоҳи бўлган иш тажрибаларини ўз вилоятларида оммалаштиришни мақсад қилиб олдилар.

Муртазо СУЛТОНОВ,
"Ўзбексавдо" акционерлик компанияси раиси маслаҳатчиси,
Камолиддин АЛИОХУНОВ,
"Ma'rifat"нинг махсус мухбири

МУАЛЛИМИМ – КЎКРАГИМДА МАҚТОВИМ, МУАЛЛИМИМ – МЕНИНГ ҲАЁТ МАКТАБИМ

КЎНГЛИНГИЗ РАНГИДЕК

Сизнинг қоматингиз бардошга тимсол,
Кўнглингиз рангидек сочингиз оппоқ.
Ҳар айтган сўзингиз жавоҳир мисол,
Босиб ўтганингиз ҳар қадам сабоқ.

Ажин-заҳматларнинг алифбосида
Йиллар юзингизга қолдирган дастхат.
Шукрона айтасиз замонни алқаб,
Доимо дуога очиқ қадоқ кафт.

Уйлар фариштали, давралар файзли,
Сизлар борлигингиз бизларга давлат.
Ҳаёт мактабида ўқитувчисиз,
Эзгу амалларга этасиз даъват.

Оқ фотиҳа бериб ҳар иш бошида,
Дуогўйлар, доим омон юрингиз.
Иззату икромда табаррук ёшда
Давр ардоғида даврон сурингиз.

Соҳиба НУРИДДИНОВА,
Учкўприк туманидаги 1-иқтидорли болалар мактаби ўқитувчиси

ФАХРИЙ УСТОЗЛАРГА

Ассалом, улуғ ва азиз касбдошлар,
Устозлик бобида тенгсиз сафдошлар.
Қутлуғ байрамингиз муборак бўлсин,
Улуғ айёмингиз муборак бўлсин.
Барчангиз зиё-нур тараттғучисиз,
Офтобдек онг-шуур яратгучисиз.
Узоқ йил қилдингиз ҳалол, пок меҳнат,
Гоҳ роҳат кўрдингиз, гоҳида заҳмат.
Сиздан таълим олиб, ўсиб унганлар,
Ҳаётда ўрнини топиб, тинганлар.
Гулзорингиз ичра ранг-баранг гуллар,
Сизларни шарафлар, сизларни қутлар.
Сизларга бахт, узоқ умр ёр бўлсин,
Сиз каби устозлар доим бор бўлсин.

Соип МУҲАМЕДОВ,
фахрий ўқитувчи

ТЎЛИН ОЙ МЕНИНГ ДЕ...

Тоғ сенинг ўғлингми яғринлари кенг,
Адирлар қизингми қизғалдоқ таққан?
Шаршара сўзингми гўдак сингари
Чулдираб куйлаши қулоққа ёққан?..

Кўклам гул кўрпангми кўнгил мизғиган,
Шаббодалар алла айтганда майин?
Айт, қуёшнинг нури саховатингми,
Ҳайратим ошади ўйлаган сайин.

Кўкдаги камалак гар хаёлотинг.
Мен сенинг ифоринг — мангу муҳаббат!
Тўлин ой менинг де, юлдуз менинг де,
Сен ўзинг ижодкор, она Табиат!

Фотима КАРОМАТОВА,
Қамаши туманидаги 42-мактаб ўқитувчиси

МУАЛЛИМ

Туроб Тўла шеъри
Маҳмуждон Дадабоев мусиқаси



Олқиш, сизга, меҳрингизга, муаллим!
Меҳригиё зеҳнингизга, муаллим!
Олқиш, қуёш таровати мисоли
Меҳрингизга, сеҳрингизга муаллим!

Муаллимим — кўкрагимда мақтовим,
Муаллимим — менинг ҳаёт мактабим!
Муаллимим ақли билан ораста
Хаёлгинам, орзугинам, матлабим.

Муаллимим — менинг ширин каломим,
Тонг машқидан элга берган саломим!
Муаллимим файзи билан ораста
Келажагим, элу юртим, оромим.

Ушбу қўшиқ қувноқ ва уфори усул билан енгил тантанавор руҳда куйланади. Қўшиқни якка ҳолда ёки беш-олти киши жўрлигида ҳам куйлаш мумкин.

Қўшиқнинг иккинчи банди "Сегно" (қайтариш) белгиси оралиғида авж билан қандай куйланса, учинчи банди ҳам худди шундай ҳолатда куйлаб, такрорланади. Қўшиқ тугагандан сўнг биринчи бандини яна бир бор такрорлаб қўйилса қўшиқ яна ҳам чиройли якунланади.

ТАЪЗИМ

Илк бор қалам тутқазиб қўлга,
Етаклаган нурафшон йўлга,
Қалбларимни этиб маҳлиё,
Ғазаллардан берардинг зиё.

Камалакдек нуринг сочардинг.
Шоир бўл деб орзу қилардинг,
Уқитувчим сен меҳрибоним,
Мен бахтиёр, қиламан таъзим.

Ўткир ПЎЛАТ

СЕН ЯШАШНИ ТОҒЛАРДАН ЎРГАН

Кўкка етиб турса-да боши,
Ин қўйса-да бургут кўксига.
Қаритса-да дунёни ёшш,
Бино қўймас сира ўзига,
Сен яшашни тоғлардан ўрган!
Ёқсалар ҳам бошида олов,
Ёрсалар ҳам бошини қасддан.
Кўксин ўйса минг битта буров,
Илтижолар қилмас ҳар қасдан,
Сен яшашни тоғлардан ўрган!
Кўзларини ўпса-да осмон,
Ўтписа-да парвозлар ундан.
У жилмайиб турибди ҳамон,
Оёғини узмай Заминдан,
Сен яшашни тоғлардан ўрган!

Яйрахон ХАЛИЛОВА,
Баликчи туманидаги 40-мактаб ўқитувчиси

СИЗГА ШЕЪР БИТДИМ БУ КУН

Шогирдларга берганда сабоқ,
Устозларим келасиз ёдга.
Хизмат эт деб эл-юртга ҳар чоқ,
Йўллагансиз мени ҳаётга!
Довонлардан тирмашиб-ошиб,
Ташларкапман ҳаётга қадам.
Элу юртга меҳрим тутташиб,
Бахту иқбол топаман ҳар дам!
Ўқитувчим, улуғ устозим,
Сизни қанча эъзозласам оз.
Мадҳингизга шеър ёзиш бурчим,
Юрагимга берасиз парвоз!

Шаҳло ШОИСЛОМОВА,
Шайхонтохур туманидаги 87-мактабнинг математика ўқитувчиси

ҚАЛБГА СИНГГАН ДУРДОНАЛАР

Муаллим меҳнати шондир,
Тотгани тотли нондир.
***
Меҳнат мевасини шогирддан аяма,
Дўстларга асраги, душманга асрама.
***
Одамнинг йўлини ёритади нур,
Бу нурга келтирма, бирор гал қусур.
***
Қадр гавҳарини йўқотма,
Ота-онангга тош отма.
***
Нуқсонинг бўлса, ўзингга аён,
Яхшига ўйлама келтирмак зиён.
***
Нопок сармоядан семирган бир зот,
Бош қашиб, бир куни, айлайди войдод.
***
Камтар бўлгин, кўпирма,
Устоз шамин ўчирма.
***
Эй нодон, хушомадга учмагин,
Олтин деб гавғони қучмагин.

Болтажон СОДИҚОВ,
Термиз Давлат университети доценти, педагогика фанлари номзоди

МУМТОЗЛАРИМ

Дунё ишин касб этган,
Оллоҳ манглайга битган.
Буюк Темур бош эгган,
Умрин шу йўлга тиккан
Муаллим, устозларим,
Меҳрибон мумтозларим.

Бир ҳарф учун ютган қон,
Зиё учун берган жон.
Тунлари топиб имкон,
Ўқиган илмин жаҳон.
Муаллим, устозларим,
Меҳрибон мумтозларим.

Таъмадан юрган йироқ,
Илмини қилган чироқ.
Атрофида минг ирмоқ,
Сиздан дур гавҳар термоқ.
Муаллим, устозларим,
Меҳрибон мумтозларим.

Карим ТЎЛА,
меҳнат фахрийси
Кармана тумани

ОЛМА ГУЛЛАРИ ДУВ-ДУВ ТЎКИЛГАНДА...

(воқеий ҳикоя)

Мағрур чўққиларга оташ панжаларини тираб қуёш кўринди. Ўчоққесак заранг яссиликлар ўпка тусда. Сўл томонда мовий водий илиқ нурга чўмилади. Шаҳар томонга ўрмалаган йўл баҳор яшиллиги денгизида чўмилаётган аждаҳо каби жилпанглайди. Каттақўрғон — Самарқанд йўлида елиб бораётган машина улкан шаҳарга ошиқади. Узоқларда эса эрталаб шаҳри Самарқандниг осмонга сачилган қуббали миноралари, мовий гумбазларининг садафли жилолари қуёш нурида товланади.

Гулбаҳорнинг нигоҳи толиқди. Орқа ўриндиққа ястаниб кўзларини юмди. Хаёл элтди. Қизиқ, ҳаёт тасодифларга кўмилган. Шўро замонида йигитлар узоқ шарқ ёки шимолий музликларда ҳарбий хизматни ўтарди. Унинг икки акаси ўша замонда ҳам Самарқандда аскарликни ўтаган бўлса, эндиликда ўғли ҳам шу ерда хизмат қиляпти. Аскарни кўргани келган Гулбаҳорлар оиласи — Каттақўрғон — она Ватанини зиёрат этиб қайтишмоқда. Аскар йигитларни ота тупроғи тортганмикан? Отаси...

Зарифжон Латипов. Бу беназир инсон ҳаётнинг чапарастасиз синовларига дош берган, бепарҳез кимсаларнинг туҳмат балоларидан кўп азият чеккан эди, худо раҳмат қилгур. Каттақўрғонниг Тарнов қишлоғидан Довдуққа ҳам ана шу тақдир бўронлари келтирган.

Зарифжон ака кўп қатори фронтга — Ватан ҳимоясига отланганда икки фарзандли эди. Гавдали, чайирлиги учун афсонавий ҳарбий учувчи Алексей Мересьев билан бир сафда хизмат қилган. Ҳаво лайнерини неча бор кўниш ҳолатида душман ҳужумидан сақлаган, қаҳрамон учувчининг мақтовига сазовор бўлган. Жанглардан бирида қатиқ яраланиб қишлоққа жўнатилади.

Тарнов. Туғилган гўша. Умр йўлдоши ва фарзандлари Суннатилла ва Неъматиллолар кўзи тўрт бўлиб кутишмоқда. Уйига эллик қадамча қолган. Шом қоронғусида қўшниси таниб тўхтатди. Қўярда-қўймай уйига олиб кирди. Маълум бўлдики, хотини...

Зарифжон тонг саҳарда ҳеч қандай манзил кўзламай қўшниникидан кетди. Уч йил қон кечиб етдим деганда фарзандлари дийдорини кўра олмади. Бир умрга Тарновни тарк этди. Бу ҳаётнинг илк зарбаси эди.

... Машина силкиниб тўхтади. Гулбаҳор кўзини очганда шаҳарга кираверишдаги чойхонада тўхтаганликларини сезди. Пештоқига "Олчазор чойхонаси" ёзуви битилган ҳовлига киришди. Сўриларга атлас кўрпачалар тўшалган, сув сепилиб ариқлар устига жой ҳозирланган, беданалар гал талашиб сайрашар, чорқирра ҳовуз ўртасида улкан олча дарахти тарвақайлаб ўсган, нишолдага ботирилгандай оппоқ гуллаганди. Чойхоначи елкасида сочиқ билан елиб-югурди.

Ҳовуз лабига келган Гулбаҳорнинг алам ва умидга тўлган хотиралар аравачаси ўрнидан жилганидай бўлди. Олча дарахти шундай гуллаганки, гўё тошаётган сут булоғини эслатар, таҳликали болалигининг маъюс нигоҳига муҳрланган ўша воқеа ҳозир, шу ерда, олча дарахти остида содир бўлаётгандай эди.

... Она каби сергак, кези келганда мардлик ва жасоратга журъатли инсон йўқдир. Қишлоқда "Катта раҳбарлар келармиш" деган хабар тарқалди. Чунки Сирдарё қирғоғидаги Довдуқ қишлоғида ҳам сув тошқини хавфи кучайиб борарди. Ҳатто узоқ туманларга кўчиб кетганлар ҳам бўлди. Лекин...

Кўзини юмган тош отар деганларидек, она жасоратга жазм этди. Барча фарзандларини етаклаб тўғонга борадиган йўл қирғоғидаги олча дарахти соясида "катта раҳбарлар"ни кутди. Машиналар келиб кетаверди. Башаралари жиддий киши лар она болаларини йўлда турмаслик, қатновга ҳалақит бермаслик учун кетишларини буюришди. Лекин Роҳилахоная ўн бир норасидасини бағрига босди, ўрнидан жилмади. Шапка кийганлар ҳам, маҳалла оқсоқоллари ҳам қароридан қайтара олмади.

Узоқда сиёхранг чироқларини айлантириб машиналар оқиб кела бошлади. Сўнгра зулуқдек қора машина яқинлашганда она йўл ўртасига чиқиб иккала қўлини кўтарди. Безовта қарвон каби тормоз чийиллашлари эшитилди. Қора машина... ҳаракалай тўхтади. Бошқаларидан эса бир хил кийинган, бир қўли чўнтагида тундбашара кишилар онани ўраб олишди. Ниҳоят...

Қора машинанинг орқа эшиги очилиб қулранг костюм-шим ва шляпа кийган, баланд бўйли, истарали киши тушиб аёл томонга аста кела бошлади. Она ҳар дақиқани ғанимат билиб раҳбардан олдин мурожаат этди.

— Мен ўртоғингиз Зарифжон Латиповнинг аёлиман, булар болаларим, мана метрикалари, — деди.

Раҳбар қўлларини икки томонга ёзганича хурсандлигини яшириб ўтирмади:

— Ия, ия, булар Латифзоданинг болаларими? Баракалла, баракалла. Зарифжоннинг ўзи қаерда?

Она-болаларнинг маъюс нигоҳидан раҳбар жиддий-лашди:

— Нима гап, келин?

— Ўртоғингиз туҳмат туфайли қамалиб кетганлар, ноҳақ ётибдилар.

Раҳбарнинг чеҳраси тундлашди. Ортидаги раҳбарларга норози қиёфада боқди.

— Сиз диққат бўлманг, келин. Бу ҳақда Матжоноваг ёзинг, ўзим суриштираман, — деди-да, аста чўккалаб беш болқари. Машиналар келиб кетаверди. Башаралари жиддий киши лар она болаларини йўлда турмаслик, қатновга ҳалақит бермаслик учун кетишларини буюришди. Лекин Роҳилахоная ўн бир норасидасини бағрига босди, ўрнидан жилмади. Шапка кийганлар ҳам, маҳалла оқсоқоллари ҳам қароридан қайтара олмади.

Машиналар оқими тўғонга йўл олди. Расмий кишилар шубҳали, маҳалладошлари эса бу оилага ҳавас билан боқарди. Бир соатлар чамасида раҳбарлар қайтишди. Она мунис сиймосини кўз ёшлари билан ювиб ўша қора машинани қузатиб қолди. Машиналар қарвони эпкини кўзғатган майин шабададан олча гуллари дув-дув тўкилган, Гулбаҳорнинг қалин сочлари олабайрок эди.

Бу воқеа бундан роппа-роса ўттиз тўрт йил аввал — 1968 йилнинг баҳорида, олча гуллари дув-дув тўкилганда... эҳтимол шу бугун содир бўлгандир.

Кўп ўтмади. Олча гуллари тўкилиб ғўра бўлганда Латиповлар хонадонида ҳам кўёш балқиди. Зарифжон ота беш йилдан сўнг уйга қайтганди.

... Хотин киёнатидан кўнгли вайрон Зарифжон икки йил турли қишлоқларда ўқитувчилик қилди. 1946 йил Тошкентда дорулфунунда бирга ўқиган дўсти, "Қизил Ўзбекистон" газетаси бош муҳаррири Шароф Рашидов билан учрашди. Зариф ака "Латифзода" таллуси билан битган шеърларидан ўқиб берди. Муҳаррирнинг ғаройиб қобилиятидан ҳайратга тушди. Ўша куниёқ Зарифжонни "Қизил Ўзбекистон" газетасига ишга таклиф этди.

Зарифжон ота беш йилдан сўнг Самарқандга қайтиб келди. Ҳаёт ўзгача кечарди. Ҳамма нарсага қаноат қилиб, ҳеч нарсага ҳавас қилмай, ҳеч нарсага ҳасад қилмай яшаш керак эди. Ҳаёт шундай кечарди. Ҳаёт шундай кечиши керак эди. Ҳаёт шундай кечиши керак эди. Ҳаёт шундай кечиши керак э

"Саломатликни сотиб олиб бўлмайди. Одам шахсан ўзининг доимий меҳнати билан уни қозонса бўлади.

"ҚАЛДИРҒОЧ" ҚАНОТ ҚОҚДИ

Ёшликда қилинган орзу болалик осмони қадар мусаффо бўлади. Бугун китоблик Шаҳло Худойбердиеванинг беғубор орзуси мусаффо осмонда қанот қоқмоқда. У орзу пиллапояларидан тобора юксакка қадам ташлаётир.

Онажон, мен ҳали митти ғунчаман,
Қўлимда хивчину остимда саман.
Келажакка томон парвозим баланд —
Кутади шеърият аталмиш чаман.

Китоб туманидаги 3-ўрта мактабнинг 7-синф ўқувчиси бўлган Шаҳлонинг Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриётида босмадан чиққан "Қалдирғоч" номли шеърлар тўпламидаги "Истак" сарлавҳали шеъри ана шундай эзгу тилаклар билан бошланади.

Онажон, мен ҳали полапон фақат,
Йўлда ким — мусича, ким эса — калхат.
Барибир мен сизга ҳадя айлагум,
Бир китоб! Шаҳло, деб қўйилган дастхат.

Сўз билан юзлашиш изтиробини "бўйнига олган" Шаҳлонинг ушбу шеърий тўпламидаги келажак, ватан, дўстлик, эзгулик мавзулари ҳақида ёзган шеърларида ҳам ёшликка хос иштиёқ, ҳавас, самимийлик мавжудлигини туясиз.

"Саман от" билан парвозга шайланаётган ижодкор ўқувчи Шаҳло Худойбердиевани ўз "Қалдирғоч"и қанот қоқиб, катта шеърият чамани сари етакласа, не ажаб! Негаки, қалдирғоч эзгуликка йўл очувчидир.

Йиллар вужудини ёшликдан йироқлаштиргани сайин кўнгил ул фаслга талпинаверади. Чунки кўнгилда ҳамиша мафтункор бўлган баҳор фасли ҳукмрон. Шу боис ёшликни умр баҳори дейдилар. Умр баҳорининг гулшани эса шеъриятдир. Бирор кўнгил йўққи, бу гулшанга шайдо бўлмаган, бирор қалб топилмайдики, бу гулшаннинг булбули бўлишга интилмаган.

Нуроталик Фахриддин Эрназаров бугунги кунда етмиш ёшини нишонлаётган бўлишига қарамай ҳамон бу гулшан шайдоси. Самарқанд Давлат университетининг филология факультетида таҳсил олиб,

ҚАЛБ САДОЛАРИ ЖАРАЖТИ

1949 йилдан 1993 йилгача Жилонтамғали қишлоғидаги 20-ўрта мактабда ёш авлодга она тили ва адабиёти фанидан сабоқ берган Ф.Эрназаров элга ижодкор-педагог сифатида танилди. Узоқ йиллардан буён шеърлар, мақолалар, лавҳалар ёзиб келаётган халқ маорифи аълочиси, "Шуҳрат" медали соҳиби бўлган педагог-ижодкорнинг шеърлари республика, вилоят ва туман нашрларида чоп этилмоқда. Айтиш жоизки, "Қарияларни қадрлаш йили" ва устоз-мураббийлар байрами кекса ижодкор-педагог учун омадли келди. Байрам арафасида унинг "Қалбим садолари" шеърий тўплами дунё юзини кўрди. Китоб "Ватан ва истиқлол", "Она", "Муаллим", "Болалар — бахтимиз", "Шеър", "Баҳор" ва "Муҳаббат — меҳрнинг гултожи" дея номланган еттита бўлимдан иборат. Ҳар бир бўлимда мавзуга хос битиклар берилган. Шунингдек, тўпламдаги қирқдан ортиқ тўртлик ҳам турли мавзуни қамраб олгани билан аҳамиятлидир.

Яна таъкидлаш ўринлики, тўпламдаги шеърлар тил ва услуб жиҳатдан ҳам бир қадар мукаммал битилган. Нозик поэтик ҳис-туйғуларни ифодалашда сўз ва иборалар ўринли қўлланган.

Бир сўз билан айтганда, "Қалбим садолари" Ф.Эрназаровнинг ҳақиқий "изтироб фарзанди"дир.

Жўракул ИСКАНДАРОВ

"ДАВР НАФАСИ"

Келажакни ўйлаган инсоннинг амали ҳам шунга монанд бўлади. Фахрий педагог Соип Муҳаммедов ана шундай умр кечираётган пиру бадавлат отахонлардан саналади. У деярли қирқ йил мактабда ёш авлодга ўзбек тили ва адабиёти фанидан сабоқ берди, юзлаб ўқувчилар қалбига илм нурини сочди. Бугунги кунда қаерга бормасин, ундан таълим олган халқ хўжалигининг турли соҳаларида астойдил меҳнат қилаётган юртдошларини кўриб, кўнгли кўтарилади, ўз умрининг мазмунли кечаётганидан мамнун бўлади.

Ҳамиша эзгуликни ўйлаган С.Муҳаммедов меҳнат фахрийси бўлишига қарамай, кўнглида кечаётган ўй-фикрларини шеърга солиб, уларни ўқувчилар эътиборига ҳавола этмоқда. Унинг ёзганлари анча йиллардан буён вақтли матбуот саҳифаларида эълон қилинмоқда. Яқинда Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти фахрий педагог-ижодкорнинг "Давр нафаси" деб номланган шеърлар тўпламини нашрдан чиқарди. Ўйлаймизки, тўпламдаги Ватанга муҳаббат, одамийлик тўғрисидаги шеърлар ўқиганларга манзур бўлади.

XX АСР ЎЗБЕК ШЕЪРИЯТИ ТАДҚИҚИ

Ҳар бир янги давр ибтидосида шу чоққача босиб ўтилган йўл–мозийни англаш эҳтиёжи ҳам инсон, ҳам жамият олдида пайдо бўлади. Чунки Бугун ва Эртанинг илдизлари ҳамиша айнан Кечанинг бағрида қоимдир. Шу нуқтаи назардан биз келажак сари қадам қўяр эканмиз, ортимизга назар солиб, ўтмишни яқиндан таниб, ютуқ ва хатолардан сабоқ олишга чоғланамиз. Биз нафақат аср, балки 2000 йилликка якун ясадик. Айтайлик, биргина кейинги юз йил мобайнида фан ва техника соҳасидаги ютуқлар бутун дунё жамоатчилиги эътиборини ўзига ром қилди. Фантехника ривожи натижасида аввалги ҳаёт мароми шиддат билан ўзгарди. Инсон, унинг тушунчалари, дунёқараши, тафаккури, қадриятлари янгиланди. Бу омиллар XX аср кишисини аввалги даврларникидан бекиёс даражада фарқлантириб юборди. Худди шу ўзгарган Инсон адабиётда, жумладан шеъриятда акс этди. Янги юзйилликка ва шу билан бирга янги ижтимоий-сиёсий ҳаётга кириб бораётган кунимизда XX аср Кишисини аввало, тафаккур тадрижи ва унинг ижтимоий-психологик асослари нуқтаи-назаридан тадқиқ қилиш Бугуннинг Эҳтиёжидир.

Яқинда "Янги аср авлоди" нашриётида чоп этилган Улуғбек Ҳамдамовнинг "Бадиий тафаккур тадрижи" номли монографияси юқорида таъкидлаб ўтилган Эҳтиёжнинг ҳосиласидир. Монография ва мақолаларни ўзида мужассам қилган мазкур китоб XX аср ўзбек шеъриятининг тадқиқига бағишланган. Маълумки, янги асрга келиб шеъриятимиз ҳам мазмунан, ҳам шаклан ўзгарди, янгиланди. Тадқиқот объекти жуда катта даврни ташкил этади, бироқ у обзор шаклида эмас, балки унда айнан шу даврда рўй берган бадиий тафаккурдаги улкан силжишлар моҳияти ва қонуниятларини очиб беришга ҳаракат қилинади. Айниқса муаллифнинг ўтган аср адабиётимиз идрокига доир мулоҳазалари ўқувчиларни чуқур мушоҳада юритишга ундайди. Шунингдек, унинг адабиётимиз ривожи хусусидаги теран фикрлари ҳам кишида бир қадар қизиқиш уйғотади.

–Бизнингча, адабиётнинг ривожланиш сири уни айнан бошқа соҳалардан ажратиб турган жиҳатида муайян ижтимоий-тарихий, сиёсий-психологик шароитдаги ва шунинг таъсиридаги Инсонни, унинг онги ва руҳиятини акс эттиришдадир. Шароитнинг, муҳитнинг ўзгариши билан унда яшаётган инсон, унинг дунёқарашию кайфияти ҳам ўзгаради. Янгиланган руҳият эса янги адабиёт учун зарур манба. Бугун жамиятимизда ижтимоий-тарихий бурилиш содир бўлиб, унинг бағридаги инсон катта маънода ЎЗГАРДИ. Лекин шу ўзгарган инсон адабиётимизда ҳали тўлақонли образларда акс этганича йўқ. Хоҳ назмда, хоҳ насрда бўлсин, замонамиз қаҳрамони образлари кўпроқ ва хўпроқ тасвирланса, назаримда, бугунги китобхонлик "даража"си қисман ўсган бўларди,–дея таъкидлайди муаллиф.

Ҳа, бугунги ва эртанги кун адабиёти, жумладан шеъриятимиз тақдири барчани қизиқтиради. Бадиий адабиётимизнинг юксакликка эришишида кечаги кун адабиётидан чиқарилажак сабоқлар муҳим ўрин эгаллайди. Шу маънода Улуғбек Ҳамдамовнинг XX аср ўзбек шеъриятининг тадқиқига бағишланган монографияси ўқувчиларда катта қизиқиш уйғотади, деган умиддамиз.

Фаррух БЎТАЕВ

"ОЧЛИК МЎЪЖИЗАСИ" — САЛОМАТЛИКДИР

"Саломатликни сотиб олиб бўлмайди. Одам шахсан ўзининг доимий меҳнати билан уни қозонса бўлади. Фақат сабот ва тиришқоқлик билан ўз устида ишлаши туфайли ҳар бир киши ўзини серҳаракат, узоқ умр кўрувчи, туганмас саломатликдан роҳатланувчи кишига айлантириши мумкин. Мен ўзим саломатлигимни машаққатли меҳнат туфайли топганман. Шу боис мен йилнинг 365 куни давомида соғман. Менда ҳеч қандай оғриқлар, чарчоқлар, танадаги безовталиклар бўлмайди. Сиз ҳам ана шундай натижаларга эришишингиз мумкин. Бунинг учун ҳар бир киши гигиена ва парҳезнинг маълум қоидаларига риоя қилиши зарур". Бу сўзлар муаллифи америкалик машҳур олим ва амалиётчи Пол Брэггдир. Албатта у бу сўзларини бекорга айтмаган. Яъни у тўқсон ёшида ҳам ҳар куни уч, беш километр масофага югурар, кўп сузар, тоғларга чиқар, теннис ўйнар, рақсга тушар, узоқ масофаларга пиёда сафарга чиқар, тош ва гантел кўтариш билан шуғулланар, океан тўлқинлари устида махсус тахтада чанғидагилик учун нечоғли фойдали ва у одамни ҳамиша тубанлик сари тортувчи нафс йўриғига юришдан халос этувчи, уни руҳий юксалишга элтувчи восита экани қадим замонлардаёқ аниқланган ҳақиқатдир.

"Очлик мўъжизаси" китоби самимият ва илҳом билан таржима қилингани боис асар шавқ билан равон ўқилади. Асар ҳақиқатан ҳам оммабоп, қизиқарли ҳамда ўз саломатлиги тўғрисида қайғурадиган ва уни қадрлайдиган ҳар бир киши учун тушунарли бўлган амалий қўлланма сифатида аҳамиятлидир. Пол Брэггнинг очликнинг фойдаси ва инсон саломатлиги учун аҳамиятини ўз ҳаёти мисолида исботлаб, ўзининг ҳаёт тажрибалари билан йўғрилган "Очлик мўъжизаси" асари Ғарбда кўп миллионлаб нусхада нашр этилиб, ўз мухлисини топган. Ниҳоят унинг ҳали рус тилида ҳам чоп этилмаган бу машҳур асари ўзбек китобхонига туҳфа этилди. Асар Мирзаобод тумани халқ таълими бўлими мудири Ҳамза Эшназаров таржимасида "Янги аср авлоди" нашриёт матбаа марказида чоп этилди.

Очликнинг саломатлик учун нечоғли фойдали ва у одамни ҳамиша тубанлик сари тортувчи нафс йўриғига юришдан халос этувчи, уни руҳий юксалишга элтувчи восита экани қадим замонлардаёқ аниқланган ҳақиқатдир.

Умумхалқ байрами — "Ўқитувчилар ва мураббийлар куни" билан мамлакатимиз олий таълим муассасаларида академик лицей, касб-ҳунар коллежларида ўз қалб қўрини, билимини, салоҳиятини, тажрибасини етук кадрлар тайёрлашга бахш этаётган кўп сонли профессор-ўқитувчиларни самимий табриклаймиз.

Сизга билдирадиган энг эзгу ва соф тилагимиз шулки, шогирдлар э ҳтироми насиб этаверсин!

Илм — бир туганмас чашма! Сиз эса ушбу чашманинг бир кўзисиз. Ўз "Оби ҳаёт"ингизни талаба ва ўқувчиларга тортиқ этишдан асло толиқманг.

МИРЗО УЛУҒБЕК НОМИДАГИ ОЛИЙ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ ЖАМОАСИ

ТАЖРИБА ВА МАҲОРАТ МАКТАБИ

Direktor minbari

Мирзо Улуғбек номидаги Олий педагогика институти

Мамлакатимизда яна бир байрам яқинлашмоқда. "Таълим тўғрисида"ги қонун, Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ва бошқа ҳужжатларнинг қабул қилиниши ҳар томонлама камол топган, маълумотли, янги демократик давлатни қуриш учун зарур бўлган кадрларни тайёрлашга асос бўлди.

Малака ошириш факультетлари, марказлари ва институтларини ташкил қилиш кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш йўлидаги муҳим қадамдир. Президентимиз И.Каримов ташаббуси билан Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети қошида бундан 10 йил муқаддам олий педагогика институти ташкил қилинган эди.

Яқинда институтимиз 10 ёшга тўлади. Ўтган қисқа муддат ичида олий ўқув юртларининг 10 мингдан ортиқ педагоглари, кўплаб кафедра мудирлари, шунингдек, коллеж ва лицей ўқитувчилари малака ошириш, тайёрлаш ва қайта тайёрлаш курсларида ўз билимларини оширишди.

Бу педагогларнинг бир қанчаси ўқиш давомида докторлик, номзодлик диссертацияларини ҳимоя қилишди. Биз мавжуд курсларда нафақат фундаментал, табиий ва ижтимоий гуманитар фанларга оид назарий билимларни, балки амалий кўникмаларни ҳам берамиз. Айни чоғда Президентимиз асарларини, нутқларини ўрганишга, миллий истиқлол ғояси, маънавият ва маърифатни тарғиб қилишга катта аҳамият қаратяпмиз.

Педагогик фаолиятимизда маъруза, семинар машғулотларида янги педагогик ҳамда ахборот технологияларидан фойдаланиш устувор йўналишга эга. Чоршанба кунларида ЎзФАнинг йирик олимлари, академиклар, профессорлар, олий ўқув юртларининг ректорлари, фан ва маданият арбоблари, шоир ва ёзувчилар, Олий Мажлис депутатлари таклиф қилинади. Тингловчилар улар билан юзма-юз баҳс-мунозара юритишади.

Интернет орқали Европа ва Америка мамлакатларидаги малака ошириш институтлари ишлари билан танишамиз. Бизнинг тингловчиларимиз — педагоглар Гарвард, Кембриж, Сорбонна ва бошқа университетлардаги каби малака ошириш-ларини жуда ҳам истар эдик. Кембриж университетига келган тингловчиларга малака ошириладиган ўқув муассасаси жойлашуви кўрсатилган шаҳар харитаси берилади, тингловчиларга компьютердан фойдаланиш ва Интернетга кириш карточкаси очилади. Интернетда у бутун сутка давомида текин фойдаланиши мумкин. Спорт залида шуғулланиш, боғда дам олиш имконияти мавжуд. Тингловчида кутубхонадан фойдаланиш карточкаси қолдирилади. У махсус тилсимга эга бўлиб, исталган вақтда кутубхонага тушади. Тингловчига ёрдамлашувчи, иши бўйича маслаҳат берувчи куратор-профессор тайинланади.

Биз ҳам ўз ишимизда шундай стандартга, гарчи унга эришиш узоқ вақтни талаб қилса-да, интилишимиз лозим. Ўйлаймизки, бу вазифаларни имконият даражасида босқичма-босқич амалга ошира оламиз.

Шамсиддин ШАРОПОВ,
Ўзбекистон Миллий университети қошидаги Олий педагогика институти директори, тарих фанлари доктори, профессор

Taklif

МАТЕМАТИК ВА ФИЗИК ТАЪЛИМДА КОМПЬЮТЕР

Математик таълимнинг фундаментал мақсадлари қаторидаги математик саводни, информацион ва алгоритмик маданиятни, хусусан, мантиқий фикрлаш маданиятини шакллантиришни рўёбга чиқарадиган амалий масалалар муҳитида анъанавий мисолларнинг кўпчилигини малака тавсияномасидан ўчириш, камайтириш ва бошқа долзарб характердагисини топиб алмаштириш лозим, деб ҳисоблаймиз.

Иккинчи вазифа шундан иборатки, математик компьютер дастурларидан фойдаланиш бошқаларидан фарқланади. Масалан, "Матрицалар лабораторияси" ёрдамида техник ва бошқа масалаларни ечиш. Математик масалаларни замонавий дастурий воситалардан фойдаланиб ечиш маданиятини шалклантириш, уларнинг имкониятлари билан таништириш, чегараларини тасаввур қилиш, аввалги усулларга қиёслаш каби янги вазифаларни келтириб чиқаради.

Учинчи вазифа нимани қолдириш, нимани кенгайтириш, нимани янгитдан қўйиш, математик таълим концепцияси, унинг илдизлари, фалсафий асослари, илмий дунёқарашни шакллантиришдаги ролини қайта кўриш асосида ҳал қилиниши керак.

Тўртинчи вазифа шундан иборатки, математикани ва информатикани ўқитиш мазмуни, методикаси бирга, тизимли таҳлил қилиниши ва олинган хулосаларга асосан ташкил этилиши керак. Рекурент алгоритмлаштириш занжирида янги иккинчи ва учинчи қатламлар даражасидаги фаолиятни ўргатиш зарур.

Табиатдаги ҳодисалар, ҳолатлар ва жараёнларнинг асоси ҳақида муҳим назарий ва амалий, фактологик ва методологик маълумотлар, тушунчалар ва тасаввурлар ҳосил қилиш, уларни таҳлил қилиш кўникмаларини ва ёндошув тамойилларини шакллантириш физик таълимда етакчи ўрин тутади. Илмий-техник тараққиёт билан боғлиқ умуммаърифий фан сифатида физика замонавий масалаларнинг қўйилиши, уларнинг мазмунига адекват сифатий ва миқдорий тавсифларни замонавий технологиялар воситалари ёрдамида тузишга ўргатиши керак.

Ш.НУРИТДИНОВ,
институт профессори

КИМГА ҚАНДАЙ ТЕХНОЛОГИЯ АФЗАЛ?

Педагогик технологияни амалиётга бевосита ўқитувчи жорий этади. Шу боис уларнинг технология моҳиятини, илмий асосларини нечоғли англаб олиши ва таълим-тарбия жараёнига қўллай олиш кўникмасини эгаллаши муҳимдир. Ўқув фанини ўқитишда индивидуал технологияларни ишлаб чиқиш нафақат таълимий жараён самараси билан, балки уларнинг алоҳида педагогик фаолияти ва касбий тафаккур усулига айланишига ҳам боғлиқ.

Бугунги кунда педагогик технология ўқув тарбиявий жараёнда қандай ўринни эгалламоқда? Педагог таълимга оид у ёки бу муаммо ечимини топишда қандай технологиялардан фойдаланяпти? Қуйида ана шу саволлар юзасидан ўтказилган тажриба-синов натижаларини таҳлил қилиш асосида берилган жавоблар фоизи келтирилади. Шахсга йўналтирилган таълим технологияси 17,5, муаммоли таълим технологияси 36,7, модулли таълим 52,9, информацион технология 44,6, алгоритмли таълим 14,8, таянч конспекти 23,5, индивидуал таълим 5,8, табақалаштирилган таълим 14, ўқитишнинг техник воситалари 45,2, кичик гуруҳда ўқитиш 11, анъанавий ўқитиш 92.

Ўз-ўзидан кўриниб турибдики, ҳатто ахборот технологияларидан фойдаланиш ҳам талаб даражасида эмас. Ҳали-ҳануз анъанавий "аудитория дарс" тизимида маъруза, семинар машғулотлари устуворлик касб этиб турибди. Шунингдек, олий ўқув юртлари профессор-ўқитувчилари билан ўтказилган сўров натижалари ҳам педагогик технологияларни амалиётга жорий этиш имкониятларини аниқлаштиришга кўмаклашди. "Ўқитиш технологияларига бўлган муносабатингиз?", "Педагогик технология моҳияти нимадан иборат?", "Ўқув предметингиз бўйича жорий этилган педагогик технология мазмуни қандай?", "Таълим жараёнига қандай ёндошаяпсиз?", "Технологияларни лойиҳалашда имкониятларингизни баҳоланг" сингари саволларга берилган жавобларда акс этишича, сўралган ўқитувчилардан 150 нафари яъни, 87 фоизи ўқишни технологик ёндошув асосида ташкиллаштиришни хоҳлайди. 62 фоиз ўқитувчилар педагогик технология моҳиятини аниқ тавсифлаб бера олишди. Қолган 38 фоизи бунинг моҳиятини тасаввур эта олишмади. Айнан ана шу ҳолат технологияларни ўқув-тарбиявий жараёнга татбиқ этишдаги тўсиқдир. Демак, хулоса қилиш мумкинки, ўқитувчилар малакасини ошириш масканларида педагогик технология муаммоларига жиддий эътибор қаратилмоғи лозим.

Нурали САИДАҲМЕДОВ,
институт "Олий таълим педагогикаси" кафедраси мудири

"Бели бақувват" бир тадбиркор бор, опанинг олдида ўзини хижолатли сезиб, "Бу ишни сиз эмас, мен қилишим керак эди" деб қолди.

ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ, ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ, "УСТОЗ" РЕСПУБЛИКА ЖАМҒАРМАСИ

"ЙИЛНИНГ ЭНГ ЯХШИ ДАРСЛИГИ ВА ЎҚУВ АДАБИЁТИ МУАЛЛИФИ"

ТАНЛОВИ ЯКУНЛАРИ ҚЎЙИДАГИЧА:

УМУМИЙ ЎРТА ТАЪЛИМ БЎЙИЧА

Ижтимоий фанларга оид дарслик ва ўқув қўлланмалар:

1-ўрин Сариқов Э., Ҳайдаров Б. "Иқтисодий билим асослари" 8-синф учун дарслик ("Ўқитувчи", 2001 й.) ЎМКХТРИ тавсия этган.

2-ўрин Бегматова О. А., Хусанова Р. Р., Акчурина С. А., Азизова М. З. "Қувноқ ҳарфлар" мактабгача таълим учун ўқув қулланма ("Ўқитувчи", 2001 й.) РТМ тавсия этган.

3-ўрин Мансуров А., Каримова Д., "Мусиқа" 5-синф учун дарслик ("Ғафур Ғулом", 2001 й.) РТМ тавсия этган.

Табиий умумтаълим фанларга оид дарслик ва ўқув қўлланмалар:

1, 2 ўринлар берилмади.

3-ўрин Болтаев Б., Махкамов М., Далиев А., Азларов Т., Абдуқодиров А. "Информатика ва ҳисоблаш техникаси асослари" 8-синф учун дарслик ("Ўқитувчи", 2001 й.) РТМ тавсия этган.

ЎРТА МАХСУС, КАСБ-ҲУНАР ТАЪЛИМИ БЎЙИЧА

Умумтаълим фанларга оид дарслик ва ўқув қўлланмалар:

1-ўрин Исроилов И., Пашаев З. "Геометриядан масалар тўплами" КҲК учун ўқув қўлланма ("Ўқитувчи", 2001 й.) ЎМКҲТМ тавсия этган.

1-ўрин Абдуҳамидов А. У., Насимов Ҳ. А., Носиров У. М., Хусанов Ж. Ҳ. "Алгебра ва математик анализ асослари" Академик лицейлар учун дарслик ("Ўқитувчи", 2001 й.) СамДУ тавсия этган.

2-ўрин Қурбонниёзов Р. "Умумий табиий география" КҲК учун ўқув қўлланма ("Ўқитувчи", 1999 й.) УрДУ тавсия этган.

3-ўрин Аҳмедов А., Тайлоқов Н. "Информатика" КҲК учун дарслик ("Ўзбекистон", 2001 й.) ЎМКХТМ тавсия этган.

3-ўрин Гадоева М. И., Саитова К. Ҳ. "Инглиз тили" КҲК учун ўқув қўлланма, 1- ва 3- қисм ("Ўзбекистон", 2001 й.) БухООЕСТИ тавсия этган.

Мутахассислик фанларига оид дарслик ва ўқув қўлланмалар:

1-ўрин Жумабоев М. "Болалар адабиёти" КҲК учун дарслик ("Ўқитувчи", 2001 й.) ЎМКХТМ тавсия этган.

2-ўрин Иброҳимов И. "Электр машиналари" КҲК учун дарслик ("Ўқитувчи", 2001 й.)

3-ўрин Перегудов Л. В., Жўраев Р. Х., Перегудов С. Л. "Металл кесиш станокларида ишлов бериш" КҲК учун дарслик ("Ўқитувчи", 2001 й.) ОЎМММИ тавсия этган.

3-ўрин Қодиров С. М., Хошимов Д. И., Махмудов F. Н., Ҳошимов А. Д., "Тико автомобили" КХК учун ўқув қўлланма, ("Ўқитувчи", 2001 й.) ТАЙИ тавсия этган.

ОЛИЙ ТАЪЛИМ БЎЙИЧА

Гуманитар ва ижтимоий-иқтисодий фанларга оид дарслик ва ўқув қўлланмалар бўйича мукофотлар тайинланмади.

Математик ва табиий фанлар блокига оид дарслик ва ўқув қўлланмалар:

1-ўрин Шоҳамидов Ш. Ш. "Амалий математика унсурлари" ўқув қўлланма ("Ўзбекистон", 1997 й.) ТТЕСИ тавсия этган.

2-ўрин Миркомилова М. "Аналитик кимё" ўқув қўлланма. ("Ўзбекистон", 1996 й.) ТКТИ тавсия этган.

3-ўрин Отаров А. О. "Есаплаў усыллары" ("Билим", 2001 й.) ККорақолпоқ ДУ тавсия этган.

3-ўрин Норбоев Н., Арғинбоев Ҳ., Абдуллаев Х. "Физикадан амалий машғулотлар" ўқув қўлланма ("Фан", 2001 й.) ТДАУ тавсия этган.

Умумкасбий фанлар блокига оид дарслик ва ўқув қўлланмалар:

1-ўрин Абдуллаев Н. Ҳ., Каримов Х. Ё. "Патофизиология" талабалар учун дарслик ("Абу Али Ибн Сино", 1998 й.) ТошМИ-II тавсия этган.

1-ўрин Шарифхўжаев М., Абдуллаев Ё. "Менежмент" дарслик ("Ўқитувчи", 2001 й.) ТМИ тавсия этган.

2-ўрин Исматуллаев П. Р., Мақсудов А. Н., Абдуллаев А. Х., Ахмедов Б. М., Аъзамов А. А. "Метрология, стандартлаш ва сертификатлаштириш" талабалар учун дарслик ("Ўзбекистон", 2001 й.) ТДТУ тавсия этган.

2-ўрин Ражабов А., Муратов Х. "Электротехнология" талабалар учун дарслик ("Фан", 2001 й.) ТИКХМИИ тавсия этган.

3-ўрин Абдусаломов М., Азизов Х., Баратов М., Бобоқулов С., Зокиров И., Ибратов Б., Кочергина Т., Муҳамедов Р., Оқюлов О., Сайфуллаев Ф., Сархўжаев Б., Тўраев А., Ҳамроев С. "Ўзбекистон республикасининг фуқаролик ҳуқуқи" талабалар учун дарслик ("Адолат", 1999 й.) ТДЮИ тавсия этган

Мутахассислик фанлари блокига оид дарслик ва ўқув қўлланмалар:

1-ўрин Алимова Х. А., Усенко В. А. "Ипакни эшиш" талабалар учун дарслик ("Тошкент", 2001 й.) ТТЕСИ тавсия этган.

2-ўрин Умурзақов Э. К., Ҳамидова М. А. "Қурилиш ишлаб чиқариш технологияси" бакалаврлар учун ўқув қўлланма ("Фарғона", 2001 й.) ФарПИ тавсия этган.

2-ўрин Носиров У. Н. "Қорамолчилик" дарслик, ("Ўзбекистон миллий энциклопедияси" 2001 й.) ТДАГРУ тавсия этган.

3-ўрин Шакамалов К. "Патентоведение" ўқув қўлланма ТДТУ тавсия этган.

3-ўрин Велуконис Г. Ю., Муродов Ш. О. "Основы экологии", учебное пособия, ("Меҳнат", 2001 й.) ҚарМИИ тавсия этган.

Танловда иштирок этиб, юқори баҳоланган қуйидаги дарслик ва ўқув адабиётлари муаллифлари рағбатлантирувчи мукофотлар билан тақдирландилар.

1. Турғунов Т. Т. "Амалий физика" II қисм, ўқув қўлланма, "Ўқитувчи", 2001 й.
2. Тешабоев А., Зайнобиддинов С., Эрматов Ш., "Қаттиқ жисм физикаси", ўқув қўлланма, "Молия", 2001 й.
3. Сиддиқов А. М., "Сонли усуллар ва программалаш" ўқув қўлланма, "Ўзбекистон" 2001 й.
4. Мадалиев Э. У. "Иссиқлик техникаси" дарслик, "Фарғона" 2001 й.
5. Бозорбоев Н., Хушназаров Б., "Қурилиш машиналари" ўқув қўлланма, Тошкент-2001 й.
6. Икромов Т. Х. "Чорвачилик асослари" КХК учун дарслик, "Шарқ" 2001 й.
7. Жўраева З. Р. "Русский язык", учебное пособие для академических лицеев "Шарқ" 2001 й.
8. Юсупова М. Ўзбек тили "Диктантлар тўплами", "Ўқитувчи" 2001 й.
9. Толипова Р., Ниязова З., Мавлянова З. "Русский язык" учебник для 4-класса ("Ўқитувчи", 2000 й.) РТМ тавсия этган.
10. Қосимов F. М. "Транспорт корхоналарида менежмент" дарслик "Ўзбекистон" 2001 й.
11. Елина Н. П., Максудова Х. С., Касбекова С. А., Аминова С. К. "Немис тили" ўқув қўлланма ("Тошкент", 2002) ТКТИ тавсия этган.

Savob

Яхшиликни эзгу бўлсин

Тўхтахон Раҳимова савоб учун туғилган аёл. Наманган туманининг Шўрқўрғон қишлоғида бундан бир йил муқаддам опа ўз ҳисобидан "Истиқлол" музейини очган эди.

... Тўрт бўлмадан иборат музей эндиликда гавжум масканга айланди. Келиб-кетувчилар эса кўп, айниқса мактаб ўқувчилари. Тарихдан сўзловчи буюмларни йиққунча, эҳ-ҳе, Тўхтахон опа кимқанча жойларга бормади?

Яқинда, аниқроғи Мустақиллик байрами муносабати билан Тўхтахон опа шўрқўрғонликларга ош берди. Аслида муаллимликнинг нонини еган опанинг ошиб-тошиб ётган жойи йўқ. Эл қатори нафақа пули олади. Фарзандлари ҳам опанинг ниятини тинглай туриб, савоб бўлишини англашди шекилли, бажону дил ёрдам беришди.

Шундай қилиб, опа ёзган байрам дастурхонига шўрқўрғонликларнинг катта-кичиги йиғилди. Аёллар, кампиру чоллар, болабақра, муаллиму тадбиркорлар ҳам. "Бели бақувват" бир тадбиркор бор, опанинг олдида ўзини хижолатли сезиб, "Бу ишни сиз эмас, мен қилишим керак эди" деб қолди. Тўхтахон опа эса мийиғида жилмайиб: "Олдимизда байрамлар кўп, буниси бўлмаса, кейингиси" деб таскин берди.

Тўхтахон опа иқтидорли болалардан 10 нафарига турли ўқув қуроллари, кам таъминланган оилаларнинг 30 нафар фарзандига кийим-кечак ҳадя қилди. Ночор оила болаларининг мактаб формаси опанинг муруввати билан бут бўлди. Оналарининг хурсандлигини айтмайсизми? Минг айланиб, минг ўргулишди, дуо қилишди: "Бирингизга Худо ўнни берсин".

Тўхтахон опа уларнинг дуоларидан таъсирланиб, ҳеч кимга сездирмай йиғлаб ҳам олди. Энг муҳими, нияти ҳосил бўлди. Бу маърака шўрқўрғонликларнинг хотирасига ёзилади, бир умр эслаб юришади. Бу ёруғ оламдан ўтиб кетганингда сени фақат савоб ишларинг билан эслашсин, деб ўйлайди опа. Қанийди, барча аёлларимиз шу опага ўхшаб фикрлашса.

Ҳ.ТЎЙМАНОВА

Суратда: Тўхтахон Раҳимова (ўнг томонда) мактаб ўқувчилари билан.



MAG‘JON JUMABOY

Xotira — tiriklikning bir qismi. U bizni hamisha tahlil qilishga,qiyoslashga, xulosalar chiqarishga o‘rgatadi. Shuning uchun bizda mustaqillikning ilk kunlaridanoq xotira va qadr tushunchalariga katta e’tibor berildi. Qatag‘on qurbonlarini qadrlash haqidagi farmon esa erk hasratida qurbon bo‘lganlarni yodlash barobarida inson erki, Vatan mustaqilligini qadrlash tuyg‘usini uyg‘otishga qaratilgan yangi da’vat, yangi chorlovdir. Qatag‘on biron millat, biron yurtni chetlab o‘tgani yo‘q. Yondosh qo‘shni mamlakat — Qozog‘iston ziyolilarining boshida ham bu ofat yuz bergan. Bizning Cho‘lpon, Fitrat singari ulug‘ siymolarimiz qatorida turuvchi atoqli qozoq shoiri Mag‘jon Jumaboy ham o‘sha qatag‘onlarning qurboni bo‘lgandi.

Mag‘jon Jumaboy 1893 yilda Qozog‘istondagi Sassiqko‘l atrofida yashovchi ko‘chmanchi chorvador oilasida tug‘ilgan. Ilk tahsilini ovuldagi maktabda olgan. Keyin Qiziljar shahridagi jadidlar usulidagi madrasada o‘qib, arab, fors tillarini o‘rgangan va qadim Sharq adabiyoti namunalari bilan tanishgan. Ilk she’rlarini shu yillarda yoza boshlagan.

1910 yilda 17 yoshli Mag‘jon Ufaga ketdi va u yerdagi Oliya madrasada o‘qidi. Mashhur tatar yozuvchisi Olimjon Ibrohimovdan tahsil oldi. 1912 yilda uning «Cho‘lpon» nomli birinchi she’riy to‘plami bosilib chiqdi. Shu yillarda u ulug‘ qozoq shoiri va siyosiy arbobi Miryoqub Davlatdan ham ko‘p ta’lim oldi va rus tilini o‘rgandi. «Qozoq» nomli gazeta tahririyatida ishladi.

1913 yilda Ombidagi o‘qituvchilar institutiga kirdi va 1917 yilda uni katta muvaffaqiyat bilan bitirdi. Shu yili Qozog‘iston istiqloli uchun kurash boshlagan Olash O‘rda (Qizil O‘rda) firqasiga kirdi va bu firqa tuzgan Olash O‘rda hukumatining Maorif Komissarligi a’zosi bo‘ldi. Bu hukumat qatag‘onga uchragandan keyin «Hurriyat bayrog‘i» gazetasining bosh muharriri etib tayinlandi.

1922 yilda Mag‘jon Jumaboy Toshkentga keldi. Bu yerda yangi tashkil etilgan Turkiston Jumhuriyati Hukumati tarkibidagi Qozoq-qirg‘iz bilim hay’atiga a’zo bo‘ldi. «Cho‘lpon», «Sana» jurnallari va «Oq yo‘l» gazetasi chiqarilishida katta tashkilotchilik qobiliyatini namoyon etdi.

Mag‘jon Jumaboy 1924 yil oxirigacha Toshkentda yashadi, Abdulla Qodiriy, Cho‘lpon, Fitrat kabi o‘zbek adabiyotining yetakchi namoyondalari bilan yaqin aloqada bo‘ldi. 1922 yilda uning «O‘lanlar» nomli, 1923 yilda Toshkentda «Mag‘jon Jumaboyev o‘lanlari» deb nomlangan kitoblari bosilib chiqqan edi. 1924 yil dekabr oyida Moskvada o‘qiyotgan qozoq yoshlarining bir yig‘ilishida Mag‘jon Jumaboy she’rlari marksistik nuqtai-nazardan ta’qiq ostiga olindi. Uning barcha vatanparvarlik she’rlari «tarixni ideallashtiruvchi», «millatchilikni tarannum etuvchi» asarlar sifatida baholandi.

Mag‘jon Jumaboy 1927 yilda Moskvadan Qozog‘istonga qaytib, ikki yil davomida Qiziljar maktablarida o‘qituvchilik qildi. 1929 yilda millatchilikda ayblanib, qamoqqa olindi va Moskvadagi Butirki turmasiga tiqildi. 1935 yilda Maksim Gorkiyning aralashuvi bilan hibsdan chiqarildi. Qiziljarga qaytdi va yana rus tili va adabiyotidan dars bera boshladi. 1937 yilda Almatiga keldi va 30 yanvarda yana qamoqqa olindi. Shundan keyin undan hech qanday xabar bo‘lmadi.

Mag‘jon Jumaboyning asarlari 1929 yildan e’tiboran ta’qiq ostida edi. Uning shaxsi 1954 yilda oqlangan bo‘lsa ham, asarlari 1988 yilgacha ta’qiq ostida qolaverdi. Nihoyat o‘sha yili Mag‘jon Jumaboyning asarlari ham to‘la oqlandi va qozoq tilida ommaviy nashr etila boshlandi.

Miraziz A’ZAM

MEN TUFILGAN YER

Bul yorug‘ga oyoq bosib tug‘gan yer,
Kindik kesib, kirlarimni yuvgan yer.
Qaytib kelmas oltin
yoshlik chog‘imda,
O‘yin o‘ynab men kapalak
quvgan yer.

Tuprog‘ingdan yaralganman,
Vatanim,
Yolg‘oni yo‘q bari
sendan — jon, tanim.
Sendan o‘zga yer men uchun qorong‘i,
Sen quyoshim, cho‘lponimsan,
chamanim.

Suving ta’mi butun jismimga tatir,
Qalin o‘rmon, qiring, suving to‘kisdir.
Keng dalangda o‘yin o‘ynab
to‘ymasdim,
Faqat yurtda botir erlar tanqisdir.

Yeng shimarib, qo‘zi quvlab, yugurdik,
Goh yomg‘irda qolib rosa ivirdik.
Tunda toshdek qotib uxlab, kunduzi,
Asov toydek har yon sakrab irg‘irdik.

Odam boshi Tangri uchun bir to‘ptosh,
Qanday tepsa, shunday
sakrar sho‘rlik bosh.
Kim biladi, men ham uchib ketarman,
Ona yerim, seni tashlab yoppa-yosh.

QURBING

Dunyo o‘yin maydonimas, mehnat yeri,
Halol ish ishlaganga ziynat yeri.
Dunyoning bir bo‘lagi bo‘lolmassan,
Oqmasa manglayingning achchiq teri.

Dovullardan qo‘rqma,
intil, kurashga tush!
Nimasi bu: «Olma pish, og‘zimga tush!»
Ish qilmasang o‘larsan bekorlarga,
Qurg‘oqda qayiq yurmas,
mavjlarni quch.

ONAMGA

Qachonlardir tushlarim yo o‘nglarimda,
Seni istab big‘illagan tunlarimda.
O‘ngu so‘lni, o‘t va suvni farqlolmagan,
Kuch-quvvatsiz esi chala kunlarimda,
Quchog‘ingga olding, suyding meni, onam,
Ranjimasdan aytgan so‘zing: «voy, jon bolam!»
Issiq-sovuq, kundan, yeldan avaylading,
Asrab, saqlab, menga bo‘lding sen boshpanam.
Tunda turib, tun uyqungni to‘rtga bo‘lding.
«Tinch uxlasin» deb oz so‘ylab, ozroq kulding.
Gar ingrasam, qornim ochmi, sovqotdimmi,
Bir qarashda fahmlading — aniq bilding.
«Ko‘zginamning qorasisan, jonim» deding.
Suyding, quchding, so‘ng yana «arslonim» deding.
G‘oz-g‘oz tursam yo yayrasam yo qulasam,
Yo yig‘lasam — har vaqt sevib kulimsading.
Jonim onam,oq ko‘ngilli,ipak tilli,
Safarlarim boshlaganda uzoq yo‘lli.
Qolib ketsam chet ellarda duoda bo‘l,
Duolaring har vaqt menga keladi qo‘l.

HAQIQIY BAYRAM

Guvlaydi daryo,
Gurlaydi daryo.
Daryo yuzida to‘lqin o‘ynaydi.

Ko‘piklar sochib,
Har yonga sapchib.
Ko‘ringan zotni sokin qo‘ymaydi.

To‘lqindan qo‘rqmay,
Dovuldan hurkmay.
Mindik qayiqqa besh
ulfat shaxdam.

Sog‘-omon o‘tsak,
Manzilga yetsak,
O‘shanda bizning
haqiqiy bayram.

ALDAMCHI UMR

Ayyor umr bizga zahar tutar ildam,
Yonib bitar so‘ngra odam misoli sham.
Meni bugun qora qayg‘u bosayotir,
Ko‘zlarimdan oqayotir mo‘ldirab nam.

Umr xuddi sham singari yonib bitar,
Oltin umid zanglar, so‘ngra o‘lib ketar.
Kechagi kun — qo‘ynimdagi shirin xayol,
Olislardan menga qarab kulib o‘tar.

Shamoldagi qora tutun — yolg‘on umr.
Umid o‘lar, qoraygancha misli ko‘mir.
Umid kabi ko‘pga bormay o‘lgum men ham,
Kaltaklangan yuragimga ayon bu sir.

Mening umrim ko‘z o‘ngimda o‘layotir,
Olislagan xayol mendan kulayotir.
Umr so‘nar, umid so‘nar, nima qolar?
Mo‘lt-mo‘lt qilib ko‘zimga yosh kelayotir.

GULSIZ BULBUL NIMA?

Qolsa gulsiz —
Bulbul unsiz,
Jo‘ngina qushdir chuvak.

Unsiz umr —
So‘ngan ko‘mir,
O‘tsiz yurak — bo‘sh g‘ovak.

QORONG‘ILIK QUYUQLASHIB KELADI

Qorong‘ilik quyuqlashib keladi,
O‘choqdagi cho‘g‘lar asta so‘nadi.
Qiziq bilib yonimdagi yosh bola,
So‘ngan cho‘g‘ga
puflab-puflab kuladi.

Cho‘g‘ sirtidan mitti
uchqun uchdi-da,
Birozgina qizil tusga tushdi-da,
Zumda so‘nib yana kulga aylandi...
Ostidagi issiq kulni quchdi-da!

O‘choqdagi cho‘g‘lar asta so‘nadi,
So‘ngan cho‘g‘ni puflab,
bola kuladi.
O‘y bosdimi va yo ko‘zim toldimi,
Mo‘lt-mo‘lt qilib ko‘zimga
yosh keladi.

Qozoqchadan Miraziz A’ZAM tarjimalari.

МУНДАРИЖАСИ БОЙ ТЎГАРАК

1989 йилда Хўжаобод туманидаги 21-ўрта мактаб қошида "Хаттотлик санъати" тўгараги ташкил этилган эди. Бу тўгаракка мактабдаги ёзув санъатига, ҳуснихатга (араб, кирилл ва лотин ёзувларига) қизиққан иқтидорли ўқувчилар қабул қилиниб, олий тоифали ўқитувчи, Республика халқ таълими аълочиси Ўсарбек Қорабоев раҳбарлик қилди. Заҳматкаш ўқитувчи тайёрлаган замонавий фан кабинети техника воситалари, кўргазмалар, тарқатма материаллар маънавиятимиз асоси бўлган хилма-хил қўлёзмалар билан бойитилди. Машғулотлар ниҳоятда қизиқарли бўлганлиги сабабли унинг нуфузи ортиб борди. Ўқувчилар нафақат чиройли ёзув қоидалари, балки кўргазмали қуроллар тайёрлаш каби мураккаб жараёнларни ҳам уддалай бошладилар. Туман ва вилоят кўргазмаларида намойиш этилган тўгарак ишлари Республика ўқув-методика маркази томонидан ҳам маъқулланди. Мактабда Республика илмий-методик семинари ўтказилди. Тўпланган тажрибалар оммалаштирилди.

Маъқул деб топилган кўргазмалар тўплами Тошкентдаги "Геодезия" нашриётида чоп этилди. Тўгарак иш фаолияти эса Тошкентдаги Марказий Республика қишлоқ хўжалиги кўргазмасида намойиш этилиб, II даражали диплом билан тақдирланди.

Йиллар ўтди. Иқтидорли ўқувчилар кўпайган сари унинг машғулотлари мазмуни ҳам бойиб борди. Энди ўқувчилар талабига кўра, нафақат ҳуснихат, балки бадиий ижод турлари, шеър, ҳикоя, ғазал ёзиш, халқ оғзаки ижоди, тасаввуф ҳақидаги янги машғулотлар ҳам олиб борилди.

Ва, ҳатто мундарижаси бойиган тўгаракка мактаб ўқувчиларидан ташқари, собиқ ўқувчилар — университет ва билим юрти талабалари, ёш ўқитувчилар ҳам келиб қўшилди.

Энг қувончлиси, тўгарак аъзоларидан ўқитувчи Сарварбек Қорабоевнинг хаттотлик ишлари, 11-синф ўқувчиси Зайнабхон Ҳайдарованинг халқ оғзаки ижодига оид ишлари республика миқёсида, Андижон Давлат университети талабаси Хилолахон Қорабоеванинг мақолалари вилоят кўрик-танловларида фахрли ўринларни эгаллади.

О.СИДДИҚОВ

СИНФДОШЛАР УЧРАШУВИ

Инсон ким бўлишидан қатъий назар, меҳрибон устозларини, қадрдон мактабини, азиз синфдошларини унутмайди. Айниқса, орадан анча йиллар ўтгандан кейин улар билан учрашганда кўнгиллар ҳаяжондан энтикади.

Яқинда Вобкентдаги 16-мактабда бўлиб ўтган синфдошларнинг 20 йилдан сўнгги учрашуви ҳам устоз ва ўқувчилар қалбини шодликка тўлдирди. Илм даргоҳини 1982 йилда битирган 67 нафар синфдошлар қадрдон синф хоналарига кириб, устозлари билан дийдор кўришдилар. Ўн йил таълим олган мактабларининг ниҳоятда обод бўлиб кетгани, компьютерлар билан жиҳозлангани уларни беҳад қувонтирди. Шогирдлар устозларига чексиз иззат-икром кўрсатиб, дил изҳорларини айтдилар.

Ўқувчиларнинг бири ҳоким ўринбосари, бири хўжалик бошқармаси раиси, бошқалари агроном, шифокор, ўқитувчи бўлиб, турли касб-ҳунарларни эгаллаб, элга хизмат қилаётганидан устозлар жуда мамнун бўлишди.

Вобкент туман ҳокимининг ўринбосари Қаюм Саломов синфдошлари номидан ўқитувчиларига эсдалик совғаларини топширди. Майсара Ҳайитова, Марзия Исломова, Хосият Салимова, Гулшод Хаметова, Очила Ярашева, Соли Бердиев, Ноила Абдураҳмонова, Макарим Аслонов каби муаллимлар кўрсатилан ҳурмат-эътибордан беҳад хурсанд бўлдилар.

Маҳбуба ХОЛОВА
Бухоро вилояти

"ГЎЗАЛ"НИНГ ҚУЧОҒИДА

Қорақалпоғистон Республикаси Бўзатов тумани халқ таълими бўлимига қарашли 3-сон "Гўзал" болалар боғчаси жамоаси ёш авлод тарбияси йўлида астойдил меҳнат қилиб, қувончли натижаларни қўлга киритмоқда.

— Ҳозирги кунда боғчамизга 40 нафар бола жалб қилинган, албатта. Бу ҳозирги бозор иқтисодиёти муносабатларининг бир инъикоси бўлса, иккинчи томондан бадал пулларининг оз эмаслиги ҳам кўпгина ота-оналарни ўйлантириб қўймоқда. Аммо шунга қарамасдан кичкинтойлар таълим-тарбиясини замонавий талаблар даражасида олиб боришга ҳаракат қилмоқдамиз, — дейди боғча мудираси Нурсулув Ҳамидуллаева.

Тарбиячилар "Учинчи минг йилликнинг боласи" ўқув қўлланмасидан фойдаланган ҳолда ва "Соғлом авлод" дастурига амал қилиб, болаларни миллий қадриятлар, ватанпарварлик, она табиатга муҳаббат руҳида тарбиялашга алоҳида эътибор беришяпти. Боғчада "Соғлом авлод" хонаси ташкил қилинган бўлиб, бу ерда тиббиёт ҳамшираси Феруза Тўраниёзова болаларнинг сиҳат-саломатлигини доимий равишда назорат қилиб туради. Тўйимли ва мазали таомлар билан таъминлаш болалар саломатлигини мустаҳкамлашнинг муҳим омилларидан бири эканлигини яхши англайдиган бу жонкуяр жамоадан ота-оналар ҳам мамнун. Фитобар мавжудлиги ҳам болалар соғлигига ижобий таъсир қилаётганлигини қайд этиш лозим. Шифобахш ўсимлик — гиёҳларнинг илдизлари ёки барглардан қайнатиб тайёрланган турли шарбатлар тиббиёт ҳамшираси назорати остида болаларга вақти-вақти билан ичирилмоқда. Боғчада мониторинг, экология, маънавият ва маърифат хоналари, кичик ўлкашунослик музейи мавжуд. Айниқса, музейда болалар билан тарихий мавзуларда ўтказилаётган қизиқарли суҳбатлар бой маданий меросимизни эъзозлашга хизмат қилиши, шубҳасиз. Ўйин хонасида эса тарбиячилар Монтессор усулида болаларнинг хоҳишига қараб, завқли машғулотлар олиб боришади.

Дарвоқе, боғча тарбиячилари ҳар хил кўрик-танлов ва бошқа тадбирларда муваффақиятли қатнашиб, совринли ўринларни эгаллашмоқда. Жумладан, ўтган йили "Ўзбек тили" фестивалида Қорақалпоғистон Республикаси бўйича мазкур боғча учинчи ўринни эгаллади.

2002 йили ўтказилган "Ўзбекистон Ватаним маним" қўшиқлар кўрик-танловида эса тарбияланувчи Эрбўл Болтаев туманда ғолибликни қўлга киритди. Хуллас, "Гўзал"нинг қучоғида ҳаётимизнинг гўзал гуллари — бахтиёр кичкинтойлар яйраб-яшнаб камол топмоқдалар.

Ғойиб ЁҚУБОВ

"МЕҲР НУРИ ЁҒАР ДОИМ..."

Мамлакатимизда демократиянинг тўла-тўкис қарор топишида ҳуқуқий маърифатнинг ўрни катта. Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш айни пайтдаги долзарб вазифалардан бири ҳисобланади. Бу борада Тошкент Давлат юридик институти устоз ва талабалари томонидан бир қанча хайрли тадбирлар амалга оширилмоқда. Институт профессор ўқитувчилари томонидан яратилган турли монографиялар, дарсликлар ҳамда илмий рисолалар кенг зиёлилар оммаси томонидан чуқур ўрганилмоқда. Жумладан, Вазирлар Маҳкамасининг қарорига асосан бутун республикамиз таълим муассасаларида изчил ўрганилаётган асосий қомусимиз – Конституция мукаммал татбиқ қилинган бир қанча асарлар бунга мисол бўла олади. Институт қошида талабаларнинг беғараз юридик маслаҳатхонаси ташкил қилинган бўлиб, бу ерда аҳолига малакали юридик хизмат кўрсатишда бевосита устозларнинг маслаҳати ва кўмагига таянилмоқда.

Буларнинг барчаси устозларимизнинг бизларга кўрсатаётган ёрдамларининг "денгиздан бир томчи"си , холос. Мураббийларимизнинг малакали, билимдон ва зукко бўлиб камол топаётган ёшларга сарфлаган куч ва ғайратлари чексиз. Шу боис, уларга ҳар қанча юксак ҳурмат-эҳтиром бажо келтирсак шунча оз.

Беҳзод ҒАНИЕВ,
ТДЮИ талабаси

БИЛАҒОННИНГ ЙЎЛИ ЧАРОҒОН

Муқимий номидаги мусиқали драма театрида Гулчеҳра Файзиева асари асосида болалар учун саҳналаштирилган "Билағоннинг йўли чароғон" номли саҳна асари томошабинлар ҳукмига ҳавола этилди. Томошага Акмал Икромов туманидаги 139-ҳамда 281-мактаб ўқувчилари ташриф буюрдилар.

— Ўқувчиларни бу масканга олиб келишдан мақсад, — дейди биз билан суҳбатда 139-мактаб ўқитувчиси Феруза Қодирова, — уларнинг жонли томоша орқали ўқишга бўлган қизиқишларини янада ошириш, билимсизлик оқибатларини ўз кўзлари билан кўриб, хулоса чиқаришларига эришишдир. Спектаклда актёрлардан Маъсуда Юсупова, Иқбол Ошиқов, Наргиза Деҳқонова, Муҳаббат Сотволдиева ва бошқалар қатнашган.

Аброр УМАРҚУЛОВ,
ЎзМУ талабаси

Боғбоннинг ишини осон деб бўлмайди: кўчатни ўтқазиш, уни вақтида суғориб, бегона ўтлардан тозалаб туриш, хуллас уни дарахт қилиб етиштиргунча бўлган барча парвариш ишлари унинг зиммасида. Бундай юмушларни у ҳаёти давомида бир неча юз маротаба амалга оширади — эринмай, оғринмай...

Устозларимиз ҳам шундай: биз шогирдлар тўғри ўсамизми, "бегона ўтлар" таъсирига тушиб қолмасмиканмиз, қачон одам бўламиз... Ўзимиздан кўра улар кўпроқ қайғуришади. Биз, юртимиз келажаги унинг порлоқ бўлиши ўзимизга боғлиқ, деймиз. Лекин, синчиклаб назар ташлайдиган бўлсак, келажагимиз пойдеворининг мустаҳкам бўлиши учун кўпроқ "тер тўкаётган" – устозларимиз бўлади, ватанпарвар устозларимиз.

ЖИҲОЛДАН ЧИНОРЛАР ЯРАТАЙ ДЕЯ...

Ватан тупроғини саждагоҳ билиб,
Довруғин дунёга таратай дея.
Ҳар битта гиёҳин кўзига суриб
Ниҳолдан чинорлар яратай дея,
"Ватан!" деб ёнармиш ватанпарварлар.

Миллатин севса ҳам дилдан севмишлар,
Қадрлаб халқини "она" дермишлар.
Аввало имонин азиз билмишлар,
Ватанни севмоқ бу — имондан дея,
"Ватан!" деб ёнармиш ватанпарварлар.

Устозни қадрлаган юрт ҳеч қачон кам бўлмайди. Қилаётган эзгу ва савобли ишларингиздан сира чарчаманг. Байрамингиз муборак бўлсин, азиз устозлар!

Элмурод НИШОНОВ,
Низомий номидаги ТДПУ қошидаги академик лицейнинг I курс талабаси

НАВОИЙ ПЕДАГОГИКА БИЛИМ ЮРТИ ЖАМОАСИ

Барча таълим ходимларини

"Ўқитувчилар ва мураббийлар куни"

байрами муносабати билан самимий муборакбод этади. Ўзбекистон серқуёш, жаннатмакон ўлка. Бу билан ҳар қанча фахрлансак арзийди. Зеро юртимизда ёшларнинг илм фан ва касб-ҳунар чўққиларини забт этиши учун имконият эшиклари очиқ. Бизнинг эзгу ниятимиз халқ манфаати йўлида ёшларга таълим-тарбия ҳамда касб-ҳунар сирларини ўргатишда серқирра меҳнатимиз билан таълим ислоҳотларини амалга оширишда доим камарбаста бўлишдир.

"Ўқитувчилар ва мураббийлар куни"

байрами шодиёнаси мамлакатимиздаги ҳар бир зиёли, талаба, ўқувчи қалбига қувонч, хонадонига тинчлик, қут-барака ва фаровонлик бахш этсин!

accels

Ўзбекистон Республикаси ўқитувчи ва мураббийларини касб байрами билан самимий муборакбод этади

U.S.-Uzbekistan Awards for Excellence in Teaching

"Ўқитишдаги аълочилик совриниі" дастури

Инглиз тили ўқитувчилари диққатига!
Агар сиз

- 2003 йилнинг ёзида АҚШнинг диққатга сазовор жойларига ташриф буюриш, америкалик ўқитувчилар билан учрашиш, инглиз тили билимингизни такомиллаштириш, компьютерда ишлашни мукаммал ўрганиш, АҚШ тўғрисида ва унинг ўқитиш методикалари билан танишиш имкониятини берадиган 7 ҳафталик малака ошириш семинарида қатнашишни;
- Синфингиз ва мактабингиз учун мукофот (компьютер, принтер, ксерокс машинаси, аудиомагнитофон, инглиз тили дарсликлари, кассеталар, луғатлар ва ҳоказо) ютиб чиқишни;
- Республикада энг яхши инглиз тили ўқитувчиларидан бири бўлишни **истасангиз,**

у ҳолда АКСЕЛСнинг қуйидаги шаҳарларда жойлашган офисларидан анкета олиб тезда тўлдиришингиз ва 2002 йил **16 декабргача** топширишингиз керак.

АКСЕЛС, 700031, Тошкент ш., Конституция кўчаси, 68-уй. Тел:(371) 152 12 81; 152 12 86 **accels@actr.bcc.com.uz**

742000, Нукус ш., Сараев кўчаси., 1, 2-қават (361) 222-89-57, 222-88-67 accels@actrnuk.bcc.com.uz	705018, Бухоро ш., Эшоний Пир кўчаси., 2. (36522) 4-22-46 accels@bukhara.silk.org
703000, Самарқанд ш., Университет кўчаси., 15, СамДУ, 11-хона (3662) 31-18-16, 31-22-08 accels@actrsam.bcc.com.uz	716000, Наманган ш., А. Хўжаев кўчаси., 54, Наманган Давлат Университети (36922) 6-27-50 accels@actrnam.bcc.com.uz

Қатнашиш шартлари:

- Инглиз тили ёки АҚШ мамлакатшунослиги ўқитувчиси бўлиш;
- Ҳозирги пайтда ўрта мактаб, лицей ёки гимназияда дарс бераётган бўлиш;
- Кейинги икки ўқув йили давомида мактабда ишлаш ниятига эга бўлиш;
- Камида 3 йиллик ўқитиш тажрибасига эга бўлиш;
- Сўнгги беш йил ичида Америка Хукумати томонидан ҳомийлик қилинган дастурларда қатнашиб, АҚШда 1 ойдан кўпроқ яшамаган бўлиши.

Ушбу дастурга АҚШ Давлат Департаменти ҳомийлик қилади ва АҚШнинг Ўзбекистондаги элчихонаси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги билан ҳамкорликда ўтказади.

Агар яқин йилларда таклиф этилган дорилар сони учтагина бўлса, мустақилликдан кейин улар сони элликдан ортди.

ЯНГИ АСРНИНГ ЯНГИ АВЛОД ФАРМАЦЕВТЛАРИ

Ўзбекистон мустақиллиги йилларида мамлакатимиз фармацевтика саноати тубдан ривожланди. Бу йўналишда фаолият кўрсатаётган корхоналар сони 50 дан зиёд. Шулардан 15 таси қўшма корхоналардир. Бироқ, бу корхоналарда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар аҳоли эҳтиёжларининг атиги 10 фоизини қондирмоқда. Уларда фаолият кўрсатувчи мутахассисларнинг атиги 1-2 фоизини фармацевт кадрлар ташкил этади.

Ушбу соҳага мутахассис-кадрлар етиштириб берувчи



Тошкент фармацевтика институтида ҳам бугун таълим ислоҳотлари фаоллик билан амалга оширилмоқда. Институт 65 йиллик тарих ва тажрибага эга ўқув даргоҳи ҳисобланади. 1937 йилда ўз фаолиятини бошлаган институт даставвал Тошкент давлат тиббиёт институтининг айрим кафедралари негизида ташкил этилган эди. Ўша йилларда фақат биргина дорихоналарда иш олиб борувчи — фармация мутахассисликлари бўйича кадрлар тайёрланарди. Бироқ, йиллар ўтиши давомида дори воситаларини ишлаб чиқариш саноати тараққий этди. Мутахассислар даражаси ва имкониятлари эса бу илдамлаш билан ҳамқадам бўлолмай қолди. Шу боис, соҳада рўй бераётган ва келажакда кутилаётган янгиликларни ўзлаштириш, уларни таҳлил қилиш ва амалда татбиқ қилишни такомиллаштириш талаб қилинарди. Изланишлар натижасида институт ўқув тизими ҳам такомиллашди ва бир қатор янги йўналишлар очилди.

Ҳозирда бу даргоҳда биотехнология, агроэкология, саноат фармацияси, фармация касб-таълими ихтисосликлари, ихтисослашган кенгаш, шунингдек дори воситаларини стандартлаш илмий маркази мавжуд. Агар яқин йилларда таклиф этилган дорилар сони учтагина бўлса, мустақилликдан кейин улар сони элликдан ортди. Булар хусусида институтнинг «Кимё ва фармация» журналида ахборот бериб борилади. Институтда ўқитувчилар таркибининг, илмий изланишларнинг сифатини яхшилаш, моддий-техник базани мустаҳкамлаш ва кенгайтириш янги асосда йўлга қўйилди. Педагогик жамоа янги Олий фармацевтика таълими концепциясини яратиш ташаббускори бўлди.

Мутахассислар тайёрлаш ва илмий изланишларни юзага чиқаришда катта ҳисса қўшган академик Ё.Тўрақулов, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоблари, профессорлар М.Азизов, А.Муртазоев, Р.Хазанович, К.Иоффе, З.Уманский, Х.Холматовлардан кейинги авлод намояндалари — профессорлар Э.Тошмуҳаммедов, С.Маҳкамов, Л.Икромов, Б.Садриддинов, С.Алимов, Т.Пўлатова ва бошқаларнинг хизмати катта.

Фармацевтика таълими, фани истиқболларини таҳлил қилганда, соҳада юз бераётган глобал ўзгаришларни, айниқса хусусий дорихоналар пайдо бўлганини, янги корхоналарнинг ишлаётганини йирик қўшма корхоналар ташкил бўлганини, бизда бой маҳаллий хомашё заҳиралари мавжудлигини инобатга олмай иложимиз йўқ.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, бўлғуси мутахассислар институтда ноорганик, физик, коллоид, аналитик, органик, биологик, токсикологик ва фармацевтик кимё фанларини чуқур ўрганиб, фундаментал билим оладилар. Шунингдек, физиология, анатомия, патология, ботаника, микробиология, гигиена, фармакология, фармакокинетика, фармакотерапияга ҳам алоҳида ўрин берилган. Бунда асосий эътибор соҳага оид фанлар — дорилар технологияси, фармация иқтисодиёти ва менежменти, фармацевтик кимё, фармакогнозия ҳамда фармакология фанларига ҳам қаратилмоқда.

Islohot odimlari

Ўқитилаётган барча фанлар бўйича маърузалар ва қўлланмаларнинг электрон нусхаларига, соҳага оид мультимедиаларга эгамиз. Электрон дарсликлар ёзиш бошлаб юборилган. Ўқув жараёнига янги педагогик технологиялар ҳамда бошқа воситалар жорий этилмоқда. Интернет тизимининг барча кафедраларга, бўлимларга ва кутубхонага ўрнатилганлиги талабаларнинг жаҳон билимлар маскани билан мулоқотда бўлишига имкон яратмоқда. Ўз сайтимиз орқали биз интернетга ахборотлар узатиб турамиз. Институт видеотека фондида етакчи олимлар, шу жумладан чет эл мутахассисларининг ҳам маърузалари бор, улардан талабалар алоҳида ёки гуруҳ бўлиб фойдаланадилар.

Профессор-ўқитувчиларимиз томонидан 5 та дарслик, 10 дан ортиқ ўқув қўлланмаси чоп этилди, «Фармакогнозия» дарслиги (Х.Холматов, Қ.Аҳмедов) 2000-2001 ўқув йили якунида мутахассислик фанлари бўйича энг яхши дарслик деб тан олинди.

Бу йил "Кадрлар тайёрлаш миллий дастури"нинг иккинчи сифат босқичида талабаларнинг доришунослик илми янгиликларидан бохабар, билимдон бўлишларига эътибор кучайтирилмоқда. Биринчи галда улар дори препаратларининг таркиби, бир-бирига мос келиши, қандай мақсадларда ишлатилишидан бохабар бўлишлари керак. Дори-дармонларнинг биологик самарадорлиги, организмнинг дориларни қабул қилиш даражаси, фармакокинетикаси, акс таъсирларини яхши билишига, таҳлил усулларини синчковлик билан ўрганишларига алоҳида урғу берилмоқда.

Яқиндан бошлаб институт қошида мустақил иш юрита бошлаган «Дори воситаларини стандартлаш илмий маркази»га юқори малакали ёш олимлар бириккан бўлиб, у дори воситаларининг сифатини назорат қилиш, стандартлаш, керак бўлса технологиясини, заҳарлилигини, спецификфармакологик хусусиятларини, клиникагача бўлган тадқиқотларни ўтказишга, патент идорасига, фармакопея қўмитасига тегишли ҳужжатларни тайёрлайди. Илмий марказ энг ноёб асбоб ускуналар, қурилмалар билан жиҳозланган. У ҳозирда турли хорижий фирмалар билан яқиндан алоқа ўрнатган. Шу йилнинг ўзида марказ 26 миллион сўмлик 13 та шартнома бўйича ишламоқда. Яқинда институт "Фортек" фирмаси ва АҚШнинг «Agilent Technologik» компанияси билан ноёб асбоб-ускуналарда ишлашни ўргатувчи доимий тренинг марказини ташкил этишга келишиб олишди. Ҳозирданоқ унга «Ўзфармсаноат», Мудофаа вазирлиги, хусусий фирмалар ва қўшма корхоналардан буюртмалар тушмоқда.

Институтнинг истиқболдаги режалари катта. Аввало, бизга яқин бўлган тиббиёт, иқтисодиёт, технология соҳалари билан фармация соҳасининг интеграциясини кенгайтириш, клиник фармация, ишлаб чиқариш менежменти, саноат иқтисодиёти, косметология воситалари технологияси, ветеринария фармацияси каби янги мутахассисликлар тайёрлашни ташкил этишимиз керак. Замон билан ҳамнафас кадрлар тайёрлаш фақат бизнинг зиммамизда.



Аҳмад ЮНУСХЎЖАЕВ,
Тошкент фармацевтика институтининг ректори, фармацевтика фанлари доктори, профессор

ҚАДРЛИ УСТОЗ ВА МУРАББИЙЛАР!

1октябрь — Ўқитувчи ва мураббийлар куни умумхалқ байрами билан барчангизни қутлаш шарафига муяссар бўлганимиздан чексиз бахтиёрмиз. Сиз азизларни мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган бутун фармацевтлар, тиббиётчилар шунингдек, Тошкент фармацевтика институти раҳбарияти ва жамоаси номидан баркамол авлодни тарбиялашдек шарафли ва масъулиятли ишингизда омадлар ёр бўлишини тилаймиз.

Машаққатли меҳнатингизга бутун халқимиз ва ҳукуматимиз томонидан юксак ҳурмат-эҳтиром кўрсатилмоқда. Ушбу эҳтиромга муносиб меҳнат қилайлик, ўз мақсадларимизга етишиш учун билим ва заковатимизни бахшида этайлик.

ВАТАНИМИЗ ТИНЧЛИГИ ВА ОБОДЛИГИ АБАДИЙ БЎЛСИН!

БОҒБОН МУАЛЛИМ

Ватан — муқаддас тушунча. Ана шу тушунчанинг маъно-моҳиятини теран англаган фарзанд элда азиз бўлади. Зеро, унинг ўй-хаёли, амалга ошириладиган ишлари, ташвишию қувончи юрти, халқининг бахтида. Бухоро вилоятининг Ромитон туманида жойлашган 16-мактабнинг тарих ва ҳуқуқшунослик фани ўқитувчиси Ҳошимжон Нуровни ана шундай Ватан, эл-юрт ташвиши билан яшаётган кишилар сирасига киритиш мумкин.

Фидойи ўқитувчи ҳар гал дарс машғулотларини бошлар экан, аввало ёшларга шу жамиятда яшаш ва билим олиш ҳамда келажакда ишлашдан мақсад нима эканлигини уқтиради. Шунингдек, жамиятни инқирозга олиб келувчи салбий иллатлар ва уларнинг илдизини қуритиш ҳақида сўз юритади. Шунинг учун бўлса керак, Ҳошимжон аканинг устоз сифатида шогирдлари орасидаги ҳурмати анча юқори. Ҳаётда ўзларининг муносиб ўринларини эгаллаган ўнлаб шогирдларининг ҳозиргача ҳам ҳар бир ишда устоздан маслаҳат олишни одат қилишганининг боиси ҳам шундадир, балким.

Устозни нафақат мактаб жамоасида, балки ўзи истиқомат қилаётган Хўжабон қишлоғи аҳли орасида ҳам ҳурмати баланд. Боиси, ўқитувчи ҳуқуқ илмини мукаммал эгаллаганлиги учун ҳамқишлоқларининг ҳуқуқий муаммоларини ҳал этишда бегараз кўмак бериб келмоқда. Бундан ташқари ҳукуматимиз томонидан чиқарилаётган қонунларнинг оддий халқ тушунарли тилда изоҳланиши ҳам устознинг хизмати улкан. Чунки, у киши мактабда ташкил этилган сиёсий ўқиш машғулотлари орқали янги қонунлар моҳияти ва унинг халқ ҳаётида тутган ўрни хусусида кенг жамоатчиликка етказишга интиладилар.

Устознинг яна бир ҳурматга сазовор хусусиятларидан бири қишлоқни кўкаламзорлаштиришга, уни жаннатмакон юртга айлантириш мақсадида боғлар барпо этишга бел боғлаганлигидадир. У киши ўзи яшаб турган ҳовли, қолаверса, маҳалладан тортиб, мактаб ҳовлисигача мевали кўчатлар ўтқазган бўлиб, у ерларни сўлим гўшага айлантирган.

Баҳодир ЖОВЛИЕВ

Xalq ta'limi fidoiylari

Эсимда, эндигина урган қўнғироқ садолари остида биз синфимиз томон ошиқардик. Биринчи дарс она тили. Ҳали ўқитувчимиз кимлигини ҳам билмасдик. Шунда сиз олдимизга келиб, қайси синф эканлигимизни сўрадингиз. Билгач, бизни ўз хонангиз томон бошлаб бордингиз. Дарс бошлашдан аввал ҳар биримиз билан алоҳида танишдингиз. Ҳаётий ҳикоялар, рангбаранг ғазаллар ўқиб, бизни адабиёт олами сари етакладингиз. Ана шундан шеъриятга бўлган қизиқишим аланга олди, десам муболаға бўлмас. "Кимки шеър ёзса, ўзим текшириб бераман", деб кўнглимга учқун

ҒУНЧАЛАР ТИЛАГИ

солдингиз. Митти жуссамга қайноқ муҳаббатингизни жо қилиб, ижод боғининг сархил ғунчаларини қўлимга тутқаздингиз. Бу ғунчаларга сайқал бериб, парвариш қилишни ҳам Сиздан ўргандим. Шу ғунчалар йиллар ўтгани сайин гуллаб-яшнагай, иншооллоҳ.

Шарофат опа, Сиздек мўътабар зот қаршисида бош эгаман. Берган сабоғингиз ҳаёт йўлларимни нурли машъала сингари ёритиб туради. Сиздан Зебунисо, Увайсий, Нодирабегимлар ифорини сезаман. Ана шу буюк сиймоларнинг сурати ним табассум балққан чеҳрангизда намоён.

Чеҳрангизга ҳеч қачон соя тушмасин!

Динара ОРТИҚОВА,
талаба

Асални минг дардга даво, дейдилар.
Гуллардан йиғилган бол ширин бир инъом — асалга айланади.
Ҳозирги вақтда замонавий тиббиёт асалари маҳсулотларидан ишлаб чиқилган дори-дармонларни энг безазар ва шифобахш дея тан олмоқда.
Хусусий фирмамиз ходимлари ана шундай эзгу ниятни диллариға жо этиб, 16 хилдаги турли доривор воситалар устида тадқиқот олиб боришаяпти. Улардан айримлари синовдан ҳам аъло даражада ўтди.
Жонажон Ўзбекистонимиздаги таълим муассасаларида меҳнат қилаётган мўътабар ва шарафли касб эгалари — устоз, мураббийларни байрамлари билан табриклар эканмиз, ўзларига тан сиҳатлик, хонадонларига эса файзу баракот тилаймиз. Ўз шогирдларингиз камолини, ютуқларини кўриш Сиз азиз ўқитувчиларга аъло кайфият бахш этаверсин!
"Ҳамдард Миржамол ҳожи"
хусусий фирмаси жамоаси

ПРОПОЛИС ШАМЧАСИ
ПРОПОЛИС ТАБЛЕТКАСИ
ПРОПОЛИС КАПСУЛАСИ
ПРОПОЛИС ТИНДИРМАСИ
ПРОПОЛИС ПРЕПАРАТЛАРИ
ПРОПОЛИС СУРТМАСИ
ПРОПОЛИС ЭКСТРАКТИ
ПРОПОЛИС МУМИЁ
ПРОПОЛИС ПАСТАСИ

ИШЛАНГАН
ИШЛАНАЁТГАН
РЕЖАЛАШТИРИЛГАН

ТОШКЕНТ ТЕМИР ЙЎЛ ТРАНСПОРТИ МУҲАНДИСЛАРИ ИНСТИТУТИ

Мамлакатимиз олий ўқув юртлари орасида ўзига хос нуфузга эга. Минглаб километрларда ястаниб ётган Ўзбекистон темир йўллари мамлакатимизни ташқи дунё билан боғлайди. Айни пайтда миллионлаб йўловчиларни ўз манзилларига элтиб қўяди.

Мазкур институт эса темир йўл тармоқлари қурилиши, иқтисоди, ишлатиш жараёнини мукаммал биладиган кадрларни тайёрловчи ягона даргоҳдир. Кейинги ўн йил мобайнида бу институтни 4706 нафар муҳандис битирган бўлса, шундан 828 нафари бакалавр ва 41 нафари магистр ҳисобланади.

Институт педагогик жамоаси ва талабалар оммаси ўзининг катта шодиёнаси — 70 йиллик тўйи арафасида турибди. Ана шу муносабат билан бу даргоҳда капитал таъмирлаш ишлари бажарилди. Энг сифатли мебеллар келтирилди. Замонавий технологиялар муҳайё. Бу ерда фарзанди таълим олаётган ота-оналар ҳар қанча фахрланишса арзийди. Чунки илм эгаллаш учун тўла-тўкис шароит мужассам.

Тошкент темир йўл транспорти муҳандислари институти педагогик *жамоаси ўз ҳамкасбларини "Ўқитувчилар ва мураббийлар куни" билан чин дилдан қутлайди ва уларнинг эзгу ишларида омад, зафар ёр бўлишини тилаб қолади.*

Мактаб қўнғироғи — энг буюк садо,
Бу кўҳна ҳаётнинг муқаддимаси.
Дунё вужудида энг суюк аъзо —
Ўлкамнинг муаллим, муаллимаси.

Ta'lim va islohot

РАҚОБАТБАРДОШ МУТАХАССИСЛАР ТАЙЁРЛАЙМИЗ

Халқимизнинг буюк яратувчилик қудрати жисмонан ва ақлан соғломлик билан чамбарчас боғлиқ. Айни шу мақсадда иш олиб борувчи бугунги тиббиёт — жаҳон табобат илми назарияси ва амалиётида муносиб ўрин эгаллаган, дунё тажрибалари билан бойиб бораётган ғоят кенг тармоқли соҳа. Айни пайтда у халқимиз саломатлигини ҳимоя қилиш, ақлан ва жисмонан соғлом авлодни вужудга келтириш билан бирга, Абу Али ибн Сино, Шарафуддин Илоқий, Нажибуддин Самарқандий сингари жаҳон тан олган улуғ бобокалонларимизнинг ишларини давом эттириб, она юртимиз шуҳратини дунёга ёймоқдалар.

Айни мана шу соҳа мутахасисларини тайёрлашга ихтисослашган Иккинчи Тошкент Давлат тиббиёт институтида ҳам таълим ислоҳотлари изчиллик билан амалга оширилмоқда. Институт илмий-педагогик жамоаси томонидан ўтган ўқув йиллари давомида таълим тизимига кўплаб янгиликлар жорий қилинди ва бу жараён бугунги кунда ҳам фаол давом эттирилмоқда. Таълим даргоҳида жамият талабларига тўла мос келувчи тиббий кадрларни тайёрлаш йўналишида юксак касбий мукаммалликка эришиш мақсадида энг долзарб усул ва шаклларни аниқлаш ҳамда самарали қўллаш устида иш олиб борилмоқда. Бу масалани ҳал қилишда талаба-медикларни деонтологик тарбиялаш ва ахлоқий ривожлантириш ишларига бирламчи эътибор қаратилган.

Ўтган давр мобайнида институт жамоаси олдида турган асосий вазифалардан бири тиббий-профилактика ва тиббий-педагогика ишлари бўйича Давлат таълим стандартларини ишлаб чиқиш зарур эди. Ҳар иккала ҳужжат ҳам тайёрланиб, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан тасдиқланди, унга мос янги намунавий ўқув режалари тайёрланди. Давлат таълим стандартлари, ўқув режа ва дастурларининг янги авлоди тайёрланди.

Ўтган ўқув йили ва унинг натижалари ҳозирги директив ҳужжатларга киритилган умумий амалиёт шифокори тайёрлаш ишига янгича қараш учун пойдевор бўлиб хизмат қилди. Институтимизда илк бор тажриба сифатида 7 курс талабалари умумамалиёт шифокорлиги бўйича алоҳида тузилган режага асосан ўқитилди. Ушбу талабаларнинг юксак тайёргарлик маҳоратлари нафақат республика Давлат тест марказига, балки "Саломатлик" дастури ва ЮСАИД халқаро тараққиёт агентлиги тавсия этган мустақил экспертлар гуруҳининг ҳам юксак баҳоларига сазовор бўлдилар. Шунингдек, ушбу талабалар даволаш менежменти, мукаммал ва ўзига хос халқаро лойиҳалар туза билишлари билан кўпчиликни лол қолдирди.

Малакали шифокорларни ўқитиш жараёнида фанлараро интеграцияни қўллаш ва махсус тайёрланган ўқитувчи-тренерлардан фойдаланиш ўзининг ижобий самараларини бермоқда. Янги ўқув йилида 6-7 курс талабаларини ўқитишда айнан шу тизимдан фойдаланган ҳолда 4 та йирик фан блоклари — ички касалликлар, жарроҳлик, доя-гинекология, педиатрияда соғлиқни сақлаш бўйича таълим бериш режалаштирилди.

Соғлиқни сақлаш вазирлигининг туман ва шаҳарлардаги бошқармалари билан яқиндан ҳамкорлик алоқалари ўрнатилганлиги боис, ушбу йўналишда тайёрланаётган умумий амалиёт шифокорлари билимини янада такомиллаштиришнинг турли усуллари ишлаб чиқилди. Талабаларнинг аҳоли билан ишлаш тамойиллари — фаоллик, изланувчанлик ва лойиҳалаш ишларига бирламчи эътибор қаратила бошланди. Умумшифокорлик малакасини эгаллаш истагида бўлган ҳар бир талаба ўқув дастурлари хорижда махсус тайёргарлик ва текширувлардан ўтган, умумшифокорлик амалиётининг барча қирраларини ўзида мужассам этган дастурлар билан мувофиқлаштирилганлиги эътиборга молик. Бу институтда таҳсил олаётган талабаларнинг узлуксиз таълим олишлари, назарий билимлар, янги-янги ахборотларни мустақил эгаллашлари учун муҳим омил бўлмоқда.

Мана уч йилдирки, институтимизда клиникалар учун тор мутахассислар тайёрлаш тизими жорий қилинди. Лекин соғлиқни сақлашнинг бирламчи тизимида поликлиника мутахассислари — эндокринолог, невропатолог, дерматологларнинг ҳозирги вазифаси нималардан иборат бўлмоқда, деган савол кўндаланг турибди. Институт кадрлар бўғинининг бу қисмини тўлдириш мақсадида мазкур фанлар бўйича таълим олиш жараёнида ўқув режасига яна бошқа фанлар, масалан, офтальмология, эндокриногия, жарроҳлик, гинекология, аллергология, ЛОР, дерматология фанларини ҳам киритди. Яъни, талаба иккинчи мутахассисликни ҳам бир босқичда ўқиш имконига эга бўлди. У умумий амалиёт шифокори бўлиш билан бирга дерматология, эндокринология, гинекология ва ҳоказо мутахассисликларга ҳам эга бўлади. Таълимнинг бу тури ривожланган хорижий давлатларда катта амалиёт синовидан ўтган ва бугунги кунда ҳам кенг фойдаланилмоқда. Институтимизда жорий қилинган бу усул албатта ўз ижобий натижаларини беради, деган умиддаман.

Шифокор-педагог, ҳамда шифокор амалиётчиларни шахс сифатида шакллантиришнинг мақсад ва мазмунидан келиб чиққан ҳолда, таълим бериш воситаларини танлай билиши лозим. Олий тиббий таълим жараёнини такомиллаштиришда ўқитувчилар фаолиятини компетентликнинг уч босқичи (яратувчанлик, топқирлик ва ҳозиржавоблик)да лойиҳалаштириш муҳим аҳамиятга эга эканлиги бугун амалиётда ўз исботини топмоқда. Бу борада ҳам ўқув даргоҳимизда бир қатор амалий ишлар қилинмоқда. Жумладан, бир неча йиллардан буён амалиётдан муваффақиятли ўтаётган янги педагогик технологияларни ўқув тизимига жорий қилиш, шундай ижобий натижаларга асосий омил бўлиб хизмат қилмоқда. Янги педагогик технологиялар йили деб номланган 2001 йилда бир қатор педагоглар ушбу йўналишда самарали иш олиб бордилар. Уларнинг ўзига хос услуб ва таълим бериш технологиялари яратилганлиги қувонарлидир. Ушбу педагоглар ўз танлаган янги педагогик технологияларнинг афзалликларини ҳимоя қилган ҳолда турли халқаро ва минтақавий илмий-амалий анжуманларда маърузалар билан иштирок этдилар ва йиғилган кўпчиликнинг эътирофига сазовор бўлдилар. Ижодкор ўқитувчилар қилинган ишлар билан чекланмасдан, доимо изланиш олиб бормоқдалар.

Тиббиёт институти олимлари томонидан ўрганилган кўплаб илмий тадқиқотлар бугун амалиётда самарали қўлланилмоқда. Институт илмий дастури асосан турли касалликларнинг молекуляр механизмларини ўрганиш ва патогенетик даволаш асосларини ишлаб чиқиш ва уларнинг профилактикасига қаратилган. Бу борада ўнлаб ходимлар халқаро анжуман ва сипозиумларда ўз илмий иш натижалари билан қатнашмоқдалар.

Илмий тадқиқот ишларининг сифатли ва ўз вақтида олиб борилиши, илмий педагогик кадрларни тайёрлаш ишлари, асосан олтита — муаммоли, ҳайъат, дипломдан кейинги, тайёрлаш бўлими ва ихтисослаштириган илмий кенгашлар томонидан амалга оширилмоқда. 3 та ихтисослаштирилган илмий кенгаш — жарроҳлик, тиббий-биологик фанлар ҳамда гигиена йўналишлари бўйича иш олиб бормоқда.

Институтимиз ташкил этилгандан буён 100 га яқин докторлик, 350 та номзодлик диссертациялари ҳимоя қилинди. Шунингдек, 96 та монография, 4205 та илмий мақола, 256 та услубий қўлланма чоп қилинди. 80 нафар докторант, 511 нафар аспирант тайёрланади. Клиник ординатура орқали 721 нафар ёш мутахассис ўқитилди.

Шунингдек, 9 та илмий-амалий, 3 та ёш олимлар, 11 та тиббиёт институти жамоаларининг илмий-амалий анжумани ўтказилди. Ҳозирги кунда илмий-педагогик жамоа орасида 110 нафар фан доктори, 270 нафар фан номзодлари фаолият кўрсатмоқдалар.

Жорий ўқув йилида институтимизнинг илк магистрлари битириб чиқадилар. Уролог, доя-гинеколог, кардиолог, патологоанатом, жамоа соғлиғини сақлаш, клиник лаборатория ташхиси ва коммунал гигиена бўйича 3 йил давомида таҳсил олган магистрантлар юксак амалий ва назарий билим ҳамда лаёқатга эга бўлганлиги билан ажралиб турадилар. Бу мутахассислар ўз билим — заковати билан тиббиёт ривожига ўзига хос муносиб улуш қўшишларига ишончим комил.

Янги ўқув йили институтимиз илмий кенгаши қарори билан "Кадрларга, бугунги кун талабларига мослашиш маҳорати ва иштиёқига эътибор йили" деб эълон қилинди. У "Шифокор-педагог — анъаналар ва инновациялар дунёсида" шиори остида ўтади ва қилинажак барча саъй-ҳаракатлар мана шу эзгу мақсадга хизмат қилади. Мазкур шиор ўқитувчиларда педагогик плюрализм, инсонпарварлик психологияси, масъулиятли эркинлик, бутунлик ва ҳаракатчанлик фазилатларини ривожлантиришга туртки бўлади, деган умиддамиз.



Ҳамид КАРИМОВ,
Иккинчи Тошкент Давлат тиббиёт институти ректори, тиббиёт фанлари доктори, профессор

Бугун барпо этилаётган янги ҳаёт, янги жамиятни аввалambор, ўзимиз учун, униб-ўсиб келаётган, бошлаган ишларимизни эртага давом эттирадиган болаларимиз учун қурмоқдамиз.

Ҳеч шубҳасиз, биз бугун ҳаётга кириб келаётган янги навқирон авлодимизга, насл-насабимиз давомчиларига қандай орзу-умидлар билан қараётган бўлсак, келажакда улар ҳам бизга — ўз ота-оналарига ва устоз-мураббийларига худди шундай ғурур ва ифтихор билан қарашини истаймиз, шунга ҳавас қиламиз.

Ушбу қутлуғ байрам арафасида барча ҳамкасб мураббийларни табриклаш асносида иккинчи Тошкент Давлат тиббиёт институти раҳбарияти ва педагогик жамоаси номидан Сизларнинг ҳар бирингизга сиҳат-саломатлик, ишларингизга омад, хонадонларингизга файзу барака тилаймиз!

КЕЛАЖАК АВЛОДНИ ЖИСМОНАН ВА АҚЛАН ЕТУК ИНСОН ҚИЛИБ ВОЯГА ЕТКАЗИШДЕК ШАРАФЛИ ИШИНГИЗДА КУЧ-ҚУВВАТ, САБР-МАТОНАТ ТИЛАЙМИЗ!

Қутлаймиз!

Маънавият

Нашриёти республикамизнинг барча педагоглари ва мураббийларини умумхалқ байрами — "Ўқитувчилар ва мураббийлар куни" шодиёнаси билан самимий муборакбод этади.

Нашриёт томонидан чоп этилаётган дарсликлар ва маънавият мавзусидаги турфа китоблар Сизларга фарзандларимизни билимли ва комил инсонлар сифатида вояга етказишингизда мадад бўлаётганлигидан мамнунмиз.

Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.
Телефон: 136-57-33; 136-58-41; 136-10-68.







НАВОИЙ ВИЛОЯТИ ТЕХНИКА КОЛЛЕЖИ ЖАМОАСИ

Умидбахш орзулар ила кутилаётган "Ўқитувчилар ва мураббийлар куни" байрами муносабати билан барча таълим тизимида меҳнат қилаётган ўқитувчи, устозларни чин дилдан муборакбод этади!

Ушбу байрамнинг кўтаринки руҳи мамлакатимиз қудратини янада мустаҳкамлаш, амалга оширилаётган ислоҳотларни янада жадаллаштириш, халқимиз турмуш даражасини янада юксалтиришда барча таълим ходимларига янги куч-ғайратлар бахш этсин!

Байрамлар шукуҳи дилларни ёруғ этади. Юртимиз жаҳонга чиқди. Эндиликда Ўзбекистонни, унинг ўқитувчи-маърифатпарваларни дунё танийди.

Бу эса меҳнат фаолиятимизнинг жаҳон андозаларига монандлигини таъминлайди.

Бинобарин, Қарияларни қадрлаш йилида ўтаётган бу йилги байрам нафақат кекса устозлар, барча-барчанинг қалбига зиё, муқаддас юртимизга файзу барака, омонлик ва хотиржамлик бахш этсин.

Nobel mukofoti sohiblari

НОБЕЛЬ ЖАМҒАРМАСИДА ТАШВИШЛИ КУНЛАР

(Давоми. Боши 21 сентябрь сонида)

Нобель жамғармасининг асосий вазифаларидан бири мукофотларнинг молиявий жиҳатдан таъминланишини ташкил қилиш ҳамда номзодларни тўғри танлашдан иборатдир. Бундан ташқари жамғарманинг тўхтовсиз ўсиб боришини йўлга қўйиш хам муҳим вазифа ҳисобланади.

А. Нобель ўз васиятномасида кўрсатиб ўтганидек, бу вазифани амалга оширишда қимматбаҳо қоғозлар бозоридан унумли фойдаланиш зарур эди. Жамғарма фаолияти бошланган дастлабки йилларда ишлар ёмон бўлгани йўқ. Лекин йилдан-йилга қимматбаҳо қоғозлардан тушадиган даромаддан олинадиган солиқлар миқдори ортиб борди. 1920 йилга келиб тўланадиган солиқларнинг миқдори, Нобель мукофоти соҳибларига бериладиган пул маблағларидан ҳам ортиб кетди. 1923 йилда эса Нобель жамғармаси Стокголмда энг кўп солиқ тўлайдиган ташкилотга айланди. Бу ноёб жамғармани солиқлардан бутунлай озод қилиш масаласи бир неча бор муҳокама учун қўйилишига қарамасдан, Швеция ҳукуматидаги баъзи бир амалдорларнинг айби билан пайсалга солинаверди. Фақат 1946 йилга келибгина жамғарма Швеция давлатида жорий қилинган асосий солиқлардан озод қилинди. Бу эса, ўз навбатида жамғарманинг асосий маблағларини ва ҳар бир мукофот соҳибларига бериладиган мукофот миқдорининг орта боришига туртки бўлди. Ҳа, ўз навбатида асосан Европада бўлиб ўтган жаҳон урушлари ҳам жамғарманинг молиявий фаолиятига салбий таъсир кўрсатди. Мисолларга мурожат қиламиз. Агар 1901 йилда берилган дастлабки Нобель мукофотининг пул миқдори 150 000 Швеция кронини ташкил қилган бўлса, (бу маблағ ўша пайтдаги университет профессори оладиган йиллик даромаднинг 20 баробарига тенг бўлган), 1930 йилларга келиб бу маблағ 30 фоизга камайган.

1980 йилдан бошлаб Нобель жамғармасига тегишли бўлган барча қимматбаҳо қоғозлардан фойдаланиш ва иш юритиш ҳуқуқи Беваринген компаниясига ишониб топширилди. Шундан сўнг Нобель жамғармаси молиявий аҳволи яхшилана бошлади. 1901 йили жамғарманинг умумий маблағи 31 миллион Швеция кронини ташкил қилган бўлса, 2000 йилга келиб бу миқдор 4 миллиард кронга тенг бўлди. Худди шу йили хар бир соҳадаги янги мукофот соҳибларига 9 миллиондан Швеция крони насиб этди. Ҳушёр ўқувчи бир Америка доллари сакиз Швеция кронига тенг эканлигини билгани холда, мукофотлар суммасини дарҳол бошқа пул бирликларида ҳисоблаб кўришлари мумкин. Ўтган 2001 йилда бешта асосий соҳа каби иқтисод соҳасидаги Нобель хотира мукофотига ҳам 10 миллион кролдан пул маблағи ажратилди.

Маълумки, Нобель жамғармасига тегишли бўлган барча қимматбахо қоғозлар ва пул маблағлари Швеция миллий банкида сақланади. Бу икки обрўли ташкилотлар ўртасида доимо илиқ муносабатлар ҳукм сурган. Шу сабабли 1968 йили Швеция миллий банки томонидан шу банкнинг 300 йиллик тўйи муносабати билан иқтисод соҳасидаги Нобель мукофотини таъсис этиш тўғрисидаги берилган таклиф Нобель жамғармаси раҳбариятини жуда қийин аҳволга солиб қўйди. Янги мукофотни таъсис этиш бир томондан А. Нобель васиятномасига зид иш қилиш бўлса, иккинчи томондан бундай "ўзига тўқ ташкилотлар" навбатининг кети узилмаслиги мумкин эди. Шу сабабли, Нобель жамғармаси раҳбарияти "сих ҳам, кабоб ҳам куймасин" қабилида иш тутишга қарор қилади, яъни таъсис этиладиган мукофотни "Нобель хотира мукофоти" деб аташ таклиф этилди. Ушбу мукофот учун бериладиган пул маблағи эса, Нобель жамғармасидан эмас, балки Швеция миллий банки маблағидан ажратиладиган бўлди. Шунингдек, янги турдаги Нобель мукофотларини таъсис этишни ман этувчи қарор қабул қилинди. Бундай оқилона йўл тутиш барчага маъқул бўлди ҳамда шу йўл билан Нобель мукофотлари сони олтитага етди.

Бир қатор халқаро ташкилотлар ҳайрия йўли билан Нобель жамғармасини қўллаб-қувватлаб келмоқдалар. Дархақиқат, кўплаб ривожланган давлатларда халқаро илмий-маданий жамғармалар ҳам Нобель жамғармасидан илҳомланиб, янгидан-янги мукофотлар ташкил этмоқдалар. Жумладан, Японияда ташкил этилган "Киото" мукофотининг пул маблағи деярли Нобель мукофотига тенглаштирилган. Бу мукофот 1985 йилда ташкил этилган бўлиб, Нобель мукофотига сазовор бўлган буюк инсонларни янада ижтимоий қўллаш мақсадида бериб борилади. Масалан, 2000 йилги физика соҳасидаги Нобель мукофоти соҳиби бўлган иқтидорли олим Ж.Алферов айнан "Киото" мукофотига ҳам сазовор бўлган.

Нобель жамғармасининг 60 йиллиги муносабати билан Швейцария ва Италия хукуматлари биргаликда умумий суммаси бир миллион Швейцария франкига тенг бўлган "Балзан" жамғармаси ташкил этдилар. Бу жамғарманинг асосий вазифаси алоҳида ахамиятга эга бўлган йирик кашфиётлар яратган ва ўз даврида Нобель мукофоти соҳиби бўлган олимларнинг илмий фаолиятларини янада ривожлантиришга йўналтирилгандир.

Ҳайрия-эхсон ишларини амалга оширишда Нобель мукофотига сазовор бўлган олимлар ҳам тез-тез қатнашиб турадилар. Мисол учун, 1961 йилги тиббиёт соҳасидаги Нобель мукофоти соҳиби Георгвон Вакесу ўзининг 150 дан ортиқ қимматбаҳо санъат асарларидан иборат музейини Нобель жамғармаси ҳисобига ўтказган.

Италиядаги йирик шароб тайёрлов корхонасининг хўжайини Луижи Бонелининг ҳотамтойлиги ҳақида айтиб ўтиш зарур. У ўзининг умумий қиймати 4,5 миллион Швейцария кронига тенг бўлган иккита корхонасини Нобель жамғармасига ҳадя этди. Бу маблағ асосида бериладиган пул мукофотлари "Бонели" номи билан аталади ва 1972 йилдан бошлаб ҳар йили италиялик ёш ҳамда иқтидорли тиббиёт тадқиқотчиларига бериб келинмоқда.

Энди Нобель жамғармасида ўтказиладиган тантанали кечалар ва уларни ўтказиш билан боғлиқ баъзи воқеалар тафсилотлари билан танишиб ўтсак.

Дастлабки мукофотларни топшириш маросимлари 1901 йилнинг 10 декабрь куни Стокголм ва Кристиания (ҳозирги Осло) шаҳарларида ўтказилган. Нобель васиятига биноан асосий мукофотлар, яъни физика, кимё, тиббиёт ва адабиёт соҳасидаги мукофотлар Стокголмда, тинчлик соҳасидаги мукофотлар эса, Осло шаҳрида ўз эгаларига топширилади. 1901 йилдан 1925 йилгача Стокголмдаги мукофотларни топшириш маросимлари эски қироллик консерваториясида ўтказилган. Шуни ҳам айтиш лозимки, дастлабки йиллари янги совриндорларнинг номлари фақатгина 10 декабрь куни эълон қилинарди. Мукофотларни топшириш маросимлари одатда олдиндан режалаштирилган маълум бир тартибда ўтказилади. Бундай тартибнинг энг сўнггиси 1973 йили қабул қилинган бўлиб, шундан буён бу тартибга қаттиқ риоя этиб келинмоқда. Тартибга асосан Швеция қироли ҳамда қиролича ва қирол оиласига тегишли юқори мартабали кишилар саҳнанинг чап томонига жойлашадилар. Уларга қарама-қарши томонда эса, Нобель мукофотининг янги совриндорлари, уларнинг орқасида йиғилганларга янги совриндорларни таништириш шарафига муяссар бўлган олимлар ўтирадилар. Байрам либосига ўранган Стокголм концертлар зали стуллари амфитеатр кўринишида жойлаштирилган. Саҳнага солинган катта гиламнинг ўртасида айланага туширилган "N" белгиси Нобель жамғармасининг тимсоли сифатида порлаб турибди. Худди шу жойда Швеция қироли совриндорларга мукофотларни ўз қўли билан топширади.

Турли сабабларга кўра, маълум даврларда бундай маросимлар ўтказилмай ҳам қолган. 1907 йили Швеция қироли Оскар II нинг вафоти муносабати билан ўтказилмаган. 1914-18 йиллари Нобель жамғармаси жаҳон уруши бошланиши муносабати билан ўз фаолиятини тўхтатди. Байрам маросимлари 1929 йили ҳам ўтказилмади, бунинг сабаби янги совриндорлардан бирортаси ҳам Стокголмга кела олмади. Тиббиёт ва физиология соҳасидаги Нобель мукофоти соҳиби бу вақтда узоқ муддатли саёҳатда бўлган. Адабиёт соҳаси вакили эса қаттиқ бетоб бўлган. Физика ва кимё соҳасидаги мукофотлар эса ўша йили берилмади.

1939-43 йиллари тинчлик соҳасидаги, 1940-43 йиллари адабиёт соҳасидаги ва 1940-42 йиллари физика, кимё ҳамда тиббиёт соҳасидаги мукофотлар иккинчи жаҳон уруши туфайли берилмади. 1944 йили мукофотлар берилди, аммо Стокголмда ҳеч қандай байрам маросимлари ўтказилмади. Лекин шунга қарамай, бу масъулиятни Америкадаги Скандинавия жамғармаси ўз бўйнига олди ва Нью-Йоркдаги энг ҳашаматли ҳисобланган Валдорф-Астория меҳмонхонасида байрам тадбирлари ўтказилди.

Швециянинг Америкадаги бош вакили У. Бостром мукофотларни топшириш бахтига муяссар бўлди.

Иккинчи жаҳон уруши арафасида ва уруш йиллари бош нацист А. Гитлернинг махсус буйруғи билан Олмониялик совриндорлар ўз мукофотларини олиш учун Швецияга боришдан маҳрум қилинди. Р. Кун (1938, кимё), А. Бутенанд (1939, кимё) ва Г. Домак (1939, тиббиёт)лар фашистлар бошлаган қонли уруш тамом бўлгандан кейингина ўз мукофотларини олишга муяссар бўлдилар.

Нобель жамғармасининг уруш йилларидаги фаолияти ҳам қора кунларсиз ўтмади. Норвегия фашистлар томонидан босиб олинганидан сўнг, у ердаги Нобель қўмитасининг бир нечта аъзолари 1945 йилгача қувғинда бўлдилар. Шу туфайли қўмитанинг янги аъзоларини сайлаш амалга ошмай қолди. Натижада Нобель жамғармаси Норвегиядаги Нобель қўмитаси аъзоларининг аъзолик ваколатларини уруш тамом бўлгунча чўзишга қарор қилди. Юзага келган ноқулай шароитдан ўша пайтдаги Норвегия бош министри сотқин ва хоин А. Видкун Нобель қўмитасининг раҳбарлигини ўз қўлига олмоқчи бўлди. Бир қатор халқаро ташкилотлар билан маслаҳатлашилганидан сўнг, Нобель жамғармаси Норвегия қўмитаси ва унга тегишли бўлган барча бино ҳамда бойликлар Швеция давлатига, аниқроғи Нобель жамғармасига тегишли эканлиги тўғрисидаги фикрда қаттиқ турдилар ва шу билан Норвегия қўмитасини сақлаб қолдилар.

Йиллар ўтиб, Нобель жамғармасининг фаолияти яна ўз ўрнига тушиб кетди. Яна кўплаб мукофот соҳибларига А.Нобель рамзи туширилган олтин медаллар топширилди.

Ҳозирги кунга келиб, Нобель жамғармаси илм-фан тараққиёти йўлида астойдил меҳнат қилаётган олиму фозилларнинг беғараз хизматларини муносиб баҳолаб келаётган дунёдаги энг нуфузли ташкилотга айланди.

Абдумажит ТЎРАЕВ,
физика-математика фанлари номзоди,
Ҳосилжон РАҲМОНОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва Жамият қурилиши академияси тингловчиси

ДАРВИН ТЎПЛАГАН ЭКСПОНАТЛАР

Душанба куни Лондон музейида катта кўргазма очилади. Унда асосан махсус идишларда сақланаётган жониворлар намойиш этилиб, улар орасида ҳатто Чарльз Дарвиннинг ўзи тўплаган жонзотлар ҳам бор. Экспонатларнинг аксарияти аввалари чанг ҳолатда архивда сақланган бўлиб, ҳозир улар музей



қошида очилган Дарвин марказига келтирилганлар. Дарвин номи билан аталган мазкур янги марказнинг қурилишига 142.2 млн. доллар сарфланган бўлиб, унда илмий-тадқиқотлар ҳам олиб борилади. Ҳозирда экспонатларнинг умумий сони 22 млн.тага етган.

ОЙГА ЧИҚҚАН ИККИНЧИ ИНСОН



Лос-Анжелес прокуратураси собиқ астронавтга қарши жиноий иш қўзғашни бекор этди. Бу Эдвин Базз Олдрин бўлиб, инсониятнинг иккинчи вакили сифатида Ойга қадам қўйган бўлиб, у Теннеси штатида яшайди. Ойга инсон қадам қўйганлигига ишонмайдиган кишилар сирасига кирувчи Сибрел исмли киши ўз фикрларини исботлаш учун Базз Олдринни Лос-Анжелесдаги "Iuxe" меҳмонхонасида учрашувга таклиф қилди. Олдрин меҳмонхонага боргунига қадар ўзини ким таклиф этганлигини билмайди ва у меҳмонхонада Сибрелни кўргач ортга қайтади. 37 ёшли Сибрел унинг йўлини тўсиб, интервью олиш мақсадида Олдриннинг юзига Библия китобини пеш қилади. Натижада келиб чиққан ўзаро жанжалдан сўнг Сибрел Олдринни судга беради. Прокуратура эса унинг талаби қондирилмаслигини маълум қилди.

92 ЁШЛИ АЁЛГА 30 ЙИЛЛИК КРЕДИТ

Австралия банки 92 ёшли аёлга уй сотиб олиши учун керак бўлган 7 минг долларни 30 йил муддат билан кредитга берди. Маргарет Коул исмли бу аёл сотиб олмоқчи бўлган уйнинг баҳоси 198,7 минг долларни ташкил этади. "Мен ниҳоятда хурсандман. Сабаби уй сотиб олишимда зарур бўлиб қолган пулни қаердан ва кимдан олишни билолмай турган эдим", дея гапиради Коул хола. Банк томонидан Австралиянинг энг кекса аёли ҳисобланган бу қарияга кредит берилганидан сўнгроқ, 91 ёшли бошқа бир аёл кредит олиш учун банкка келди.

ИНТЕРНЕТДАН ФОЙДАЛАНУВЧИЛАР СОНИ ҚАНЧА?

Россия аҳолисининг 8 фоизи, яъни, 8,8 млн.и бугун Интернет хизматидан фойдаланмоқда. Интернет тармоғидан фойдаланиш бўйича АҚШ, Япония ва Хитойдан ташқари тузилган умумий рўйхатда Россия 11-ўринни банд этган, яъни, Голландия, Испания, Ҳиндистондан сўнгги ўринни эгаллаган. Юқоридаги 8,8 млн. кишининг 1,7 миллиони эса Москва шаҳрида истиқомат қилувчилар ҳисобланади.

"Интернет" тармоғидан олинди.

Келгуси ҳафта теледастурлари билан танишинг!

Душанба, 30

«Ўзбекистон» телеканали

6.00 "Ассалом, Ўзбекистон!"
8.00-8.45 "Таҳлилнома".
8.45 ТВ маркет.
8.50 "Ўзбектелефильм" намойиши: "Куз лавҳалари".
9.05 "Камалак".
9.40 "Тўртинчи ҳокимият".
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 ЯНГИЛИКЛАР
10.05 "Қизил елканлар". Бадиий фильм.
11.30 Ўзбекистон телерадиокомпанияси камер оркестрининг концерти.
12.05 Теннис бўйича "Челленжер" халқаро турнири.
12.50 "Сарвиноз" ашула ва рақс ансамблининг концерти. 1-қисм.
13.20 "Ошин". Телесериал.
13.50 Мусиқий танаффус.
14.10 "Тиббиёт одимлари".
14.25 "Олтин дала". Пахтакорлар учун дам олиш дастури.
15.00 "Ит уяси". Телесериал премьераси.
15.45 "Рангин дунё".
"Болалар сайёраси":
16.00 1 "Олтин тож". Телевизион ўйин. 2. "Эртаклар -яхшиликка етаклар".
17.10 "Таянч нуқтаси".
17.30 Теннис бўйича "Челленжер" халқаро турнири.
18.10 "Мулк".
18.25 "Дарға". Академик Ҳ. Абдуллаев.
18.45 "Бахтли воқеа". Телелотерея.
19.30 "Ахборот" (рус тилида)
20.00 Оқшом эртаклари.
20.15 Биржа ва банк хабарлари.
20.30 "Ахборот".
21.05 "Устозга таъзим". Ўқитувчилар ва мураббийлар кунига бағишланган тантанали йиғилиш ва концерт.
21.45 "Келажакка интилиб". Ҳужжатли фильм.
22.15 2002 йил - Қарияларни қадрлаш йили. **"Париси бор уй".**
"Спорт" дастури:
22.35 1. "Спорт, спорт, спорт". 2. Каратэ бўйича Ўзбекистон кубоги.
23.15 "Ахборот-дайжест".

«Ёшлар» телеканали

9.00 Давр тонги.
10.00 "Янги авлод" студияси: болалар учун концерт.
10.20 "Мульттомоша".
10.35 Фарзандим-жигарбандим.
10.50 Мусиқий лаҳзалар.
11.00 "Давр" ҳафта ичида.
11.30 "Доктор Финли".
12.20 Давр-news.
12.35 "Зирапча". Бадиий фильм.
14.05 Кўҳна оҳанглар.
14.20 "Оби ҳаёт". Экологик тележурнал.
14.35 "Куз". Телефильм.
14.45 "Кусто командасининг сув ости саргузаштлари".
15.45 Спорт ҳафтаномаси.
16.00 "Озод элим-ойдин йўлим"кўрик-танлови: Сурхондарё телерадиокомпанияси тақдим этади.
16.35 "Янги авлод" почтаси, "Биринчи ўқитувчи".
17.10 Мультфильм.
17.40 Ёшлар овози.
18.00 Белида белбоғи борлар. Ўзбек кураши бўйича IV жаҳон чемпионати.
18.25 Таффакур ёлқинлари.
18.40 Оқшом наволари.
18.55, 21.55 Иқлим.
19.00 Давр.
19.40 "Менинг университетим". Видеофильм. 1-қисм.
20.00 Кўҳна оҳанглар.
20.05 "Менинг университетим". Видеофильм. 2-қисм.
20.35 Муҳаббат қўшиқлари.
20.55 "Эсмеральда".
21.30 Қишлоқдаги тенгдошим.
21.50 Олтин мерос.
22.00 Давр.
22.40 "Муҳаббат қаҳваси". Телесериал.
23.05 "Ёшлар" телеканалида спорт: Интерфутбол.

«Тошкент» телеканали

17.20 ТТВда сериал: "Кўҳна дахма сири". 6-қисм.
17.45, 19.10, 21.50 "Экспресс" телегазетаси.
18.05 "Болажонлар экрани". "Шарқи ва Жорж". 43-қисм.
18.30, 20.00, 21.10, 22.05 "Пойтахт". Ахборот дастури.
18.50 "Халқ саломатлиги йўлида".
19.30 "Спорт ва болалар".
19.45 "Оби ҳаёт" Телефильм.
19.55 Мусиқий танаффус.
20.30 ТТВда сериал: "Азизим Изабелла".
21.30 "Avto-news".
22.35 Кинонигоҳ. "Вельд".

«Халқаро» телеканал

16.05 «Вести".
16.20 «Юзга бир» телеўйин.
17.00 «Евроньюс» янгиликлари.
РЖТ
17.15 «Ҳазил кетидан ҳазил". Ҳажвий кўрсатув.
17.45 «Аралаш".
18.00 «Мени кутгил".
19.00 «Ким миллионер бўлишни истайди?" Телеўйин.
20.00 «Время".
ЎзТВ - IV
20.30 «Каменская". Сериал.
21.20 «Ҳинд оҳанглари".
21.35 «Муҳаббат даври". Сериал.
22.30 «В. Меладзе иштирокидаги концерт дастури".
23.35 Кинематограф. «Ҳаёт гирдоби". Бадиий фильм.
00.55 «Ахборот» (рус тилида)

Сешанба, 1

Ўқитувчилар ва мураббийлар куни.

«Ўзбекистон» телеканали

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!"
8.00 - 8.35 «Ахборот".
8.40 Газеталар шарҳи.
9.00 "Ўзбектелефильм" намойиши: "Умидли ўсмирлар".
9.30 "Соғлом она - соғлом бола".
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 ЯНГИЛИКЛАР
10.05 "Мулк".
10.20 "Қандай ажиб бу дунё". Бадиий фильм.
12.05 Теннис бўйича "Челленжер" халқаро турнири.
12.50 "Меҳри қуёш - устозлар!" Адабий композиция.
13.10 "Сарвиноз" ашула ва рақс ансамблининг концерти. 2-қисм.
13.40 "Париси бор уй".
14.10 "Спорт, спорт, спорт".
14.20 "Устозга таъзим". Ўқитувчилар ва мураббийлар кунига бағишланган тантанали йиғилиш ва концерт.
15.00 "Ит уяси". Телесериал.
15.45 "Уй бекаси".
16.05 Телевизион миниатюралар театри.
16.35 "Буни умр дерлар".
16.55 "Ватанимга хизмат қиламан".
18.10 Болалар учун. "Санъат ғунчалари".
18.30 "Тафсилот".
18.50 Бир жуфт қўшиқ.
19.05 "Ўқитувчи".
19.30 "Ахборот" (рус тилида)
20.00 Оқшом эртаклари.
20.15 FCN "Ўзбекистон янгиликлари" (инглиз тилида)
20.30 «Ахборот".
21.05 "Қалбингизда сўнмасин зиё". Ўқитувчилар ва мураббийлар кунига бағишланган бадиий-мусиқий дастур.
21.45 "Ўзбекистон" каналида илк маротаба: **"Ошин".**
22.15 Каратэ бўйича Ўзбекистон кубоги.
22.45 "Ахборот-дайжест".
23.15 "Алишер Навоий". Бадиий фильм.

«Ёшлар» телеканали

8.00 Давр тонги.
9.00 "Янги авлод" почтаси: "Биринчи ўқитувчи".
9.35 Давр.
9.50 Мусиқий лаҳзалар.
10.00 "Эсмеральда".
10.30 "Менинг университетим". Видеофильм. 1-қисм.
10.50 Мусиқий лаҳзалар.
11.00 "Менинг университетим". Видеофильм. 2-қисм.
11.30 Ёшлар овози.
11.50 Оддий одамлар.
12.10 "Байрамингиз муборак, азиз устозлар!"
12.30 "Устоз". Видеофильм.
12.50 Интерфутбол.
14.30 "Кичкина табиб". Бадиий фильм.
15.55 "Янги авлод" студияси: "Оқ кабутар", "Ҳар соҳага саёҳат".
16.25 "Мульттомоша".
16.40 "Мураббий". 1-қисм.
17.10 "Мураббий". 2-қисм.
17.35 Автопатрул.
17.55 Ёшлар овози.
18.15 Илдиз ва япроқ.
18.45 Оқшом наволари.
18.55, 21.55 Иқлим.
19.00 Давр.
19.40 Давр-интервью.
19.55 "Табаррук маскан". Видеофильм.
20.15 Кўҳна оҳанглар.
20.20 Синфдош.
20.55 "Эсмеральда".
21.30 "Байрамингиз муборак, азиз устозлар!"
22.00 Давр.
22.40 "Муҳаббат қаҳваси".
23.05 "Ёшлар" телеканалида спорт: "Нокаут".
23.30 Давр.
23.45 "Ҳақиқат чегараси".

«Тошкент» телеканали

17.20"Кўҳна дахма сири".7-қисм.
17.45, 19.05, 22.00 "Экспресс" телегазетаси.
18.05 "Болажонлар экрани". "Шарқи ва Жорж". 44-қисм.
18.30, 20.00, 21.10, 22.20 "Пойтахт". Ахборот дастури.
18.50 "Жозиба".
19.25 "Аёл-она, мураббий, раҳбар" телеклуби.
19.45 "Моҳир".
20.30 "Азизим Изабелла".
21.30 "Туризм ҳақида".
22.45 Кинонигоҳ. "Кабутар қанотлари".

«Халқаро» телеканал

РЖТ 6.30-8.00
16.05 «Вести".
16.20 «Икки рояль".
17.00 «Евроньюс» янгиликлари.
РЖТ
17.15 «Машҳурлар". Лилита Озалиня.
17.45 «Аралаш".
18.00 «Оилавий ришталар".
19.00 «Заиф бўғин". Телеўйин.
20.00 «Время".
ЎзТВ - IV
20.35 «Каменская". Сериал.
21.25 «Кун мавзуси".
21.40 «Муҳаббат даври". Сериал.
22.35 FCN Ўзбекистон янгиликлари (инглиз тилида)
22.45 «Аншлаг".
23.30 Кинематограф. «Оддий тарих". Бадиий фильм.
1.00 Ахборот (рус тилида)

Чоршанба, 2

«Ўзбекистон» телеканали

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!"
8.00 -8.35 «Ахборот".
8.40 Газеталар шарҳи.
9.00 "Ўзбектелефильм" намойиши: "Тоғнинг гули ўзгача".
9.20 "Соз сеҳри".
9.40 "Қалб гавҳари".
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 ЯНГИЛИКЛАР
10.05 Алифбо сабоқлари.
10.25 "Париларнинг кузги совғаси". Бадиий фильм.
11.35 "Баркамол авлод орзуси".
11.55 ТВ анонс.
12.05 Теннис бўйича "Челленжер" халқаро турнири.
12.40 "Бу ажиб фасл". Телеальманах.
13.00 "Мусиқий учрашувлар".
13.30 "Ошин". Телесериал.
14.10 "Остонаси тиллодан". Нукуснинг 70 йиллигига.
14.35 Каратэ бўйича Ўзбекистон кубоги.
15.05 Кундузги сеанс: **"Бу ранг-баранг олам". Бадиий фильм.**
16.10 "Ягона оилада".
16.40 "Таянч нуқтаси".
"Болалар сайёраси":
17.00 1. "Ёзувчилар - болаларга". 2. "Кичкинтоймиз-гижингтоймиз".
18.10 "Куйла, ёшлигим".
18.30 "Умид". Телелотерея.
19.10 "Мулк".
19.30 "Ахборот" (рус тилида)
20.00 Оқшом эртаклари.
20.15 "Юзма- юз".
20.30 «Ахборот".
21.05 "Солиқ ва биз".
21.20 Ўзбекистон" каналида илк маротаба: **"Ошин". Телесериал премьераси.**
21.50 2002 йил - Қарияларни қадрлаш йили. **"Инсон манфаати".**
22.10 Осиё ўйинлари кундалиги.
22.25 "Келин-куёв". Телешоу.
23.35 "Ахборот -дайжест".

«Ёшлар» телеканали

9.00 Давр.
9.15 "Янги авлод" студияси: "Оқ кабутар", "Ҳар соҳага саёҳат".
9.45 "Мульттомоша".
10.00 Давр-интервью.
10.15 Мусиқий лаҳзалар.
10.30 "Эсмеральда".
11.00 Бизнес-академия.
11.15 Жаҳон жуғрофияси.
12.05 Ёшлар овози.
12.25 "Доктор Финли".
13.15 Кўҳна оҳанглар.
13.30 Белида белбоғи борлар. Ўзбек кураши бўйича IV жаҳон чемпионати.
13.55 "Ёшлар" телеканалида спорт: Теннис.
14.35 "Озод элим-ойдин йўлим"кўрик-танлови: Сурхондарё телерадиокомпанияси тақдим этади.
15.05 Автопатрул.
15.25 "Муҳаббат ҳаёт демакдир". Бадиий фильм. 1-қисм.
17.05 "Янги авлод" студияси: "Дунё ва болалар".
17.25 Таянч.
17.50 Ватан манзаралари.
18.10 Чемпион сирлари.
18.30 Каталог.
18.40 Оқшом наволари.
18.55, 21.55 Иқлим.
19.00 Давр.
19.40 Сийрат.
20.00 Спорт-лото.
20.10 Кўҳна оҳанглар.
20.15 Очил дастурхон.
20.30 Ёшлик наволари.
20.55 "Эсмеральда".
21.30 Ёшлар овози.
21.50 Олтин мерос.
22.00 Давр.
22.40 "Муҳаббат қаҳваси".
23.05 "Ёшлар" телеканалида спорт: Интерфутбол.

«Тошкент» телеканали

17.20 ТТВда сериал: "Кўҳна дахма сири". 8-қисм (якунловчи)
17.45, 19.10, 22.00 "Экспресс" телегазетаси.
18.05 "Болажонлар экрани". "Шарқи ва Жорж". 45-қисм.
18.30, 20.00, 21.10, 22.20 "Пойтахт". Ахборот дастури.
18.50 "Мусиқий меҳмонхона".
19.30 "Ҳимоя".
19.40 "Radius-XXI".
20.30 ТТВда сериал: "Азизим Изабелла".
21.30 "Мушоҳада".
22.45 Кинонигоҳ. "Бинго-бонго".

«Халқаро» телеканал

РЖТ 6.30-8.00
16.05 «Вести".
16.20 «Юзга бир".
17.00 «Евроньюс» янгиликлари.
РЖТ
17.15 Е. Петросяннинг Кули панорамаси.
17.45 «Аралаш".
18.00 «Оилавий ришталар".
19.00 Рус рулеткаси. Шоу ўйин.
20.00 «Время".
ЎзТВ - IV
20.35 «Каменская". Сериал.
21.20 «Бугунги Япония".
21.40 «Муҳаббат даври". Сериал.
22.35 «Ҳужжатли детектив".
23.00 Кинематограф. «Иккинчи Бетховен". Бадиий фильм.
00.20 «Ахборот» (рус тилида)

Пайшанба, 3

«Ўзбекистон» телеканали

6.00 "Ассалом, Ўзбекистон!"
8.00-8.35 "Ахборот".
8.40 Газеталар шарҳи.
"Болалар сайёраси":
9.00 1."Ёзувчилар-болаларга". 2. "Кичкинтоймиз-гижингтоймиз".
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 ЯНГИЛИКЛАР
10.05 "Мулк".
10.20 "Ганг дарёсининг қизи". Бадиий фильм.
11.30 "Фанимиз истиқболлари".
11.50 Мусиқий танаффус.
12.05 "Йўл бошида".
12.25 Болалар учун. "Миттивойлар оиласи".
12.45 "Шийпондаги учрашувлар".
13.30 "Ошин". Телесериал.
14.10 Осиё ўйинлари кундалиги.
14.25 "Унутмас мени боғим".
14.45 Кундузги сеанс: **"Оролчадаги саргузаштлар".**
15.50 "Чегарачи".
16.10 "Ўзбекистон бастакорлари".
16.30 "Оламни асранг!"
"Болалар сайёраси":
16.50 1. "Болаликнинг мовий осмони". 2. "Беш бармоқ".
17.50 "Ривож".
18.10 "Ўзбекистон: XXI аср ёшлари".
18.30 "Яхши ният". Телелотерея.
19.05 "Соғлом она - соғлом бола".
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 Оқшом эртаклари.
20.15 FCN "Ўзбекистон янгиликлари" (инглиз тилида)
20.30 «Ахборот".
21.05 Телемулоқот: Яна реклама хусусида.
21.45 "Ўзбекистон - Ватаним маним".
22.05 "Уларнинг дарди бизнинг ҳам дардимиз". Видеофильм. Ўзбекистон ҳукумати ва БМТнинг гиёҳвандлик ва СПИДни олдини олишга қаратилган қўшма лойиҳасига доир.
22.50 Осиё ўйинлари кундалиги.
23.05 "Ахборот-дайжест".
23.25 "Қизлар давраси".

«Ёшлар» телеканали

9.00 Давр.
9.15 "Янги авлод" студияси: Дунё ва болалар.
9.35 "Мульттомоша".
9.50 Таянч.
10.15 Мусиқий лаҳзалар.
10.25 "Эсмеральда".
10.55 Спорт қитъаси
11.25 Чемпион сирлари
11.45 "Доктор Финли".
12.35 Ёшлар овози.
12.55 Интерфутбол.
13.35 Кўҳна оҳанглар.
14.45 Сийрат.
15.05 "Муҳаббат ҳаёт демакдир". Бадиий фильм. 2-қисм.
16.30 Илдиз ва япроқ.
17.00 "Ҳақиқат чегараси". Сериал.
17.30 "Янги авлод" студияси: "Савол беринг-жавоб берамиз", болалар учун концерт.
17.50 Мультфильм.
18.00 Ёшлар овози.
18.20 Табобат оламида.
18.40 Оқшом наволари.
18.55, 21.55 Иқлим.
19.00 Давр.
19.35 ТВ-анонс.
19.40 Кўҳна оҳанглар.
19.50 "Давр"-интервью.
20.05 Бегойим.
20.25 Севги тароналари.
20.50 "Эсмеральда".
21.25 Жараён.
21.50 Олтин мерос.
22.00 Давр.
22.40 "Муҳаббат қаҳваси".
23.05 "Ёшлар" телеканалида спорт: Интерфутбол.

«Тошкент» телеканали

17.20 "Кузги тошлар жилоси", "Эрмитаж ойналари". Ҳужжатли фильмлар.
17.40, 19.05, 22.00 "Экспресс" телегазетаси.
18.00 "Болажонлар экрани". "Шарқи ва Жорж". 46-қисм.
18.30, 20.00, 21.10, 22.20 "Пойтахт". Ахборот дастури.
18.50 "Навниҳол".
19.25 "Ёшлар ҳудуди".
19.50 ТТВда мусиқа.
20.30 "Азизим Изабелла".
21.30 "Умр йўлдоши".
22.45 Кинонигоҳ. "Тонгнинг илк шуъласи".

«Халқаро» телеканал

РЖТ 6.30-8.00
16.05 «Вести".
16.20 «Кулгу хонаси".
17.00 «Евроньюс» янгиликлари.
РЖТ
17.15 «Биз анойи эмасмиз".
17.45 «Аралаш".
18.00 «Оилавий ришталар". Сериал.
19.00 «Заиф бўғин". Шоу ўйин.
20.00 «Время".
ЎзТВ - IV
20.35 «Каменская". Сериал.
21.25 «Соккер клуб".
21.40 «Муҳаббат даври".
22.35 Ишбилармон кишилар.
22.55.FCN Ўзбекистон янгиликлари (инглиз тилида)
23.05 Кинематограф. «Ой нури» агентлиги". Бадиий фильм.
00.45 «Ахборот» (рус тилида)

Жума, 4

«Ўзбекистон» телеканали

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!"
8.00 - 8.35 «Ахборот".
8.40 Газеталар шарҳи.
"Болалар сайёраси":
9.00 1 "Болаликнинг мовий осмони". 2. "Беш бармоқ".
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 ЯНГИЛИКЛАР
10.05 "Ўрмон китоби". Бадиий фильм.
12.05 "Ўзбекистон: XXI аср ёшлари".
12.25 Т. Минуллин. "Алмандар уйланармиш". Муқимий номидаги ўзбек давлат мусиқий театри спектаклининг премьераси. 1-қисм.
13.25 "Олам". Телеальманах.
14.10 Осиё ўйинлари кундалиги.
14.25 Т. Минуллин. "Алмандар уйланармиш". Муқимий номидаги ўзбек давлат мусиқий театрининг спектакли. 2-қисм.
15.00 "Талабалик йилларим".
15.20 Эстрада тароналари.
15.55 "Уларнинг дарди бизнинг ҳам дардимиз". Видеофильм.
16.40 "Орзулар қанотида".
"Болалар сайёраси":
16.55 1. "Ўйла, Изла, Топ!" Телемусобақа. 2. "Табиат алифбоси".
18.10 "Сиҳат-саломатлик".
18.30 "Олтин мерос".
18.50 "Тафсилот".
19.05 "Зиё" студияси намойиш этади: "Эътиқод мустаҳкамлиги йўлида".
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 Оқшом эртаклари.
20.15 "Куз таровати".
20.30 «Ахборот".
21.05 "Сиёсат оламида".
21.25 "Ўзбекистон" каналида илк маротаба: **"Ошин". Телесериал премьераси.**
21.55 "Қўшиғимиз сизга армуғон".
22.35 "Истиқлол неъматлари".
22.50 Осиё ўйинлари кундалиги.
23.05 "Ахборот - дайжест".

«Ёшлар» телеканали

9.00 Давр.
9.15 "Янги авлод" студияси: "Савол беринг-жавоб бераміз", болалар учун концерт.
9.35 "Филча ва мактуб". Мультфильм.
9.45 "Давр"-интервью.
10.00 Мусиқий лаҳзалар.
10.10 "Эсмеральда".
10.40 Бегойим.
11.00 "Кусто командасининг сув ости саргузаштлари".
11.50 Ёшлар овози.
12.10 "Доктор Финли".
13.00 Кўҳна оҳанглар.
13.10 Интерфутбол.
14.50 "Табаррук маскан". Видеофильм.
15.15 Болалар экрани: "Мис тоғ бекаси".
16.40 "Янги авлод" студияси: У ким? Бу нима?
17.00 Дунё ажойиботлари.
17.20 Автосалтанат.
17.35 Қарияларни қадрлаш йили "Қадрият".
17.55 Ёшлар овози.
18.15 Ҳуқуқ ва бурч.
18.40 Оқшом наволари.
18.55, 21.55 Иқлим.
19.00 Давр.
19.35 ТВ-анонс.
19.40 Кўҳна оҳанглар.
19.55 "Давр" нигоҳи.
20.15 Жар ёқасида.
20.30 "Ёр ишқи". Мусиқий дастур.
20.55 "Эсмеральда".
21.30 Аскар мактублари.
21.50 Олтин мерос.
22.00 Давр.
22.40 "Муҳаббат қаҳваси".
23.05 "Ёшлар" телеканалида спорт: Ринг қироллари.
00.05 Давр.
00.20 "Ҳақиқат чегараси".

«Тошкент» телеканали

17.20 "Сувости дунёсининг таронаси", "Тунги Эрмитаж". Ҳужжатли фильмлар.
17.40, 19.15, 21.45 "Экспресс" телегазетаси.
18.00 "Болажонлар экрани". "Шарқи ва Жорж". 47-қисм.
18.30, 20.00, 21.10, 22.05 "Пойтахт". Ахборот дастури.
18.50 "Камолот фасли".
19.35 "Саодат калити".
20.30 ТТВда сериал: "Азизим Изабелла".
21.30 "Саломатлик маскани".
22.30 "Кинонигоҳ". "Вулқон".

«Халқаро» телеканал

РЖТ 6.30-8.00
16.05 «Вести".
16.20 «Форт Боярд".
17.00 «Евроньюс» янгиликлари.
РЖТ
17.15 «Инсон ва қонун".
17.45 «Аралаш".
18.00 «Оилавий ришталар".
18.50 «Мўъжизалар майдони".
20.00 «Время".
20.40 А. Пугачёва, Р. Паулс, Л. Вайкуле, Ф. Киркоров. Юрмаладаги «Янги тўлқин» фестивалида. 2-қисм.
ЎзТВ - IV
22.25 FCN Ўзбекистон янгиликлари (инглиз тилида)
22.35 «Дурдаршан".
23.00 Кинонинг олтин асри: «Нозик ниҳол маликам". Бадиий фильм. 1-қисм.
00.40 «Ахборот» (рус тилида)

Шанба, 5

«Ўзбекистон» телеканали

6.00 "Ассалом, Ўзбекистон!"
8.00-8.35 "Ахборот".
8.40 Газеталар шарҳи.
"Болалар сайёраси":
9.00 1. "Ўйла, Изла, Топ!" Телемусобақа. 2. "Табиат алифбоси".
10.00 "Зиё" студияси намойиш этади: "Эътиқод мустаҳкамлиги йўлида".
10.20 "Робин Гуд". Мультфильм.
11.40 "Қўшиғимиз сизга армуғон".
12.20 "Сиёсат оламида".
12.40 ТВ-1 кинотеатри: **"Хос соқчи". 1-қисм.**
13.40 "Нафосат гулшани".
14.00 "Маърифат".
14.20 Осиё ўйинлари кундалиги.
14.35 "Хос соқчи". 2-қисм.
"Адабий жараён".
15.35 1. "Ёзувчи ва замон". 2. "Шеър ва шуур". 3. "Мутолаа".
16.15 "Ягона оилада".
16.45 "Фламинго".
17.05 "Бахтимизга омон бўлинг".
17.25 "Рангин дунё".
17.40 "Бу ажиб фасл".
18.00 "Мўъжизалар майдончаси". Телешоу.
19.00 Бир жуфт қўшиқ.
19.10 "Интилганга толе ёр".
19.30 "Ахборот" (рус тилида)
20.00 Оқшом эртаклари.
20.15 FCN "Ўзбекистон янгиликлари" (инглиз тилида)
20.30 "Ахборот".
21.05 "Олтин дала". Пахтакорлар учун дам олиш дастури.
21.40 "Осори-атиқаларимиз".
22.00 Осиё ўйинлари кундалиги.
"Тунги ёғду". Дам олиш дастури:
22.15 "Ўзбекистон" каналида илк маротаба. **"Шерлок Холмс ва доктор Ватсоннинг саргузаштлари". 3-фильм. 1-қисм.**
23.30 "Ахборот-дайжест".

«Ёшлар» телеканали

8.00 Давр тонги.
9.00 "Янги авлод" студияси: "У ким? Бу нима?"
9.20 "Заргардоқ". Мультфильм.
9.40 Табобат оламида.
10.00 Мусиқий лаҳзалар.
10.15 "Эсмеральда".
10.45 Ёшлар овози.
11.05 "Давр" нигоҳи.
11.25 "Ёшлар" телеканалида спорт: Ринг қироллари.
12.25 Вилоят ёш хонандалари куйлайди.
12.45 "Скарлетт". Кўп қисмли бадиий фильм 6, 7 қисмлар.
14.15 Дунё ажойиботлари.
14.35 "Ёшлар" телеканалида спорт: Теннис.
15.15 "Озод юрт фарзандлари". Видеофильм.
15.30 "Экспедиция".
16.20 Кўҳна оҳанглар.
16.35 "Рамаяна". Телесериал.
17.15 "Янги авлод" студияси: "Бўш ўтирма".
17.35 Қўшқулоқ.
17.50 Футбол плюс.
18.10 Саломатлик сирлари.
18.30 Каталог.
18.40 Оқшом наволари.
18.55, 21.55 Иқлим.
19.00 Давр.
19.40 Кўҳна оҳанглар.
19.50 "Давр"-репортаж.
20.00 Бизнес-академия.
20.15 Ёшлик наволари.
20.30 Кутилмаган меҳмон.
20.55 "Скарлетт". 8-қисм.
21.45 Олтин мерос.
22.00 Давр.
22.40 Тунги тароналар.
22.55 "Унинчи қироллик". Бадиий фильм. 4-қисм.

«Тошкент» телеканали

17.20 "Мультчархпалак".
17.40 "Жаҳон географияси".
18.10, 19.40, 22.00 "Экспресс" телегазетаси.
18.30 "Афиша".
18.50 "Мусиқий лаҳзалар".
19.00 "Пойтахт".
19.20 "Хусусийлаштириш: қадам-бақадам".
20.00 "Табриклаймиз-қутлаймиз".
20.40 "Тошкент ва тошкентликлар".
21.00 "Пойтахт".
21.20 "Ҳамшаҳарлар".
21.45 "Мисли гавҳар".
22.20 Кинонигоҳ. "Янги шеригим".

«Халқаро» телеканал

9.05 «ТВ-4да мусиқа".
РЖТ
9.10 «Лаззат".
9.30 «Табиатшунос билан саёҳат".
10.00 Е. Петросяннинг "Кулгу панорамаси".
ЎзТВ - IV
10.40 «CFI янгиликлари".
10.50 «Мультсеанс".
11.10 «Экран зийнати ва қиймати".
11.35 «Кўнгил-кўнгилга пайванд".
12.10-13.30 Дўстлик видеоканали: «Немис шарҳи», «Ўзбекистон-умумий уйимиз», «Чинсен», «Корейс тилини ўрганамиз".
16.35 «Дисней клуб".
16.50 «Бинафша".
17.05 «Ассалом, Франция!"
17.20 «Ҳазил кетидан ҳазил". Ҳажвий кўрсатув.
18.00 «Ким миллионер бўлишни истайди?" Телеўйин.
19.00 «Сўнгги қаҳрамон-2". 1-қисм. «Қатъий талаб".
20.00 «Время".
20.30. «Сўнгги қаҳрамон-2". 2-қисм. «Қатъий талаб".
21.30 «Нима? Қаерда? Қачон?" Тунги канал: «Ҳали кеч эмас. "
22.40 «Шлягер".
22.55 «Моданинг гўзал дунёси".
23.10 «Хит-парад".
23.25 «Яшаш воситаси".
23.40 «Муз zona".
23.55 «Юлдуз билан тунги учрашув".
00.05 «Тунги навбатчилик".
00.20 «Икки ёқлама зарба".
00.35 «Эслайсизми".
00.45"Ахборот" (рус тилида)
01.10 Киносеанс: «Тунги меҳмонлар". Бадиий фильм.

Якшанба, 6

«Ўзбекистон» телеканали

6.00 "Ассалом, Ўзбекистон!"
8.00-8.35 "Ахборот".
8.35 "Камалак".
9.10 "Ғаройибот".
9.30 Ака-ука Гримм эртаклари". Мультфильм.
10.00 "Ватанимга хизмат қиламан".
11.00 "Она меҳри".
11.20 "Кўҳна замин оҳанглари".
11.40 "Қизил гул". Мультфильм.
12.20 "Мўъжизалар майдончаси". Телешоу.
13.20 ТВ-1 кинотеатри: **"Сени севдим".** 1-қисм.
14.45 "Қалб гавҳари".
15.05 ТВ-1 кинотеатри: **"Сени севдим". 2-қисм.**
16.35 "Аския".
"Болалар сайёраси":
16.55 1. "Улғайиш поғоналари". 2. "Олтин тож". Телевизион ўйин.
17.55 Мусиқий танаффус.
18.05 "Умр мазмуни".
18.25 "Талабалик йилларим".
18.45 "Оқ олтин". Телелотерея.
19.15 Бир жуфт қўшиқ.
19.30 "Таҳлилнома" (рус тилида)
20.05 Эстрада тароналари.
20.30 "Таҳлилнома".
21.15 "Якшанбада Сиз билан бирга".
21.40 "Оталар сўзи - ақлнинг кўзи".
22.40 Осиё ўйинлари кундалиги.
"Якшанба кинозали":
22.55 "Кинотеатр".
23.15 "Ўзбекистон" каналида илк маротаба. **"Шерлок Холмс ва доктор Ватсоннинг саргузаштлари". 3-фильм. 2-қисм.**

«Ёшлар» телеканали

8.00 Давр тонги.
9.00 "Янги авлод" студияси: "Ким эпчил-у, ким чаққон?", "Уй вазифаси".
9.45 Футбол плюс.
10.05 "Давр"-репортаж.
10.15 Очил дастурхон.
10.30 Мусиқий лаҳзалар.
10.45 "Заковат" интелектуал ўйини.
11.35 Болалар экрани: "Ўрмон эртаклари".
12.05 Аскар мактублари.
12.25 Нокаут.
12.50 Чемпион сирлари.
13.10 "Скарлетт". Кўп қисмли бадиий фильм. 8-қисм.
13.55 Кўҳна оҳанглар.
14.10 Қишлоқдаги тенгдошим.
14.30 Спорт ҳафтаномаси.
14.45 "Экспедиция".
15.35 Синфдош.
16.05 "Рамаяна". Телесериал.
16.40 Кўрсатувлар дастури.
16.45 "Янги авлод" студияси: "Катта танаффус":
17.10 "Мульттомоша".
17.25 Очун.
17.50 "Учинчи сайёра" маърифий дастури.
18.40 Оқшом наволари.
18.55, 21.55 Иқлим.
19.00 "Давр"- news.
19.25 "Кумуш тойчоқ". Бадиий фильм.
21.00 Муҳаббат қўшиқлари.
21.20 Зинама-зина.
21.50 Олтин мерос.
22.00 "Давр" ҳафта ичида.
22.35 Тунги тароналар.
22.45 "Унинчи қироллик". Бадиий фильм. 5-қисм.

«Тошкент» телеканали

17.20 "Эртакларнинг сеҳрли олами".
19.00, 20.30, 21.45 "Экспресс" телегазетаси.
19.20 "Жаҳон географияси".
19.50 "Табриклаймиз-қутлаймиз".
20.50 "Телефакт".
21.00 "Пойтахт шарҳи".
21.25 "Ташриф".
22.05 "Спорт-клуб".
22.30 Кинонигоҳ. "Ижарага олинган бола".

«Халқаро» телеканал

9.05 «ТВ-4да мусиқа".
РЖТ
9.10 Д. Криловнинг «Йўлда ёзилмаган қайдлари".
9.30 «Ҳамма уйдалигида".
10.05 «Кайфият". Информацион-дам олиш дастури.
11.05 «FCN". Ўзбекистон янгиликлари (Инглиз тилида)
11.15 «Мультсеанс".
11.35 «Инглиз тили Сиз учун".
12.00 «Парле ву франсе?"
12.25 «Хусусийлаштириш: қадам-бақадам".
12.45-13.45 «Дўстлик» видеоканали: «Рангикамон», «Дидар», «Айчурек".
17.05 «Мультсеанс".
17.25 «Мюзик-холл".
18.05 «КВН-2002". Ёзги кубок.
20.25 «Британия кундалиги: Чивнинг таржибаси".
20.45 «Т. Полонская билан бирга".
21.10 «Мусиқий серпантин".
21.55 «Тенгдошлар".
22.25 «Олтин микрофон".
22.55 Кинематограф. «Нохушликлар макони".
00.20 «Таҳлилнома".

XIV ОСИЁ ЎЙИНЛАРИ

Эртага Жанубий Кореянинг Пусан шаҳрида XIV Осиё ўйинлари бошланади. Дарвоқе, ўтган ёз фаслида футбол бўйича жаҳон чемпионатига мезбонлик қилган кореяликлар бу сафар Осиё ўйинларига мезбонлик қилмоқдалар.

Осиё қитъасининг қирқдан ортиқ давлатлари вакиллари бу гал 38 та спорт тури бўйича беллашадилар. Ўз навбатида 165 кишидан иборат Ўзбекистон терма жамоаси ҳам ушбу чемпионатда спортнинг 23 тури бўйича мусобақалашади. Бунинг учун махсус тайёргарликдан ўтган спортчиларимиз куни кеча Кореяга жўнаб кетдилар. 1994 йил Япониянинг Хиросима шаҳрида бўлган XII Осиё ўйинларида ҳамюртларимиз 10 та олтин, 12 та кумуш, 20 та бронза медалларини қўлга киритиб, умумжамоа ҳисобида 5-ўринни эгаллаб қайтган бўлсалар, 1998 йил Бангкокда ўтказилган XIII Осиё ўйинларида эса 6 та олтин, 22 та кумуш ва 12 та бронза медаллари Ўзбекистон терма жамоасига насиб этганди.

Футбол бўйича жамоамиз учрашувлари ҳақида тўхталсак, Ўзбекистон вакиллари Баҳрайн, Иордания, Япония давлатлари терма жамоаларига қарши майдонга тушадилар.

Бокс бўйича эса Тўлашбой Дониёров (51 кг), Беҳзод Хидиров (54 кг), Дилшод Маҳмудов (60 кг), Бахит Сасикбоев (63,5 кг), Сирожиддин Наимов (71 кг), Ўткир Ҳайдаров (75 кг), Икром Бердиев (81 кг), Рустам Саидов (91 кг. юқори), Сергей Михайлов (ўта оғир вазнда)лар рингга чиқадилар. Шунингдек, бошқа спорт турлари бўйича ҳам умидли спортчиларимиз ҳаракат қиладилар.

Чирчиқ шаҳрининг "Олмос" спорт клубида вилоят фахрийлари спартакиадаси бўлиб, унда 200 нафардан ортиқ фахрийлар шаҳмат, стол тенниси, енгил атлетика, футбол каби спорт турлари бўйича беллашдилар. Бўлиб ўтган қизғин баҳслардан сўнг юлиблар дипломлар ва эсдалик совғалари билан тақдирландилар.

ФАХРИЙЛАР БЕЛЛАШУВИ

ЭЗГУЛИК АБАДИЙ УЙҒОҚДИР!

"2002 — Қарияларни қадрлаш йили" муносабати билан Кармана шаҳрида Навоий педагогика коллежи ҳамда "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати Кармана туман бўлими ҳамкорлигида А.Утегенов хотирасига бағишланган волейбол бўйича коллеж бўлимлари ўртасида турнир мусобақаси ўтказилди.

Айтиш жоизки, А.Утегенов узоқ йиллар мазкур коллежда ижтимоий фанлар бўйича ўқувчи талабаларга сабоқ берган устоз ҳисобланади.

Коллеж директори математика фанлари номзоди, доцент О.Сувонов турнирни очар экан, "Дунёда шундай хайрли ва эзгу ишлар борки, ҳар он устозни эслаганда, қалблар ларзага келиб, юрагинг энтикади. А.Утегенов талабаларимизга биргина чуқур билим, тарбия бермай, балки илм чўққиларини забт этишларида қанот бўлиб улар ҳар бирининг қалбига қувонч, завқ берган устоз эди" - деб эътироф этди.

Шундан сўнг бошланган мусобақада 8 жамоа икки гуруҳга бўлинган ҳолда беллашдилар. Зеро, турнир ўсиб келаётган ёш авлодни спортга қизиқтириш, қийинчиликларни мардонавор енгиш, уларнинг иродасини тоблаш ҳамда ёшлар қалбида эзгулик ҳамиша абадий эканлигини уйғотиш шиори остида ўтказилди. Беллашувлар якунига кўра, биринчи ўринни йигитлар ўртасида жисмоний тарбия бўлимининг 3-П гуруҳи жамоаси, 2-ўринни бошланғич синф ўқитувчилари бўлимининг 2-М гуруҳи, 3-ўринни жисмоний тарбия бўлимининг 3-С гуруҳи жамоаси қўлга киритди. Қизлар ўртасида эса 1-ўрин ҳуқуқшунослик бўлимидан 2-Ш гуруҳ жамоаси, 2-ўринни жисмоний тарбия бўлимининг 2-Ж гуруҳи ва 3-ўрин бошланғич синф ўқитувчилари мутахассислиги бўлимининг 2-Л гуруҳи қизларига насиб қилди. Хотира турнири ғолиблари Навоий педагогика коллежи ва "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати Кармана туман бўлимининг қимматбаҳо совғалари ва дипломлари билан тақдирландилар.

Моҳинисо ПЎЛАТОВА

ШЕВЧЕНКО НОЯБРЬ ОЙИГАЧА ДАМ ОЛАДИ

Украина терма жамоаси ва Италиянинг "Милан" клуби аъзоси Андрей Шевченко ноябрь ойигача яшил майдонга тушолмайдиган бўлди. Аввалроқ эса, унинг октябрь ойи ўрталарида қайтиши кутилган эди. Лекин, тиззаси операция қилинганидан сўнг соғайиб кетиш учун керак бўладиган муддат бунга йўл қўймади. Ўз навбатида клуб раҳбарияти ҳужумчи Шевченкони майдонга тушишга шошилтирмаяпти. Шунинг учун у айни вақтда реаблитация курсини қабул қилмоқда. Чехларнинг "Слована" клубига қарши УЕФА кубоги ўйинлари вақтида майдонга тушганида Шевченко жароҳат олган эди.

КУБАДА ЖАҲОН ЧЕМПИОНАТИ

Сантяго де Куба шаҳрида 1983-1985 йилларда туғилган ўсмирлар ўртасида бўлиб ўтган бокс бўйича жаҳон чемпионатида мамлакатимиз терма жамоаси муносиб иштирок этдилар. 47 давлатдан келган 264 нафар спортчи ўртасида бўлган бокс бўйича мазкур нуфузли мусобақада ватандошимиз Баҳодир Султонов жаҳон чемпионлигини қўлга киритди. 57 кг.га ча бўлган боксчилар беллашувида эса Улуғбек Бўрибоев кумуш медал соҳиби бўлди. Алишер Матниёзов ва Жасур Матжоновлар эса ўз вазн тоифаларида бронза медалини қўлга киритдилар.

САФИН ҒАЛАБА ҚОЗОНДИ



Сянган шаҳрида АТР таснифи бўйича ўтказилаётган нуфузли турнирда россиялик профессионал ракетка устаси Марат Сафин илк ғалабасини қўлга киритди. У биринчи давра ўйинларида германиялик рақиби Ларс Бургшмюллерга қарши кортга тушиб — 6:2, 6:2 ҳисобида ғалаба қозонди.

КЛИЧКОЛАР ЮНЕСКО БИЛАН

Оғир вазнли профессионал бокс оламида ўз мавқеларига эга бўлган украиналик ака-ука Владимир ва Виталий Кличколар куни кеча ЮНЕСКО вакили билан учрашдилар. WBO йўналиши бўйича жаҳон чемпиони Владимир ва WBC рейтингида биринчи ўринни банд этиб турган Виталийлар футбол қироли Пеле ва автопойгачи Михаэл Шумахерлар сингари болаларга саҳоват кўрсатишмоқчи. Улар ЮНЕСКО доирасида дунё давлатлари бўйлаб саёҳатга чиқадилар ва болаларга кўмак берадилар. "Биз ака-укалар Африка, Осиё, Жанубий Америка ва бошқа минтақалардаги давлатларга сафарлар уюштирамиз ва у ердаги мактаблар, болалар уйларига бориб болажонларга ёрдам берамиз", дея айтган Виталий Кличко.



РУСЛАРНИНГ МАҒЛУБИЯТИ

Лига чемпионларининг гуруҳ босқичида иккинчи учрашувини ўтказган Москванинг "Спартак" жамоаси Испаниянинг "Валенсия" клубига — 0:3 ҳисобида имкониятни бой бериб қўйди. Москвадаги "Динамо" стадионида ўтказилган бу учрашувнинг 6-дақиқасида меҳмонлардан Мигуэль Ангуло ҳисобни очган бўлса, сўнгра 71-дақиқада Миста ва ўйин тугашига 5-дақиқа қолганида Санчеслар мезбонлар дарвозасини ишғол этдилар.

"БИЗ БИЛГАН, БИЛМАГАН ОЛАМ"

СУПЕРКРОССВОРД



БЎЙИГА: 1. Катта сопол идиш. 2. Эрондаги шаҳар. 3. Жанубий Америкадаги энг йирик давлат. 4. Қадимги Мисрда Қуёш худоси. 5. Яқин Шарқдаги оловли сектор, ҳудуд. 7. Мева. 8. Тинч океани соҳилидаги давлат. 9. 3,14159 сони. 10. Ер ҳақидаги фанлардан бири. 11. Катта Ит юлдуз туркумидаги ёрқин юлдуз. 12. Кўпинча сув бўйига экиладиган дарахт. 14. Ҳинд океани шарқидаги орол. 15. Полеозой эраси даври. 17. Опийсимон наркотик модда. 21. Қадимги Римда қўшин тузилмаси, ҳарбий бўлинма. 22. Африкадаги вулқон массиви. 23. Уммон. 24. Европа шимолидаги давлат. 25. Венесуэла пойтахти. 26. Нил бўйидаги давлат. 30. Шарқий Осиёдаги денгиз. 32. От пойгалари ўтказиладиган жой. 33. Ҳинд океанидаги денгиз. 39. Норвегия пойтахти. 40. Шри Ланка пойтахти. 43. Олхўрининг итальянча нави. 44. Галваник элементларнинг мусбат қутби. 47. Юнон географи ва тарихчиси. 48. Сайёрамизнинг ички кучлари. 49. Компас стрелкасини фиксацияловчи қурилма. 50. Европадаги давлат. 51. Жанубий Шарқий Осиёдаги тропик циклон. 56. Сайёраларнинг коинотдаги ҳаракатланиш траекторияси. 57. Зичлашган, лекин музга айланмаган қор. 58. Голландларнинг майда пули. 59. Португалияга тегишли ороллар. 62. Маън этиш, таъқиқлаш. 64. Италия шарқидаги денгиз. 65. Кўплаб юлдуз системаларини ўз ичига олган тизим. 71. Грециядаги энг баланд тоғ. 72. Бангладеш пойтахти. 73. Янги фильм ва спектакль рекламаси. 74. Франциядаги дарё. 75. Сувда эриган минераллар тарқалган жойдаги рельеф шакли. 76. Кучли шамол. 78. Дунёдаги энг узун дарё. 79. 1776 йилда гавайликлар томонидан ўлдирилган инглиз сайёҳи. 81. Америка қитъасидаги қадимий халқ. 87. Бургут юлдуз туркумидаги энг ёрқин юлдуз. 88. Судралиб юрувчи жонивор. 89. Ўрта Ер денгизидаги орол. 90. Кения пойтахти. 91. Йирик, халтали сут эмизувчи. 92. Шовқин ўлчов бирлиги. 94. Белорусдаги шаҳар. 95. Комета номи. 97. Сириуснинг қадимий номи. 100. Биологиядаги олий таксономик бирлик. 102. Франциядаги дарё. 103. Дарёларнинг илонизи шакли. 104. Ўрта Осиёдаги энг узун дарё. 105. Европадаги кичик давлат. 109. Баҳор таоми. 110. Жазоирдаги тоғлик. 112. Европадаги бир қанча давлатлар пул бирлиги. 117. Мева. 118. Аргентинадаги шаҳар. 119. Никарагуа пойтахти. 122. Ҳозиргача сақланиб қолган ҳайвон ва ўсимликлар. 123. Даврий системадаги 10-элемент. 124. АҚШ штати. 125. Атмосферага ёриб кирган ёрқин метеор. 126. Тупроқдаги чиринди. 127. Ер ва осмон чегараси. 129. Тайланднинг эски номи. 130. Пушкиннинг қотили. 135. Мусиқавий асар тури. 136. Ҳавонинг ҳаракати. 137. Ироқдаги порт шаҳар. 138. Мисрда яшовчи халқ. 143. Африкадаги давлат. 144. Ҳужайра ўзаги. 145. Fовак, вулканик тоғ жинси 147. Ёғин тури. 150. Чорва маҳсулоти. 151. Чорва молларига қўйиладиган белги. 153. Нота.

ЭНИГА: 1. Кичик Осиёдаги давлат (милоддан аввалги XVII – XVI асрлар). 2. Лўли "овули". 6. Қора танли, ҳабаш. 9. Юлдуз туркуми. 11. Вақт ўлчови. 13. Яқин қариндош. 16. Қозоғистондаги дарё. 17. Альп тоғининг энг баланд нуқтаси. 18. Африкадаги дарё. 19. Жанубий Кореядаги шаҳар. 20. Канададаги йирик порт. 26. Шимолий Америкадаги кўл. 27. Шри Ланка ва Ҳиндистон ўртасидаги бўғоз. 28. "Қизил китоб"га киритилган бута. 29. Жанубий юлдуз туркумидаги сариқ юлдуз. 31. 100 нинг 1 қисми. 34. Донли экин. 35. Саҳрои Кабирдаги тоғлик. 36. Хитойдаги дарё. 37. Буюк кўллардан бири. 38. Австралиянинг шимолий чекка нуқтаси. 43. Франциядаги шаҳар. 45. Ҳиндистон штати. 46. Табиат ҳодисаси. 51. Канададаги шаҳар. 52. Испаниядаги дарё. 53. Ёруғлик. 54. Ёқутистондаги маркази кўл, атрофи ўтлоқ бўлган чўкмалар. 55. Ватани Америка бўлган, доимий яшил, мевали дарахт. 59. Тўлқинларнинг қирғоқни емириши. 60. Зилзила ўчоғининг маркази. 61. Шахмат термини. 63. Осмон, фазо. 66. Адиб Сальвадор ... . 67. Шимолий Америкадаги кучли атмосфера циклонлари. 68. Ернинг шакли. 69. Ватанимиздаги қадимий давлат. 70. Ҳориж тилида шимол. 75. Орол-давлат. 77. АҚШ штати. 80. Ер ўқининг тебраниши. 82. Рад этиш. 83. Бурж. 84. Инсоний хислатлардан бири. 85. Металл. 86. Қутбий ўлка. 87. Самоа пойтахти. 93. Қуёш чиқадиган пайт. 96. Жазоирда эсадиган иссиқ шамол. 98. Атлантика океанининг шимоли шарқидаги ороллар. 101. Тоғ водийларида ҳосил бўладиган музлик. 105. Тарихий давр. 106. Африкадаги давлат. 107. Қоя ва тошларга ишланган ёзув ва расмлар. 108. Дунё океанининг энг паст нуқтаси. 111. Ой юзасини қоплаб ётган жинслар. 113. Мучал. 114. Мезозой эраси даври. 115. Қатар пойтахти. 116. Ўрта ҳаёт эраси. 120. Индонезиядаги орол. 121. Ла-Плата қўлтиғига қуйилувчи дарё. 122. Ўрта Ер денгизига қуйилувчи дарё. 128. Бурж. 131. Биринчи одам суяклари топилган Африкадаги маскан. 132. Оптик тизимдан ўтган нурларнинг йиғилиш нуқтаси. 133. Ёзнинг иссиқ пайти. 134. Жанубий Шарқий Осиёдаги давлат. 138. Текст. 139. Қимматбаҳо қоғозларнинг ўзига ёзилган қиймати. 140. Чад кўлига қуйилувчи дарё. 141. Сайёра. 142. Жанубий Америкадаги давлат. 145. Амазонка дарёси ирмоғи. 146. Бўлинмас зарра. 148. Қурғоқчил иқлим тури. 149. Эгизаклар юлдуз туркумидаги юлдузлардан бири. 151. Юнон афсоналаридаги шамол худоси. 152. Саёз жойлардаги сув ости қоялари. 154. Сатурннинг йўлдоши. 155. Сеҳр, жоду. 156. Хариталар тўплами. 157. Қадимий, кўҳна. 158. Юнонистонга тегишли орол.

Тузувчи:
Равшан АБДУЛЛАЕВ,
ўқитувчи
Янгиобод тумани

Ma'rifat

ТАЪСИС ЭТУВЧИЛАР:
Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги, Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий Қўмитаси.

Бош муҳаррир:
Ҳалим САИДОВ

Таҳрир ҳайъати: Йўлдош АҲМЕДОВ, Жуманазар БЕКНАЗАРОВ, Икром БЎРИБОЕВ (бош муҳаррир ўринбосари), Шукур ЖОНБОЕВ, Фахриддин КАРИМОВ (масъул котиб), Қурбонбой МАТҚУРБОНОВ, Усмонали МУСАЕВ, Абдусамат РАҲИМОВ (бош муҳаррир ўринбосари), Ҳулкар ТЎЙМАНОВА, Нурлан УСМОНОВ, Саъдулла ҲАКИМОВ, Ўткир ҲОШИМОВ

Газета Ўзбекистон Республикаси Давлат Матбуот Қўмитасида № 20 рақам билан 12 июнь 1998 йил рўйхатга олинган.

ИНДЕКС: 149, 150. Г-729.
Тиражи 23789 Г. 1 2 3 4 5 6
Ҳажми 4 босма табоқ.
Офсет усулида босилган, қоғоз бичими А-3

Навбатчи муҳаррирлар: Ҳулкар ТЎЙМАНОВА, Камолиддин АЛИОХУНОВ.
Навбатчилар: Муҳаммаджон ИСРОИЛОВ, Дилрон ТОЖИАЛИЕВ.

«Маърифат»дан материалларни кўчириб босиш таҳририят рухсати билан амалга оширилиши шарт.

МАНЗИЛИМИЗ: 700083, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32.

ТЕЛЕФОНЛАР: масъул котиб—136-56-42, хатлар, мактабгача ва мактабдан ташқари таълим янгиликлари бўлими —136-54-23, умумий ўрта таълим янгиликлари бўлими, касбга йўналтириш ва ўрта махсус таълим янгиликлари бўлими — 136-54-03, олий таълим янгиликлари бўлими, реклама ва тарғибот бўлими — 136-55-58.

Газета материаллари «Ma'rifat Madadkor» нашриётида терилди. Pentium компьютерида Лилия БИНАШЕВА ва Малоҳат ТОШОВА саҳифалади.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акционерлик компанияси босмахонаси.
Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси 41-уй

Босишга топшириш вақти—21.00.
Топширилди — 21.00